49. Актиномикотик абсцессни очгандан кейин қандай асоратлар кузатилади?
- 1) Инфилтрат катталашиши.
 - 2) Оқмани шаклланиши.
 - 3) Органларни метастазланиши ва тухумланиши.
 - 4) Юқоридагиларнинг ҳаммаси.
 - 5) Асоратлар кузатилмайди.
50. Антиномикозни консерватив даволашда қўлланилади лекин қуйидагидан ташқари.
- 1) УВЧ терапия.

- 2) Рентгенотерапия.
 - 3) Антибиотикотерапия.
 - 4) Йод пепаратларини қўллаш.
 - 5) Актинолизатлар инъекцияси.
51. Актиномикоз ривожланишида, қайси манба муҳим ролни ўйнайди?
- 1) Экзоген (аэроблар-Бострем кўриниши).
 - 2) Эндоген (анаэроблар - Воклюр-Израэл кўриниши).
52. Анаэроб усувчи актиномицетлар ўзининг патоген хусусиятини қаерга тушганда намоён этади?
- 1) Тўлақонли тўқималарга.
 - 2) Ишемияли тўқимага.
 - 3) Гликогенга бой тўқимага.
53. Актиномикоз ўчоғи кўпинча қаерда учрайди.
- 1) Ичакда.
 - 2) Ўпкада.
 - 3) Қўл-оёқларда.
 - 4) Юз ва буйинда.
 - 5) Паренхиматоз органларда.
54. Иккиламчи заҳимда периоститлар қаерда аниқланади?
- 1) Бош суягида.
 - 2) Қовурға ва тўшда.
 - 3) Чанок суяқларида.
 - 4) Болдир суягини олд юзасида.
 - 5) Юқоридагиларнинг ҳаммаси.
55. Узун найсимон суяқларни сифилитик зарарланиш жараёни қаерда жойлашади?
- 1) Эпифизда.
 - 2) Метафизда.
 - 3) Диафизда.
 - 4) Бўғимни спангиоз охирида.
 - 5) Ҳамма соҳаларни бирдай зарарлайди.
56. Суяқларни сифилитик зарарланишида рентгенда аниқланади:
- 1) Суяқларни пороз деструкцияси.
 - 2) Суяк склерози.
 - 3) Остеопериостит.
 - 4) Суяк деформацияси.
 - 5) Юқоридагиларнинг ҳаммаси.
57. Лепраматоз инфекциясининг кириш дарвозасини айтинг:
- 1) Юқори нафас йўли.
 - 2) Ошқозон ичак тракти.
 - 3) Тери ва шиллиқ қаватининг шикастланиши.

58. Маховда инкубацион давр давомийлигини кўрсатинг?
- 1) 1- йилгача.
 - 2) 2- йилгача.
 - 3) 3- йилгача.
 - 4) 5- йилгача.
 - 5) 6- йилгача.
59. Маховни лепраматоз кўринишида кўпинча зарарланади:
- 1) Тери, тери ости клетчаткаси.
 - 2) Орқа мия нервлари.
 - 3) РЭС тўқимаси.
 - 4) Паренхиматоз органлар.
 - 5) Юқоридагиларнинг ҳаммаси.
60. Маховни туберкулоид шаклида кўпинча зарарланади:
- 1) Тери, тери ости клетчаткаси.
 - 2) Орқа мия нервлари.
 - 3) РЭС тўқимаси.
 - 4) Паренхиматоз органлар.
 - 5) Юқоридагиларнинг ҳаммаси.
61. Заҳмда буғимлар зарарланадими?
- 1) Ҳа.
 - 2) Йўқ.
62. Учламчи заҳмда кузатилади.
- 1) Периостит.
 - 2) Остит.
 - 3) Остеомиелит.
 - 4) Миелит.
 - 5) Юқоридагиларнинг ҳаммаси.
63. Заҳмда қайси буғимлар кўпинча зарарланади?
- 1) Тизза, болдир-панжа.
 - 2) Фалангалараро.
 - 3) Умуртқалараро.
 - 4) Елка, чаноқ-сон.
 - 5) Чакка-пастки жағ.
64. Нокардиознинг кўп учрайдиган клиник кўринишини айтинг?
- 1) Плевропневмония.
 - 2) Упка абсцесси.
 - 3) Плевра эмпиемаси.
 - 4) Бош мия абсцесси.
 - 5) Юқоридагининг ҳаммаси.
65. Актиномикозни даволаш усули:
- 1) Консерватив.
 - 2) Оператив.
 - 3) Рентгенотерапия.

Тест саволлари

4)Актинолизатор.

5)Юқоридаги ҳамма усуллар.

66.Заҳм билан энг кўп заҳарланадиган бугимлар:

1) Елка ва тирсак.

2) Тизза ва болдир тавон.

3) Чаноқ-сон.

4) Бармоқлар.

5) Қовурға умуртқа.

67.Заҳм билан энг кўп заҳарланадиган суяк:

1) Елка.

2) Сон.

3) Кичик болдир.

4) Катта болдир.

5) Умуртқа.

Тўғри жавоблар.

1. - 2	12. - 3	23. - 2	34. - 3	45. - 5	56. - 5	67. - 4
2. - 3	13. - 2	24. - 1	35. - 3	46. - 3	57. - 3	
3. - 2	14. - 1	25. - 3	36. - 5	47. - 2	58. - 5	
4. - 2	15. - 2	26. - 1	37. - 5	48. - 4	59. - 1	
5. - 1	16. - 2	27. - 4	38. - 1	49. - 4	60. - 2	
6. - 2	17. - 3	28. - 3	39. - 1	50. - 1	61. - 1	
7. - 2	18. - 2	29. - 3	40. - 3	51. - 2	62. - 4	
8. - 3	19. - 2	30. - 2	41. - 5	52. - 2	63. - 1	
9. - 3	20. - 5	31. - 2	42. - 4	53. - 4	64. - 5	
10. - 1	21. - 5	32. - 3	43. - 4	54. - 5	65. - 4	
11. - 2	22. - 2	33. - 1	44. - 5	55. - 3	66. - 2	

XV – БОБ.

НЕКРОЗЛАР. ГАНГРЕНАЛАР. ЯРА ВА ОҚМАЛАР.

1. Дам олувчи оқсоқлик учрайди:
 - 1) Посттромбофлебитик синдромида.
 - 2) Облитерацияловчи эндоартеритда.
 - 3) Артритда.
 - 4) Остеомиелитда.
 - 5) Тромбофлебитда.
2. Оёқ-қўллар атеросклерози олиб келади:
 - 1) Сарамасга.
 - 2) Веналарни варикоз кенгайишига.
 - 3) Гангренага.
 - 4) Артрозга.
 - 5) Асцитга.
3. Ўпка артериясининг эмболияси нимани асорати?
 - 1) Абсцессни.
 - 2) Флегмонани.
 - 3) Лимфаденитни.
 - 4) Флеботромбозни.
 - 5) Эндартериитни.
4. Эмболия чақирилмайди:
 - 1) Қон лахтасидан.
 - 2) Ҳаводан.
 - 3) Ёғдан.
 - 4) Суяк бўлагидан.
 - 5) Микроб колониясидан.
5. Кўрсатилганлардан қайси ўзгариш газли гангренада учрамайди?
 - 1) Шишли.
 - 2) Буллёз.
 - 3) Некротик.
 - 4) Флегманоз.
 - 5) Эмфизематоз.
6. Антикоагулянтлар қўлланмайди:
 - 1) Тромбофлебитда
 - 2) Гангрена бошланишида
 - 3) Эндартеритда
 - 4) Тромбоэмболияда
 - 5) Облитерацияловчи атеросклерозда.
7. Хўл гангренада йўқ.
 - 1) Шиш.
 - 2) Интоксикация.
 - 3) Тери мармарлиги.

Тест саволлари

- 4) Демаркацион вал.
 - 5) Оғриқ.
8. Ўткир тромбозда кўрсатилганлардан қўлланилади, фақат бундан мустасно:
- 1) Антибиотик.
 - 2) Антикоагулянтлар.
 - 3) Қон сўрувчи (зулик).
 - 4) Актив ҳаракатлар.
 - 5) Яллиғланишга қарши воситалар.
9. Сон артериясининг окклюзияси симптомига киради, фақат бундан мустасно:
- 1) Пульсацир йўқлиги.
 - 2) Оёқ - қўлларни яхлаши.
 - 3) Оғриқлар.
 - 4) Оёқ - қўллар гиперемияси.
 - 5) Оёқ - қўллар сезгирлигини йўқолиши.
10. Оёқ - қўллар трафик ярасини консерватив даволаш учун нима керак?
- 1) Ётиш, Оёқлар туширилган ҳолатда.
 - 2) Ярадан ажралаётган ажралмани тўхтатиш.
 - 3) Яра юзаси ва атрофидаги тери тозаллиги.
 - 4) Солицил малҳамли боғлама.
 - 5) Ярага иситувчи компресс қўйиш.
11. Тўқима некрозига олиб келмайдиган механик факторни кўрсатинг?
- 1) Ёт тана билан босилиш.
 - 2) Қон тўхтатувчи тасма билан 2-3соат мобайнида қисиш.
 - 3) Аъзонинг қисилиши ва айланиши.
 - 4) Нерв ва қон томирлар бутунлиги бузилиши билан қастланиши.
 - 5) Йирингланган ярани антисептик эритма билан ювиш.
12. Тана бир қисмининг (аъзо ва унинг бир қисми) ишемияси гангрена деб айтиладими?
- 1) Ҳа.
 - 2) Йўқ.
13. Қуруқ гангрена хўлдан оғир кечадими?
- 1) Ҳа.
 - 2) Йўқ.
14. Хўл гангрена қайси касаллик билан касалланган беморда оғир кечади?
- 1) Облитерацияловчи эндартериит.
 - 2) Фурункулез.
 - 3) Гематоген остеомиелит.
 - 4) Қандли диабет.

15. Носпецифик гангрена ривожланади:
- 1) Клостридиал инфекцияда.
 - 2) Заҳмда.
 - 3) Қандли диабетда.
 - 4) Спарынья билан заҳарланганда.
 - 5) Йирик томир тромбози ёки эмболиясида.
16. Қорин бўшлиғи аъзолари (ўт пуфағи, ичак ва бошқа) гангрена си бор беморга биринчи ўринда кўрсатилган:
- 1) Антибиотикларнинг юқори дозасини юбориш.
 - 2) Спазмолитиклар юбориш.
 - 3) Оғриқсизлантирувчилар юбориш.
 - 4) Антикоагулянтларни юбориш.
 - 5) Зудлик лапаротомия зарарланган аъзоларни олиб ташлаш билан.
17. Тромбоз артерияларда веналардан кўра кўп учраши тўғрими?
- 1) Ҳа.
 - 2) Йўқ.
18. Шикастлангандан кейин қанча вақтдан сўнг совуқ консервация қилинган бармоқлар реплантация қилиниши мумкин?
- 1) 6- 8 соат.
 - 2) 8-10 соат.
 - 3) 10-14 соат.
 - 4) 14-18 соат.
 - 5) 18- 24 соат.
19. Облитерацияловчи эндоартеритда операциялар ўтказилади, фақат бундан ташқари:
- 1) Симпатэктомия.
 - 2) Шунтлаш.
 - 3) Тромбингимэктомия.
 - 4) Фогарти зонди ёрдамида томирнинг дилатацияси.
 - 5) Ампутациялар.
20. Яра грануляция билан тўлгандан кейин малҳамли боғлама ва грануляцияни ляпис билан енгил куйдириш тўғрими?
- 1) Ҳа.
 - 2) Йўқ.
21. Қайси оқмалар ўзидан-ўзи битади?
- 1) Эпителияланган.
 - 2) Лабсимон.
 - 3) Грануляцияланган.
22. Оқимтир флегмазия -ёнбош веналар тромбози бўлиб, бунда кузатилади?
- 1) Оёқ- қўллар веналарининг тромбози.

Тест саволлари

- 2) Артерияларни турғун спазми билан.
 - 3) Сон артериялар тромбозмболияси билан.
23. Кўк флегмазия – бу ёнбош вена тромбози бўлиб, бунда кузатилади:
- 1) Артериялар турғун спазми.
 - 2) Оёқ-қўллар веналар тромбози.
 - 3) Облитеративчи эндартериит билан.
24. Ётоқ яра турларини кўрсатинг?
- 1) Яширин ва яққол.
 - 2) Ятроген ва паталогик.
 - 3) Эндоген ва экзоген.
 - 4) Ўткир, ўткир ости, сурункали ва рецидивланувчи.
 - 5) Эритематоз, буллёз, флегманоз ва некротик.
25. Ташқи суъний оқма ҳисобланади:
- 1) Трахея- қизилунгачли.
 - 2) Гастростома.
 - 3) Артериовеноз шунт.
 - 4) Холедоходуоденоанастомоз.
 - 5) Урахус.

Тест жавоблари.

1 - ?	10 - 3	19 - 4
2 - 3	11 - 5	20 - 1
3 - 4	12 - 2	21 - 3
4 - 4	13 - 2	22 - 2
5 - 2	14 - 5	23 - 2
6 - 5	15 - 5	24 - 3
7 - 4	16 - 5	25 - 2
8 - 4	17 - 2	
9 - 4	18 - 5	

XVI – БОБ.

ХИРУРГИК ОПЕРАЦИЯЛАР.

1. Ўткир аппендицит билан бемор шифохонага ётқизилгандан 2 соат ўтқач аппендэктомия қилинди. Вақт жиҳатдан қандай операция қўлланилган?
 - 1) Режали.
 - 2) Радикал.
 - 3) Поллиатив.
 - 4) Симптоматик (белгили).
 - 5) Шошинч.
2. Симптоматик (белгили) операцияга қайси операция киради?
 - 1) Биринчи жарроҳлик ишлови.
 - 2) Жгут қўйиш.
 - 3) Қон томирларига қисқич қўйиб қонни тўхтатиш.
 - 4) Хиқилдоқ ракида – трахеостомия қилиш.
 - 5) Тешилган ошқозон ярасини тикиш.
3. Меъданиз радикал ооперациясига киради:
 - 1) Тешилган ошқозон ярасини тикиш.
 - 2) Гастроэнтеростомия.
 - 3) Гастродуоденостомия.
 - 4) Пилоропластика.
 - 5) Меъда резекцияси.
4. Бемор тўғри чов чурраси билан режали операция қилинди. Оғирлигига қараб қандай операция бажарилди?
 - 1) Оддий операция.
 - 2) Мураккаб операция.
 - 3) Симультан операция.
 - 4) Симптоматик операция.
 - 5) Поллиатив операция.
5. Поллиатив операцияларнинг мақсади нима?
 - 1) Ташхисни аниқлаш.
 - 2) Беморни соғайтириш.
 - 3) Беморни аҳволини енгиллаштириш.
 - 4) Кўп этапли операцияларни тугатиш.
 - 5) Юқорида кўрсатилган бошқа мақсадлар учун.
6. Қуйидаги операциялардан қайси бири қонсиз операция турига киради?
 - 1) Ичак резекцияси.
 - 2) Биопсия.
 - 3) Тишни олиб ташлаш.
 - 4) Чиқикларни тўғрилаш-жойига солиш.
 - 5) Плеврал пункция.

Тест саволлари

7. Қайси ҳолда шошилич (экстреннз) операция қилинади?
- 1) Ёмон сифатли ўсмада.
 - 2) Суякнинг ёпиқ синишида.
 - 3) Перитонигда.
 - 4) Мия чаққалишида.
8. Қуйидаги қайси касалликда операцияга мутлоқ кўрсатма бор?
- 1) Йирингли мастит.
 - 2) Аппендикуляр инфилтрат.
 - 3) Ошқозон яра касаллиги.
 - 4) Ичак тромбози.
 - 5) Ўткир пиелонефрит.
9. Лапароскопия диагностика мақсадида кўрсатилган касалликлардан қайси бирида қўлланилади?
- 1) Ўткир паранефрит.
 - 2) Ўткир аппендицит.
 - 3) Ўткир холецистит.
 - 4) Ўткир ичак тутилиши.
 - 5) Жигар ўсмаси.
10. Пневмоперитонеумда қайси газ ишлатилади?
- 1) Закись азота.
 - 2) Циклопропан.
 - 3) Ҳаво.
 - 4) Кислород.
 - 5) Карбонат ангидрид.
11. Режали операция бажарилади:
- 1) Қисилган чурраларда.
 - 2) Ошқозон яра касаллигида.
 - 3) Ўткир ўт-тош касаллигида.
 - 4) Ичак тутилишида.
 - 5) Қон томирлар шикастланишида.
12. Зудлик операция қайси муддатда бажарилади?
- 1) 2 соат ичида.
 - 2) 1 соат ичида.
 - 3) 3 соат ичида.
 - 4) 24 соат ичида.
 - 5) 72 соат ичида.
13. Шошилич операция қайси касалликда бажарилади?
- 1) Қорин чурраларида.
 - 2) Ўт-тош касаллигида.
 - 3) Ўткир сийдик тўхташида.
 - 4) Пневмоторакс пайтида.
 - 5) Ичак тутилиши.
14. Қайси ҳолатда операция вақтинча қилинмай турилади?
- 1) Бемор маст ҳолатда.

Тест саволлари

- 2) Шок пайтида.
 - 3) Шикастланган қон томирларидан қон кетиши камайганда.
 - 4) Сепсис ҳолатда.
 - 5) Кечки пайтларда.
15. Диагностик операцияларга киради:
- 1) Аппендэктомия.
 - 2) Чуррани кесиш.
 - 3) Лимфа тугунларидан биопсия олиш.
 - 4) Елка суягини тўғрилаш.
 - 5) Панарицийни очиш.
16. Вақтга кўра операциялар бўлинади:
- 1) Шошилинч, зудлик, паллиатив.
 - 2) Режали, шошилинч, кўп босқичли.
 - 3) Шошилинч, зудлик, режали.
 - 4) Радикал, режали, паллиатив.
 - 5) Диагностик, шошилинч бўлмаган, бир босқичли.
17. Зудлик операция кўрсатилган:
- 1) Оёқ веналарининг варикоз кенгайишида.
 - 2) Липомада.
 - 3) Меъда ярасининг перфорациясида.
 - 4) Трофик ярада.
 - 5) Жигар саратонида.
18. Режали операциялар бажарилади:
- 1) Ўткир аппендицитда.
 - 2) Қисилган чуррада.
 - 3) Шикастланган қон томиридан қон кетганда.
 - 4) Асфиксияда.
 - 5) Ўт-тош касаллигида.
19. Операциядан кейин тромбофлебитик асоратларни профилактикаси бўлиб ҳисобланади:
- 1) Оёқларни эластик бинтлар билан боғлаш.
 - 2) Антикоагулянтларни қўллаш.
 - 3) Дезагрегантларни қўллаш.
 - 4) Эрта турғизиш.
 - 5) Юқорида кўрсатилганлар.
20. Ҳаётий кўрсатма билан операция бажарилади:
- 1) Тўхтамаётган қон кетишда.
 - 2) Ҳафвсиз ўсмаларда.
 - 3) Ёмон сифатли ўсмаларда.
 - 4) Облитерлович эндоартериитда.
 - 5) Оёқ томирлари варикоз кенгайишида.
21. Ўткир қон кетиш ва қон кетишнинг тўхтаганида операция давомида қуйилиши керак бўлади:
- 1) Қон.
 - 2) Интралипид.

Тест саволлари

- 3) Гемодез.
 - 4) Фибриноген.
 - 5) Эпсилон-аминокапрон кислотаси.
22. Радикал операция ҳисобланади:
- 1) Холецистэктомия.
 - 2) Қизилунгач жароҳати сабабли гастротомия қуйиш.
 - 3) Ичак саратонида айланиб ўтувчи анастомоз қуйиш.
 - 4) Биопсия.
 - 5) Плевра бўшлиғини пункция қилиш.
23. Жароҳатга инфекция тушишини олдини олишга қаратилган операциядан олдинги чора-тадбирлар:
- 1) Ванна.
 - 2) Антибиотикотерапия.
 - 3) Тери қопламларини тозалаш.
 - 4) Меъда-ичак трактини тозалаш.
 - 5) Барча санаб ўтилганлар.
24. Операциядан кейин ўпка томонидан вужудга келадиган асоратларни олдини олишга қаратилган чора-тадбирларга киради:
- 1) Темир препаратларини қўллаш.
 - 2) Азот оксидини хидлатиш.
 - 3) Ошқозонни ювиш.
 - 4) Нафас гимнастикаси.
 - 5) Қоринга муз қўйиш.
25. Операциядан олдин ичакларни операцияга тайёрлашда қуйидагиларни қўллаш зарур:
- 1) Балғам хайдовчи дорилар қўллаш.
 - 2) Пархез.
 - 3) Зонд орқали озиклантириш.
 - 4) Тозаловчи хукналар.
 - 5) Қоринга муз қўйиш.
26. Ўткир қон йўқотишга характерли қон кўрсаткичларга киради:
- 1) ЭЧТ нинг ошиши.
 - 2) Гемоглобиннинг пасайиши.
 - 3) Эозинофилия.
 - 4) Лейкоцитоз.
 - 5) Гематокритнинг кўтарилиши.
27. Эндоген интоксикацияда қўлланилади:
- 1) Спазмолитиклар.
 - 2) Инфузион терапия.
 - 3) Оғриқсизлантирувчи препаратлар.
 - 4) Антикоагулянтлар.
 - 5) Боғламани тез-тез алмаштириш.

Тест саволлари

28. Ўпка артериясининг тромбоземболиясини .диагностикасида ёрдам берувчи текшириш усулига киради:
- 1) Қон биохимия таҳлили.
 - 2) ЭКГ.
 - 3) Сийдик умумий таҳлили.
 - 4) Фибробронхоскопия.
 - 5) Реовазография.
29. Операцион жароҳатнинг йиринглашувини олдини олиш учун қўлланилади:
- 1) Жароҳатга кўп чок қўйиш.
 - 2) Жароҳатга сурувчи чоклар қўйиш.
 - 3) Жароҳатни дренажлаш.
 - 4) Даволовчи физкультура.
 - 5) Герметик боғлам.
30. Аппендэктомиядан олдинги тайёргарликка киради:
- 1) Премедикация.
 - 2) Тозаловчи хукна.
 - 3) Қорин олд девори тери қопламини кириш.
 - 4) Психологик тайёргарлик.
 - 5) Сийдик қопини бўшатиш.
31. Операциядан кейинги даврда тромбоземболик асоратларга олиб келадиган асоратга кирмайди:
- 1) Оёқ веналарининг варикоз кенгайиши;
 - 2) Озғивлик;
 - 3) Семизлик;
 - 4) Онкологик касалликнинг мавжудлиги;
 - 5) Ёшнинг катта бўлиши.
32. Операцион жароҳатдаги асоратларга кирмайди:
- 1) Қон кетиш.
 - 2) Гематомалар.
 - 3) Инфилтрат.
 - 4) Жароҳатдаги оғриқ.
 - 5) Эвентерация.
33. Лапаротомиядан кейин жароҳат қирраларнинг очилишига сабаб бўлмайдиган факторни кўрсатинг?
- 1) Қорин бўшлиғи босимининг ошиши.
 - 2) Гематомалар.
 - 3) Массив инфузион терапия.
 - 4) Жароҳатнинг йиринглаши.
 - 5) Апоневрозни яхши тикмаслик.
34. Операциядан кейинги даврда метеоризм кузатилганда қўлланилмайди:
- 1) Орқа чиқарув тешигига газ чиқарувчи трубка қўйиш.

- 2) Спазмолитиклар юбориш.
 - 3) Перистальтикани медикаментоз жошлантириш.
 - 4) Меъдани ювиш.
 - 5) Гипертоник хукналар.
35. Ётоқ яралар пайдо бўлганда қўлланилмайди:
- 1) Беморни қаттиқ ўриндиққа ётқизиш.
 - 2) Айланаларни қўллаш
Терини камфор эритмаси билан суриш.
 - 4) Бемор ҳолатини ўзгартириб туриш.
 - 5) Чойшабларни алмаштириб туриш.
36. Операциядан кейинги даврда ўпка асоратларига кирмайди:
- 1) Пневмониялар.
 - 2) Ателектазлар.
 - 3) Бронхоэктатик касаллик.
 - 4) Бронхит.
 - 5) Асфиксия.
37. Операциядан кейинги даврда ўткир сийдик тутилганда қўлланилмайди:
- 1) Паранефрал новокаинли блокада.
 - 2) Спазмолитиклар юбориш.
 - 3) Сийдик пуфагини катетерлаш.
 - 4) Сийдик ҳайдовчи дорилар юбориш.
 - 5) Эпицистостомия қўйиш.
38. Эндоген инфекциянинг сабаби бўлиб ҳисобланмайди:
- 1) Сурункали тонзиллит.
 - 2) Кариесли тишлар.
 - 3) Терининг йирингли касалликлари.
 - 4) Сурункали остеомиелит.
 - 5) Облитерацияловчи эндоартерит.
39. Операция бажариш давомида операция босқичларига кирмайди:
- 1) Беморни ётқизиш.
 - 2) Операцион майдонни тайёрлаш.
 - 3) Операцион кесма.
 - 4) Операцияни тугаллаш.
 - 5) Наркоздан чиқариш.
40. Буйрак, ўпкадаги операцияларда беморнинг столдаги тўғри вазияти:
- 1) Чалқанча горизонтал вазият.
 - 2) Ён бошига ётган вазият.
 - 3) Тренделенбург вазияти.
 - 4) Гинекологик вазият.
 - 5) Юз тубан ётган вазият.

41. Беморнинг операция столидаги вазияти: талоқ, жигар операциясида:
- 1) Чалқанча горизонтал вазият.
 - 2) Ён бошига ётган вазият.
 - 3) Кўз тубдан ётган вазият.
 - 4) Тренделенбург вазияти.
 - 5) Гинекологик вазият.
42. Беморнинг операция столидаги вазияти: тўғри ичак полипида, аналь тешиги атрезиясида:
- 1) Чалқанча горизонтал вазият .
 - 2) Ён бошига ётган вазият.
 - 3) Юз тубдан ётган вазият.
 - 4) Тренделенбург вазияти.
 - 5) Гинекологик вазият.
43. Хирургик асбобларнинг ката гуруҳларининг номлари:
1. Кесадиган асбоблар.
 2. Умумий асбоблар.
 3. Қон тўхтатувчи асбоблар.
 4. Бириктирувчи асбоблар.
 5. Махсус асбоблар.
- 1) 1,2.
 - 2) 3,4.
 - 3) 1,3.
 - 4) 2,5.
 - 5) 3,5.
44. Қон тўхтатувчи қисқичлар ва лигатура игналари гуруҳига қуйидагилар киради:
1. Гегар игна тутқичи.
 2. Кохер ва Бильрот қисқичлари.
 3. Юмалоқ ва учи қиррали игналар.
 4. Атравматик игналар.
 5. «Чивин» типдаги қисқич (маскитик).
 6. Дешан игнаси (ўнг ва чап игналар).
- 1) 1,2,3.
 - 2) 2,4,6.
 - 3) 1,4,5.
 - 4) 1,3,4.
 - 5) 1,5,6.
45. Қорин бўшлиғи органларидаги операциялар учун зарур асбобларга қуйидагилар киради:
1. Федоров қисқичи.
 2. Икки томони ўткир пичоқ.
 3. Микулич жароҳат кергичи.
 4. Фарабеф распатори.

Тест саволлари

5. Ретрактор.
6. Цистоскоп.
7. Ревердер шпатели.
8. Люэр кусачкаси.
- 1) 1,6 2) 3,7 3) 6,8 4) 4,8 5) 2,5
46. Торакал операциялар учун қуйидагилар киради:
1. Дуайн распаратори.
 2. Парма фрезлари билан.
 3. Ректоскоп.
 4. Трахеостомик капюля.
 5. Люэр қисқичи.
 6. Ректал кўзгу.
 7. Труссонинг кесгичи.
 8. Жиглининг сим арраси.
- 1) 1,5 2) 4,6 3) 3,8 4) 4,7 5) 2,7
47. Тўғри ичак операциялари учун зарур асбобларга қуйидагилар киради:
1. Дуайн распаратори.
 2. Трахеостомик канюля.
 3. Парма фрезлари билан.
 4. Ректоскоп.
 5. Труссонинг кесгичи.
 6. Люэр қисқичи.
 7. Ректал кўзгу.
 8. Жиглининг сим арраси.
- 1) 1,5 2) 4,6 3) 3,8 4) 4,7 5) 2,7
48. Қайси қайчи хирургияда қўлланилмайди?
- 1) Ичак игналари.
 - 2) Атравматик игналар.
 - 3) Кесадиган (уч қиррали) игналар.
 - 4) Дешан игнаси.
 - 5) Тешадиган (учи юмалоқ) игна.
49. Шошилиш (экстренный) операция бажарилади:
- 1) Фақат кундузи.
 - 2) Фақат ёш болаларда.
 - 3) Сутка давомида.
 - 4) Оғриқлар қолгандан сўнг.
 - 5) Фақат кечаси.
50. Даволаш ва ташхис қўйиш мақсадида тўқималарни механик кесиш билан давом этувчи процессга айтилади:
- 1) Биопсия.
 - 2) Оперция.
 - 3) Аутопсия.
 - 4) Лапароскопия.
 - 5) Қайта боғлаш.

Тўғри жавоблар.

1.- 5	9.- 5	17.- 3	25.- 4	33.- 3	41.-1	49.-3
2.- 4	10.- 4	18.- 5	26.- 2	34.- 2	42.-5	50.-2
3.- 5	11.- 2	19.- 5	27.- 2	35.- 1	43.-4	
4.- 1	12.- 3	20.- 1	28.- 2	36.- 3	44.-1	
5.- 3	13.- 5	21.- 1	29.- 3	37.- 4	45.-2	
6.- 4	14.- 2	22.- 1	30.- 2	38.- 5	46.-4	
7.- 3	15.- 3	23.- 5	31.- 2	39.- 5	47.-2	
8.- 4	16.- 3	24.- 4	32.- 4	40.-2	48.-2	

XVII – Б О Б.

ПЛАСТИК ХИРУРГИЯ ВА ТРАНСПЛАНТОЛОГИЯ.

1. Аутоген траснплантацияда - тўқималарни олиш ва ўтказишда донор ва реципиент - бу:
 - 1) Битта одам.
 - 2) Бир тухумли эгизаклар.
 - 3) Биринчи поғонадаги қариндошлар.
 - 4) Бир биологик турдагилар.
 - 5) Турли биологик турдагилар.
2. Аллоген трансплантацияда - тўқималарни олиш ва ўтказишда донор ва реципиент - бу:
 - 1) Битта одам.
 - 2) Бир тухумли эгизаклар.
 - 3) Биринчи поғонадаги қариндошлар.
 - 4) Бир биологик турдагилар.
 - 5) Турли биологик турдагилар.
3. Изоген траснплантацияда - тўқималарни олиш ва ўтказишда донор ва реципиент - бу:
 - 1) Битта одам.
 - 2) Бир тухумли эгизаклар.
 - 3) Биринчи поғонадаги қариндошлар.
 - 4) Бир биологик турдагилар.
 - 5) Турли биологик турдагилар.
4. Ксеноген трансплантацияда - тўқималарни олиш ва ўтказишда донор ва реципиент - бу:
 - 1) Битта одам.
 - 2) Бир тухумли эгизаклар.
 - 3) Биринчи поғонадаги қариндошлар.
 - 4) Бир биологик турдагилар.
 - 5) Турли биологик турдагилар.
5. Синген трансплантацияда - тўқималарни олиш ва ўтказишда донор ва реципиент - бу:
 - 1) Битта одам.
 - 2) Бир тухумли эгизаклар.
 - 3) Биринчи поғонадаги қариндошлар.
 - 4) Бир биологик турдагилар.
 - 5) Турли биологик турдагилар.
6. Эксплантация - бу қуйидаги кўчириб ўтказиш:
 - 1) Тўқималарни одамдан одамга.
 - 2) Ҳайвондан одамга.
 - 3) Тирик бўлмаган субстратдан.

7. Агар кўчириб ўтказилаётган тўқимга оналик жой билан боғлиқ бўлса, у ҳолда бу пластиканинг номи:
- 1) Мустақил.
 - 2) Боғланган.
8. Эркин пластикада ауто-, алло-, ксено тўқималар қўлланила оладими?
- 1) Ҳа.
 - 2) Йўқ.
9. Миграцияли трубкасимон парчани пластика қилишга кўрсатма бўлиб ҳисобланади, фақат биттасидан ташқари:
- 1) Кафт юзасига.
 - 2) Билак юзасига.
 - 3) Сон юзасига.
 - 4) Болдир юзасига.
 - 5) Оёқ панжалари юзасига.
10. Панжа ёки бармоқдаги дефектни ёпиш мақсадида қорин олдинги деворидан ҳосил қилинган кўприксимон чўлтоқни ишлатса бўладими?
- 1) Ҳа.
 - 2) Йўқ.
11. Тери-ёғ артерияланган чўлтоғи қўлланилмайди:
- 1) Бармоқни алмаштиришда.
 - 2) Панжа бармоқларини дефектини ёпишда.
 - 3) Товоқ, бармоқлар катта дефектларини ёпишда.
 - 4) Чов каналини пластикасида.
 - 5) Юз, буйиннинг дефектларини ёпишда.
12. Филатов бўйича пластика бу - :
- 1) Шохсимон чўлтоқ билан.
 - 2) Кўприксимон чўлтоқ билан.
 - 3) Артеризирланган тери-ёғ чўлтоқ билан.
 - 4) Айлана шохсимон чўлтоқ билан.
 - 5) Ажратилган тери чўлтоқ билан.
13. Трансплантация учун ишлатиладиган ажратилган тери чўлтоқ - бу:
- 1) Кесилган эпидермис қавати.
 - 2) Эпидермис ва тери қавати.
 - 3) Тери.
 - 4) Тери ва юпка тери ости ёғ клеткаси.
 - 5) Терининг қисқа чизиклари.
14. Аутодермопластика учун тайёрланган Лоусон-Краузе трансплантанти - бу:
- 1) 0,3-0,5 см гача бўлган тери қисмлари.
 - 2) 3-5 см гача бўлган ажралган тери чизиклари.
 - 3) "Сито" номли тўлиқ қаватли чўлтоқлар.

Тест саволлари

- 4) Тўлиқ қаватли тери чўлтоғи.
5) Шахматсимон чизикли тўлиқ қаватли чўлтоқ.
15. Мустакил аутодермопластика усули - нотўғри жавобни кўрсатинг:
- 1) Драгстедта-Уильсон.
 - 2) Дуглас.
 - 3) Янович-Чайнский.
 - 4) Ревуил-Грегуар.
 - 5) Яценко-Реверден.
16. Грануляцияга учраган жароҳатни ауто- ва аллотранслантант билан алмаштириш усули - бу:
- 1) Габарро усули.
 - 2) Моулем-Джексон.
 - 3) Тирша.
 - 4) Дуглас.
 - 5) Драгстедта-Уильсон.
17. Брeфoпластика бу-
- 1) Аутотери.
 - 2) Мурда териси.
 - 3) Эмбрион териси.
 - 4) Бир тухумли эгизаклар териси.
 - 5) Яқин қариндошлар териси.
18. Мурда тўқимаси консервация учун ўлимдан неча вақтдан кейин олинади?
- 1) 2 соат.
 - 2) 6 соат.
 - 3) 12 соат.
 - 4) 18 соат.
 - 5) 24 соат.
19. Трансплантация учун қўлланиб бўлмайдиган консервация қилиш усулини кўрсатинг:
- 1) Криоконсервациялаш.
 - 2) Натрий хлориднинг гипертоник эритмасида.
 - 3) Лиофилизация.
 - 4) Парафинда.
 - 5) Альдегид.
20. Суяк тўқимасининг аллотрансплантацияси қўлланиладими?
- 1) Ҳа.
 - 2) Йўқ.
21. Қон томири чоки қўйилганда нимани тикиш зарур:
- 1) Томир адвентициясини.
 - 2) Томирнинг барча қаватларини.

22. Донор мияси ўлганлигини кўрсатувчи критерийга қуйидагидан ташқари барчаси киради:

- 1) Рефлекссиз чуқур кома.
- 2) Эндотрахеал сўриб олинганда йўтал рефлексининг йўқлиги.
- 3) Нафас олиш марказининг тўлиқ параличи.
- 4) ЭЭГда изоэлектрик чизиқлар пайдо бўлиши.
- 5) Интракраниал қон айланишнинг кескин пасайиб кетиши.

23. Томир протези ўрнатилгандан кейин қуйидаги асоратдан ташқари барчаси кузатилиши мумкин:

- 1) Протезнинг эрта тромбози.
- 2) Иккиламчи тромбози.
- 3) Эксплантатнинг йиринглаши.
- 4) Анастомознинг аневризмаси.
- 5) Эксплантатнинг атеросклерози.

24. Гетеротопик трансплантация деганда аъзоларни қайси жойга ўрнатилиши тушунилади:

- 1) Ўзининг анатомик жойига.
- 2) Бошқа анатомик жойга.

25. Реплантация - бу аъзо ёки тўқимани кучириб ўтказиш:

- 1) Кучгандан сўнг қайта кўчириб ўтказиш.
- 2) Янги анатомик жойга кўчириш.
- 3) Ўлгарики жойига ўтказиш.

Тўғри жавоблар.

1.-1	6.-3	11.-4	16.-2	21.-2
2.-4	7.-2	12.-4	17.-3	22.-5
3.-2	8.-1	13.-2	18.-2	23.-5
4.-5	9.-3	14.-4	19.-2	24.-2
5.-3	10.-1	15.-4	20.-1	25.-3

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛАЛАР.

ХИРУРГИЯ ТАРИХИ. АНТИСЕПТИКА.
АССЕПТИКА. ДЕСМУРГИЯ.

1

Қишлоқ шифохонасига 52 ёшли ишчи олиб келинган. Унг чакка соҳасида эзилиб, йиртилган жароҳат бор. Беморнинг ўзи кўлрумолчаси билан бекитиб турибди.

Беморга қандай ҳажмда тиббий ёрдам кўрсатиш керак?

2

Сиз участка врачси сифатида касал болани уйида кўриб ўнг қулоғига иситувчи компресс қўйишни тавсия қилдингиз. Боланинг онаси кўя олмаслигини айтиб, сизнинг ёрдамингизни сўради.

Қандай қилиб иситувчи компресс қўясиз?

3

Қишлоқ амбулаториясига 11 ёшли бола мурожаат қилди, 1 соат олдин хоккей ўйнаётганда чап кўзи олдига қаттиқ зарба олган. Шу заҳоти қор билан боғлама қўйган.

Қўйилган ташҳис: Чап кўзнинг тумтоқ шикасти.

Болага қандай врачлик ёрдами кўрсатилиши керак?

4

Аёл киши 10 ёшли ўғли билан Сизга мурожаат қилди ва ўғлининг ўнг тирсак буғимида оғриқ борлигига шикоят қилди. Болага 6 соат олдин амбулаторияда ўнг тирсагидаги ифлосланган жароҳати тозаланиб, боғлама қўйилган.

Кўрганда ўнг билагига ва кафт юзасида териси оч кўкимтир рангда, юзаки веналари шишиб кўтарилган.

Айтингчи нима бўлган? Қандай ёрдам қилиш керак?

5

Қабулга 40 ёшли эркак келди ва чап билагига ачишишга шикоят қилади.

Уч кун олдин I-II даражали термик куйиш олган, асептик боғлама қўйилган. Кўрганда боғлама саргимтир рангли хўл бўлган.

Қандай қилиб боғламани тўғри ечиб олиш керак?

6

Қабул бўлимига 34 ёшли эркак ўнг билагининг ўрта қисмида кесилган жароҳат билан олиб келинган. Беморнинг айтишича 1,5 соат олдин номаълум киши пичоқ билан урган. Жароҳат тозаланган, бирламчи чок қўйилган. Ҳамшира бинтни жароҳат устидан тугунли боғлаган. Шундан кейин беморга 0,5 мл қоқшол анатоксини ва 3000 МЕ зардобини қилган.

Боғлама қўйишда қандай хатоликга йўл қўйилган?

7

68 ёшли беморда ўнг оёқ болдир соҳасининг ўрта ички қисмида 1,5-2 см трофик яра бор, туби некроз билан қопланган, атрофи қизарган, «Ируксол» мази қўйилган.

Қандай ушлаб турувчи боғлама қўйиш керак?

8

Бемор ўнг оёгининг варикоз касаллиги, субкомпенсация босқичида операция қилинган. Жароҳат тикилиб, 1% йодонат суртилиб стериль салфетка билан бекитилган.

Қандай ушлаб турувчи боғлама қўйиш керак?

9

Бемор К., 20 ёш, бўйин умуртқасини шикасти, орқа мия зарарланиши билан декомпрессия мақсадида зудлик билан ламинэктомия операцияси бажарилган. Бўйин операциясидаги жароҳат тикилиб, салфетка билан беркитилди.

Қандай ушлаб турувчи бинтли боғлама қўйиш керак?

10

Сиз тез ёрдам кўрсатишнинг врачисиз. Сизни кўкрак қафасини ўнг томонидан тешиб кирувчи жароҳати бўлган беморга чақирди. Беморнинг умумий аҳволи оғир, жароҳатни қўли билан бекитиб турибди. Жароҳат нафас олишга таъсир қилади.

Сизнинг ҳаракатингиз?

11

Бемор С., 28 ёш, йирингли тирсак буғими бурситини очиш операцияси бажарилган. Бўшлиқ антисептик билан ювилган, гипертоник эритма билан хўлланган турунда киритилган ва салфетка билан беркитилган.

Сиз қандай боғлама билан мустахкамлайсиз?

12

Бемор С., 36 ёш, автоҳалокатда шикастланган. Бошининг ўнг чакка соҳасида қонаб турган, ва ўнг елка буғимининг ташқи қисмида катта чопилиб йиртилган жароҳатлари бор. Суяк синиши белгилари йўқ.

Биринчи ёрдам кўрсатганда қандай боғлама қўйиш керак?

13

Сиз кутилмаганда бахтсиз воқеанинг гувоҳи бўлиб қолдингиз: ёш бола қайноқ сув билан чап кафт бармоқларини куйдириб олди, оғриқдан чинқираб ётибди. Куйган юзада пуфакчалар ҳосил бўлди.

Уйдаги аптечкада фурацилин эритмаси 1:5000 ва стерил бинт бор.

Биринчи ёрдам кўрсатганда қандай боғлама қўйиш керак?

ҚОН ОҚИШ.

14

Бемор 70 ёшда, икки оёғини тери ости веналарнинг варикоз кенгайиши билан касалланган, тўсатдан ўнг болдирининг ўртасидан варикоз кенгайган, вена ёрилиб қон оқиш очилди. Паст оқим билан қора рангда қон оқиб турибди.

Қандай ҳажмда биринчи ёрдам кўрсатиш керак?

15

17 ёшли бола, автобусда ўнг кўлини ойнадан чиқариб кетаётган эди, қарама – қарши томондан келаётган юк машинаси, кўлини уриб кетди. Ўнг кўли узилиб, терига осилиб қолди. Артериясидан фонтандай қон оқаяпти.

Қон оқиш қандай тўхтатилади?

16

Хирургия бўлимига, тақим остида санчилиб кесилган жароҳат билан бемор келтирилган. Жароҳат тафтиш қилинганда, тақим ости артерияси шикастлангани аниқланди, лекин сиз томир чоки қўйиш техникасини билмайсиз:

Қандай ҳаракат ёрдамини қўллайсиз?

17

Қабул бўлимига эркак киши 48 ёшда олиб келинди. Шикояти чап қовурға ёйи остидаги оғриққа, бош

Вазиятли масалалар

айланиши ва дармонсизликка. 12 соат олдин норвондан йиқилиб тушган. Тери ранги оқимтир. Пульс 1'-120 та, КБ 90-50мм, қорин девори мушаклари бироз таранглашган.

Сизнинг ташҳисингиз ва усулингиз?

18

Қабул бўлимига, ёш эркак киши кўкрак қафасини чап томони ёпиқ шикасти билан олиб келинган. Тери ранги оқимтир. Пульс 1'-100та, КБ 110-65мм. Пайпаслаганда ўнг томонидан VIII- IX-X қовурғаларда оғриқ, ғижирлаш аниқланди. Перкуссияда шу томонда буғиқ товуш аниқланади ва нафас эшитилмайди.

Сизнинг ташҳисингиз ва усулингиз?

19

Бемор 30 ёшда, 7 йилдан бери меъда яра касаллиги билан хасталанган, охирги кунларда бош айланиши, дармонсизлик бўлган. Бугун эрталаб ўрнидан турганда қисқа муддат ҳушини йўқотган. Кофе кўкали қайт қилиш бўлган.

Сиз қишлоқ врачисиз. Сизнинг дастлабки ташҳисингиз? Қандай қўшимча текшириш ўтказасиз?

20

Эрталаб чурра кесиш операциясини ўтказган беморда боғламаси кечкурун қон билан хул бўла бошлади. Маҳаллий оғир юк қўйиш фойда бермади.

Беморда қандай асорат юзага келди? Сизнинг усулингиз.

21

Сизга ёш йигит мурожаат қилди. Шикояти ўнг оёқ болдир соҳасидаги оғриққа, шишга. 30 дақиқа олдин мопеддан йиқилиб тушган. Кўрганда болдирнинг ўртасида 10-6-5см шиш аниқланади. Тери кўкимтир рангда, оғриқ, флюктация аниқланади.

Сизнинг ташҳисингиз ва ёрдамингиз.

22

Қабул бўлимига, чап тизза буғимидаги оғриқ шикояти билан бамор келтирилди. Шикастланиш олган. Таким суяги баллатацияси аниқланади. Буғимда ҳаракат чегараланган, оғриқли.

Сизнинг ташҳисингиз?

23

Клиникага қорин ёпиқ шикастланиш билан бемор ётқизилган. Ички қон кетиш белгилари бор. Зудлик операцияда жигар ёрилганлиги $6 \times 3 \times 4$ см аниқланди.

Қандай батамом қон оқишни тўхтатиш керак? Қоринга оққан қонни нима қилиш керак?

ҚОН ҚУЙИШ.

24

Хирургия бўлимига 12 бармоқли ичак яра касаллигининг қон кетиш асорати билан бемор тушди. Циркуляциядаги қон ҳажми (ЦКХ) дефицити 35%. Йўқотилган қон ўрнини босиш мақсадида шошилиш қон қуйиш зарур.

Қайси зарур минемал лаборатор текширишларсиз гемотрансфузия мумкин эмас?

25

Муоллажа хонасида икки ҳамшира врач кузатувида тўрт беморнинг қон гуруҳини аниқламоқда. Бунинг учун фаянсли тарелкадаги белгилар остига икки хил сериядаги стандарт зардоблар томизилди. Текширилаётган қон стандарт зардоб томчилари билан аралаштирилди. Пластинкалар силкитилиб, 1-2 дақиқа тинч қолдирилиб, яна силкитилди. 3 дақиқадан кейин аглюцинацияга учраган томчиларга бир бир томчидан изотоник эритма томизилди. Текшириш бошлангандан 5 дақиқадан кейин врач олинган натижаларни баҳолаб касаллик тарихларига ёзиб қўйди.

Қон гуруҳини АВО бўйича аниқлаш қоидасида кўрсатилган Қайси талабларга врач эътибор бермади?

26

Йўқотилган қон миқдорини тезликда тиклаш мақсадидан натрий цитратда консервацияланган 1000мл бир гуруҳли резус мос қон қуйилди. Гемотрансфузия охирида беморда безовталаниш, тери ранги оқариши, тахикардия мушаклар тортишиш белгилари пайдо бўлди.

Беморда қандай асорат юзага келди? Профилактикаси қандай? Қандай даво тадбирлари ўтказилиши керак?

27

Гемотрансфузия олдидан даволовчи врач беморда биологик синама ўтказа бошлади. Музлатгичдан олинган қон 30-40дақиқа хона ҳарорати даражасида ушланди.

Олдинги текширишлар бўйича қон АВО системаси ва резус фактор бўйича мос. Вена ичига шариллатиб 15мл.дан 3дақиқа интервал билан 45мл қон қўйилди. Охирги партия қўйилаётганда беморда, кўнгил айланиш, ваража, белда ва тўш ортида оғриқ, бош айланиш, пульс ва нафас тезлашиши, қон босими тушиши кузатилди.

Нима бўлди? Биологик синама қўйиш техникасига тўлиқ риоя қилиндими? Сизнинг ҳаракатингиз?

28

Бемор массив ички қон кетиш белгилари билан шошилишч кўрсатма асосида операцияга олинди. Интубацион наркоз остида қон кетишни батамом тўхтатиш мақсидида операция бошланди. Операция вақтида йўқотилган қон миқдорини тиклаш учун қон қуйиш зарурлиги туғилди.

Наркоз остидаги беморга биологик синамани қандай ўтказиш керак?

29

Бемор К., 27 ёш, қориннинг пичоқдан жароҳати билан шикастланишдан 4 соат ўтиб олиб келинди. Умумий аҳволи жуда оғир. Пульс ипсимон –120 марта. Қон босими 70/40мм см .уст. Шошилишч лапоратомия қилинди. Қорин бўшлиғида кўп миқдорда суюқ қон ва лахталар бор. Қон кетиш ўчоғи аниқланди: ингичка ичак тутқичи, гемостаз, ковак аъзолар шикасти аниқланмади.

Йиғилган қонни нима қилиш керак?

30

Бўлимга сурункали қоновчи бавосил натижасида кескин анемия билан бемор тушди. Пульси минутига 80 маротаба, қон босими 120/70мм см. уст. Гемоглабин 60г/л. Беморга 360 мл. бир гуруҳли. резус мос эритроцитар масса қўйилди.

Гемотрансфузияга ҳужжатлар қандай тўғриланади?

31

Бемор И., 35ёш, қон гуруҳи O(I), район шифохонасида кечки нотўлиқ болаташлаш (хомиладорлик –26-27 ҳафталик), пастгеморрагик анемия, септицемия билан ётган. Бачадон тозаланган. Билмасдан B(III)гуруҳ қони қуйила бошлаган. 100мл кетгандан кейин, белда оғриқ пайдо бўлиб, ваража кузатилган. Трансфузия тўхтатилди. 15 дақиқа дан кейин беморнинг аҳволи оғирлашди,

адинамия, тери ранглари оқариши, акрацианоз, терлаш, қалтировчи ваража кузатилди.

Пульс 96 маротаба паст тўлиқликда. Қон босими 75-40 мм см уст.

Беморда қандай асорат кузатилди? Қандай даво тадбирлари ўтказилиши керак?

32

Хирургия бўлимига меъда - ичакдан профуз қон кетиш билан бемор тушди. Кўп йиллардан буён бемор аёл 12 бормоқли ичак яра ва гипертония касаллиги III даражаси билан хаста. Доимий қон босими 190/100мм см уст. Келиб тушганда циркуляциядаги қон ҳажми дефицити 30% .

Беморга қон қуйиш мумкинми?

33

Бемор С., 43 ёшда, нотўлиқ бола ташлаш сабабли, бачадон тозаланган. Анемия олдини олиш мақсадида аёлга В (III) 300мл қон қуйилган, ваҳоланки, беморда қон гуруҳи АВ (IV) бўлган. Бир суткадан кейин беморда олигоурия кузатилди. Сийдик қуйқа эди. Оксил-1,5% мочевина қонда- 27ммоль/л, гемоглобин 56г/л. Беморнинг аҳволи оғир, уйқисирайди, терилари оқимтир, бемор кўнгил айниши ва қусишга шикоят қилади. Бемордан сийдик ҳиди келади. Пульс 84та. Қон босими 140/85мм см уст. Пастернацкий белгиси икки томондан ҳам суст мусбат.

Контроль текширишда баморда қон гуруҳи О (I) чикди. *Беморда қандай асорат юзага келган? Сизнинг ҳаракатингиз?*

ЮШМОҚ ТЎҚИМАЛАР ШИКАСТИ.

БОШ, КЎКРАК, ҚОРИН ЁПИҚ ШИКАСТЛАРИ.

34

Ўғил бола 13 ёш, миҳ қоқаётиб, болғача билан кўрсатгич бармоғини уриб олди. Шу заҳотиёқ бармоқда кучли оғриқ пайдо бўлиб, рефлектор равишда бармоқда ҳаракат чегараланиши ва тери ранги ташқи тарафдан кўкариши кузатилди.

Болага қандай ёрдам кўрсатасиз?

35

Ўсмир 14 ёш, гимнастика снарядидан йиқилиб боши билан урилган. Бир неча дақиқа ҳушини йўқотган. Ўзига келибоқ бир маротаба қайд қилган. Бўлган воқеани эслай олмайди. Энга соҳасида шиш пайдо бўлган, тери қатламлари соғ, оқимтир. Бемор бўшашган. Пульс – 84 маротаба. Артерия босим – 115-75 мм см уст. менингеал симптомлар йўқ.

Сизнинг бирламчи ташҳисингиз? Қандай ёрдам кўрсатасиз?

36

Район марказидан 35 км узоқликда бўлган қишлоқ шифохонасига, йўл транспортида автоҳалокат жойидан 20 ёшли эркак киши олиб келинди. Ҳушсиз, юзларида шилинишлар, бурмалар ассимитрияси, анизокория. Ўнг чакка тепа соҳасида юмшоқ тўқималарнинг локал шишиши аниқланади. Пульс 52 маротаба артериал босим 100/70 мм см уст. Кўкрак қафаси ва қорин аъзоларининг шикастланиши белгилари аниқланмайди.

Сизнинг ташҳисингиз? Сизнинг ҳаракатингиз?

37

Кечқурун район шифохонаси қабул бўлимига автоҳалокатга учраган бемор олиб келинди. Аҳволи оғир, ҳушсиз. Пульс 120 марта, артериал босими 110/70 мм см уст. Нафаси юзаки, минутига 24 маротаба. Кўз қорачиғлари кенг, ёруғликка реакциясиз. Ўнг қулоғидан қон келаяпти.

Сизнинг ҳаракатингиз? Қулоқдан қон кетаётганда нима қиласиз?

38

Сизни шошилиш равишда кўкрак қафасининг ўнг томонидаги тешувчи оғриққа шикоят қилувчи 34 ёшли бемор ёнига чақирилди. Кўкрак қафасида оғриқ тўсатдан навбатдаги йўтал хуружидан кейин пайдо бўлди. Бемор ўнг ёнида ётибди. Тери қаватлари оқимтир. Енгил акроцианоз. Нафаси юзаки – 1 минутда 28 маротаба тана ҳарорати 36,7° С. Артериал босими 120/85 мм см уст. Ўнг томондан ўпка устида нафас эшитилмайди. Перкуссияда ўнг томонда пробка товуши аниқланади. Қорини юмшоқ, оғриқсиз.

Сизнинг бирламчи ташҳисингиз? Сизнинг ҳаракатингиз.

39

Чақирикқа биноан келинган, жойда юқорига қараб ётган ярадор эркак аниқланди. Унинг кўкрак қафасидан олд кўлтиқ ости чизиги бўйича 6-қовургадан пичоқ дастаси чиқиб турибди. Беморнинг хуши карахт. Кўз қорачиғлари тор пульс минутига 120 маротаба. Фақат катта артерияларда аниқланади. Артериал босим 70/40 мм см уст. Нафас чапда жуда сусайган. Чиқиб турган пичоқни нима қиласиз?

Сизнинг ҳаракатингиз?

40

Қишлоқ шифохонасига бир соат илгари қорин соҳасига номаълум киши томонидан пичоқ урилган 23 ёшли эркак мурожаат қилди. Аҳволи ўртача оғирликда. Пульс минутига 92 маротаба, артериал босими 120/80 мм см уст. Қорин олдинги деворидан киндик остида, бироз йирикда 3,5 см узунликда тешиб кесилган жароҳат аниқланади. Жароҳатдан чарви чиқиб турибди, қорни юмшоқ, ҳамма соҳасида оғриқсиз Шеткин – Блумберг беклгиси гумондор.

Қандай ёрдам кўрсатасиз? Чиқиб турган чарвини нима қиласиз?

41

Шифохонанинг қабул бўлимига 35 ёшли эркак қориндаги оғриқдан шикоят билан олиб келинди. 8 соатча илгари беморни калтаклашган. Умумий аҳволи ўртача, пульс минутига 104 маротаба. Артериал босим 120/80 мм см уст. Қорин олд девори нафас олишда иштирок этмайди, таранглашган. Қорин оғриқли, кўпроқ пастки соҳаларида. Жигар тумтоқлиги сақланган. Шеткин – Блумберг белгиси мусбат. Қон анализи: Лейкоцитлар $16,4 \times 10^9$ л нейтрофил. Т/я - 8 % . Сийдик анализи ўзгаришсиз.

Обзор рентгенограммада: ўтирган ҳолда диафрагма остида эркин ҳаво аниқланмайди.

Беморда ковак аъзо ёрилишини инкор қилса бўладими? Даволаш тактикаси қандай?

42

Шифохона қабул бўлимига тез ёрдам машинасида 43 ёшли эркак, ўткир травматик перитонит, ичак ёрилиши диагнози билан олиб келинди. 12 соатлар илгари қориннинг пастки соҳасига тепки олган. Қорин

таранглашган оғриқ кўпроқ пастки соҳаларида аниқланади. Шеткин – Блюмберг белгиси мусбат. Узи сия олмайди. Обзор рентгенограммада қорин бўшлиғида эркин ҳаво аниқланмайди.

Нима ҳақида ўйлаш мумкин? Қандай махсус усул билан диагнозни ерификация қилиш мумкин?

43

Тез ёрдам машинасида қабул бўлимига умуртқа поғонасининг бел қисмида ва ўнг бел соҳасида оғриқдан шикоят билан олиб келинди. Бир соатлар илгари 3 - қаватдан тушиб кетган. Аҳволи оғир. Тери қаватлари оқимтир. Пульс минутига 120 мартаба, артериал босим 70/40 мм см уст. Қорни юмшоқ оғриқсиз. XII кўкрак умуртқаси соҳасига босганда ва ўнг бел соҳаси пайпасланганда оғриқ сезилади. Ўнг бел соҳасида шиш аниқланади. Сийдик анализи 4 – 5 эритроцитлар кўрув майдонида.

Сизнинг тахминий ташҳисингиз? Қандай махсус текшириш усуллар билан диагнозни аниқлаш мумкин?

ЖАРОҲАТЛАР.

44

Район поликлиникасининг хирургия хонасига, 3 соат олдин дайди ит тишлаган беморни олиб келишди.

Кўрганда ўнг болдир соҳада олгита тишлаб, йиртилган жароҳат бўлиб, жароҳат ичи қон лахтаси билан тўлган, жароҳат атрофи енгил қизарган, пайпаслаганда оғриқли.

Беморга қандай ҳажмда ёрдам бериш керак?

45

Беморда аппендэктомия операциясидан оғриқлар тўлиқ қолгандан сўнг 4-суткага келиб, операцион соҳада лўққиловчи оғриқ, тана ҳароратининг кўтарилиши, лейкоцитоз кузатилди.

Нима ҳақида ўйлайсиз? Қандай даволаш чораси қўлланилади.

46

Сизга ярим соат олдин мотоциклдан йиқилган беморга бирламчи ёрдам кўрсатишни сўради.

Кўрганда ўнг болдир ташқи юзасида лат еб – йиртилган, қум ва қуриган ўт билан ифлосланган жароҳат бор.

Сизнинг ихтиёрингизда автомобил аптежаси бор. Талофат кўрган беморга қанақа ҳажмда ёрдам кўрсатасиз?

47

Қабул бўлимига чархланмаган пичоқ билан 2 соат олдин, ўнг билак юқори учлигида 2,5 x 0,4 см ўлчамда кесилиб, жароҳат олган беморни олиб келишди.

Беморга қандай ёрдам кўрсатиш керак?

48

Хирургия бўлимига чап соннинг йиртилган жароҳати билан бемор келди. Жароҳат олганига 12 соат бўлган. Жароҳат атрофида енгил шиш, чегараси нотекис, кўкариш кузатилади.

Сиз қандай даволаш тадбирини танлайсиз?

49

Ўнг қўл кафт юзасида ифлосланиб кўндаланг кесилган жароҳат билан талофат кўрган беморни травматология пунктига олиб келинади. II - V бармоқлар бугимлариаро актив ҳаракати йўқ.

Қандай анатомик тузилишнинг бузилганлиги ҳақида ўйлайсиз? Сизнинг даволаш усулингиз?

50

Қабул бўлимига чап елкада кўр санчилик-йиртилган жароҳати билан талофат олган бемор мурожаат этди. Жароҳатни 4 соат олдин олган. Жароҳат соҳада шиш, оғриқ кузатилади. Жароҳатдан кам миқдорда қон аралаш йиринг ажралиб турибди.

Қабул бўлимида хирург жароҳатга асептик ишлов берган ва натрий хлорли тампон билан боғлама қўйган. Беморга шошилиш специфик қоқшолга қарши профилактик эмланган.

Хирург томонидан қандай хатога йўл қўйилган?

51

Травматология пункти бош соч қисмининг териси кесилган жароҳат билан шикастланган беморни олиб келишди.

Жароҳат 1,5-2 соат олдин бўлиб ўтган. Қоқшолга қарши прививка қўлинган.

Қандай ҳажмдаги малакали ёрдам кўрсатилиши керак?

52

Қишлоқ касалхонасига озроқ вақт олдин, ўнг панжа II-III бармоқларининг юмалоқ арра орқали кесилиб узилиши билан талофат кўрган беморни олиб келишди. Узи билан бирга узилган бармоқларни ҳам олиб келишган.

Сиз нима қиласиз?

53

Қишлоқ касалхонасига ярим соат олдин, илон чақиб олган болани олиб келишди.

Болача ўнг оёқ панжасидаги оғриққа, ланжликка, уйқи келишига шикоят қилади. Оёқ панжаси ости қисмида 2 та нуқтали қонталаш жароҳат бор, ўша соҳа шишган.

Сизнинг усулингиз?

54

Поликлиникага, мактабдан болани бўйин соҳасидаги жароҳат шикояти билан олиб келишди. Талофат еганнинг сўзига биноан, ўткир химикатли қалам устига йиқилган.

Тўш – умров сургиксимон мушак ўрта учлиги олдинги қиррасида санчилган, атрофида шишган жароҳат бор. Жароҳат ёнидаги тери остида 0,2 x 0,5 см ли ёт жисим бор.

Сиз хирургсиз. Болага қандай ёрдам кўрсатиш кўзда тутилади?

СУЯК СИНИШИ. ЧИҚИШЛАР.

55

Эркак киши 26 ёш. Иш жойида машина борти билан қисилган. Шикояти чаноқ соҳасида оғриқдан, сийишни қийинлигидан беморнинг аҳволи оғир. Тери ранги оқимтир. Томир уриш 116 марта. Тўлиқлиги паст. Қон босими 90/55мм. симоб. уст. Қорни юмшоқ қовуқ соҳасида оғриқли. Шеткин-Блюмберг белгиси аниқланмайди. Чоноқ суякларини ёнбошдан қисганда оғриқ кучаяди. Сиз тез ёрдам врач.

Сизнинг ташҳисингиз? Сиз қандай биринчи ёрдам кўрсатасиз?

56

Ёш аёл уйда ойнани тозалаётган вақтида, иккинчи қаватдан йиқилган. Шикояти бел умуртқалари соҳасида

оғриқдан, оғриқ қимирлаганда ва ўтирганда кучаяди. Оёқлар ҳаракати сақланган. Бел умуртқаларни пайпаслаганда 4-бел умуртқасининг, учлик ўсимтасида оғриқ кучаяди.

Сизнинг ташҳисингиз? Бирламчи тиббий ёрдамни ҳажми..

57

Сизга бемор ўнг елка буғимида оғриқдан шикоят қилиб келди. Оғриқ 2 соат аввал бошланган. Пальтони ечиб илиб қўйиш вақтида бошланган. 1 йил аввал ўнг елкани шикастлангандан кейинги чиқиши кузатилган.

Кўздан кечирганда беморни ҳолати мажбурий ўнг елка буғимида деформация аниқланганди. Елка суяги боши қўлтиқ остида пайпасланади. Аста ҳаракат қилдирилганда пружинасимон қаршилик сезилади, оғриқ кучаяди.

Сизнинг ташҳисингиз? Қандай ёрдам кўрсатасиз?

58

Бола 13 ёш, хоккей ўйнаб, ўнг кафтига йиқилган. Ўнг билак пастки қисмида оғриқ, безовта қилади. Кўздан кечирганда, ўнг билак-кафт буғими ва билакни пастка қисмида шиш, деформация, оғриқ ва билакнинг пронация-супинацияси, билак-кафт буғими ҳаракатининг чекланиши аниқланади. Билак суягини ўқи бўйлаб босганда оғриқ кучаяди.

Қандай бирламчи ёрдам кўрсатиш керак?

Травматологияда қандай текшириш ва даволаш ўтказиш керак?

59

Қабул бўлимига тез ёрдам машинасида, машина бортидан сакраб чап тирсагига йиқилган бемор келтирилган. Хирург қабул бўлимида беморнинг кўлига қўйилган транспорт шинасини ечиб беморни кўздан кечирди. Бемор оғриган кўлини соғи билан ушлаб турибди.. Елка буғимида пассив ҳаракат чегараланган оғриқли ва мушак қаршилиги бор. деформация аниқланади. Елка суяги бошчаси қўлтиқ остида пайпасланади. Билак артериясида томир уриши сустланган. Мушак ичига 1% -1,0 морфин эритмаси қилингандан кейин жарроҳ чап елка буғимига 40мл

1%ли новокаин эритмаси юборган ва чиқишни тўғирламоқчи бўлган.

Жарроҳ томондан қандай хатога йўл қўйилган?

60

Қабул бўлимига ўнг соннинг чаноқ буғимидан чиқишини аниқ белгилари билан бемор келтирилган.

Хирург 2мл – 1% марфин эритмасини тери остига юбориб, маҳаллий оғриқсизлантириш остида Рентгенография қилмасдан чиқишни Кохер бўйича тўғирлади. Шундан сўнг ўнг оёққа чаноқ-сон, тизза ҳамда ошиқ-болдир буғимларини ушлайдиган қилиб гипсли лонгетали боғлами қўйди. Бемор бўлимига ётқизилди.

Врачнинг қилган амали тўғрими?

61

Шифохонага чап оёқ катта ва кичик болдир суякларини ўрта учлигидан аниқ винтсимон ёпиқ синиш билан бемор ётқизилди.

Қандай даволаш усулини қўллаш керак?

62

Бемор М., 50 ёш, тойиб кетиб ўнг оёғи сони билан зинапояга урилган. Шикоятлари ўнг сондаги оғриқдан. Тура олмайди. Кўрганда ўнг оёғи чапидан 5см калта, панжа ташқарига буралган. a.dorsalis pedis да томир уриши яхши. Сон ҳажми катталашган, деформация аниқланади, пайпаслаганда сон ўрта учлигида оғриқ кучаяди. Соннинг ўрта учлигида ёлгон ҳаракат аниқланади.

Сизнинг клиник ташҳисингиз. Тез ёрдам врачининг ёрдами қандай бўлиши керак?

63

Ўғил бола 14 ёш, волейбол ўйнаб, ёзилган чап кўлига йиқилган, чап умров суяги соҳасида оғриқ безовта қилаяпти. Ҳолати мажбурий: танаси чапга эгилган. Ўнг кўли билан тирсак буғимида буқилган чап кўлини билан соҳасидан ушлаб танасига қисиб олган. Билан артериясида томир уриши яхши, бармоқлар сезгирлиги сақланган. Чап умров соҳасида шиш бор. Пайпаслаганда оғриқ кучаяди. Чап елка буғимида оғриқ туфайли ҳаракат чекланган.

Сизнинг ташҳисингиз. Биринчи ёрдам қандай бўлиши керак? Қандай текширишлар қилиш керак?

64

Қабул бўлимига эснаш вақтида иккала жағ-чакка буғимида оғриқ пайдо бўлган 67 ёшли эркак киши шикоят қилиб мурожаат қилган. Кўрганда оғзи очиқ, юқориги ва пастки жағларнинг катта жағ тишлари бир-бирига тегади, ияги олдинга чиққан, яноқлари текисланган, жағ мушаклари таранглашган.

Сизнинг ташҳисингиз. Қандай ёрдам кўрсатиш керак?

КУЙИШ. СОВУҚ УРИШ.

65

Стационарга, аланга билан куйган бемор келтирилди. Иккала қўли айланма қизарган, ёқутсимон суюқликли пуфакчалар билан қопланган. Тананинг олдинги юзаси «мармарли» тусда. Жароҳат юзаси аниқсиз. Унг соннинг барча юзасида эпидермиснинг кўмирланиши, тромблашган венаси аниқланади.

Ташҳисиз.

Куйиш даражаси ва майдонини аниқлаб, куйиш формуласини ёзинг?

66

Сиз завод тибпункти врачси. Сизга ноҳосдан қўли концентрациялашган сульфат кислотаси билан куйган ишчини келтиришди.

Қанақа ёрдам турини кўрсатасиз?

67

Интенсив ва реанимация палатага куйишдан кейинги шок билан бемор келтирилди. Тананинг куйиш майдони 50%. Бемор вазни – 80 кг.

Вена ичига шокка қарши терапия учун коллоидли ва кристаллоидли суюқликларни куйиш ҳажмини биринчи сутка учун сиз қандай буюрасиз? Суюқликларни куйиш тезлиги қанча?

68

Сиз тез ёрдам врачси, 30 минут аввал қайноқ сув билан куйган 5 ёшли болага ёрдам кўрсатиш учун чақирик бўйича келдингиз. Болада оқариш, ваража, акрацианоз кузатилади, бир марта қайт қилган. Тананинг олдинги юзаси ва иккала қўли эпидермисининг кўчиши билан қизарган. Айрим жойларда яра юзаси оқимтир.

Сизнинг усулингиз ва ташҳисингиз?

69

Бемор поликлиникага оёқ панжаси орқа юзаси соҳасида куйишдан кейинги жароҳатнинг битмаслигига шикоят билан мурожаат қилди. Сўраш вақтида икки ой аввал оёғи қайноқ ёғ билан куйганлиги аниқланди. Халқ табобати билан даволанган. Кўриш вақтида панжанинг ички соҳасида грануляцияланаётган жароҳат ва қаттиқ қора рангдаги некротик қошлама, оз йирингли ажралма бор.

Куйиш даражаси қандай? Даволаш тактикаси?

70

Травматология пунктига 20 ёшли бемор келтирилди. Бемор гапидан иш вақтида 380В электр токи урган. Хушини йўқотган. Қўл панжанинг кафт соҳасида кўмирлашган тери бор. Беморнинг умумий аҳволи қониқарли.

Қандай асоратлар бўлиши мумкин? Сизнинг усулингиз?

71

Юз ва қўл панжанинг I-II даражали электр куйиши билан, тез ёрдам орқали травматологик пунктга бемор келтирилди. Кўрик вақтида юзи кучсиз шишган, қизарган. Ҳар жойда эпидермиснинг қорайиши кузатилади. Кўздан ёш оқмоқда, қўл панжа қизарган ва кўп майда пуфакчалар билан қопланган.

Тез ёрдам врачлари хатоси? Сизнинг ташҳисингиз?

Қайси мутахассис маслаҳати лозим?

72

Аёл кир нарсаларни порошок ва оқартирувчи моддилар билан қайнатди. Тоғорани плитадан олиш вақтида ноҳосдан устига ағдаради ва куйиш олади. Қуриқ вақтида баданнинг олдинги юзасида, билак ва панжада тери қизарган. Жароҳат юзаси оқимтир. Оғриқ сезувчанлик сустлашган.

Сизнинг ташҳисингиз, даражаси, куйиш юзаси? Бирламчи ёрдам.

73

Ёнғин содир этилган жойдан, жабрланувчи келтирилди. Хуши карахт. Юзи, қўл панжаси, бурни, лаблари куйган. Нафас олиши юзаки, ҳар замонда йўтал, тутун қолдиғи билан қон туфлаш кузатилади.

Сизнинг ташҳисингиз ва усулингиз?

74

Шифохонанинг қабул бўлимига тез ёрдам машинаси билан, баданнинг орқа ва думба соҳасининг термик куйиш билан 3 ёшли бемор келтирилди. Онасининг гапича бола иссиқ сувли кастрюлкага ўтириб олган. Беморнинг аҳволи оғир. Тез ёрдам бригадасининг кузатув варағида врач томонидан қўйилган жароҳатга аэрозол «оксициклозоль» сепилиб, асептик боғлам қўйилганлиги кўрсатилган.

Тез ёрдам врачининг хатоси? Биринчи ёрдам кўрсатиш учун нима қилиш керак?

75

Сиз тез ёрдам врач. чақирғи билан келдингиз. Кўчада хушсиз одам ётибди. Ҳаво температураси -20°C , шамол. Бемор кўрилганда қўл панжа териси кескин оқимтир, пульс аниқланмайди. Панжа бармоқлари музли қоплам билан қопланган.

Сизнинг ташҳисингиз ва даволаш ҳаракатингиз?

76

Хирургия бўлимига бемор оёқ панжаси шишга, сезувчанлигининг йўқолганлигига шикоят билан келди. Анамнезидан 1 кун олдин оёғи совуқда музлаган. Уйда ванна қилган. Сезувчанлик тикланмаган. Кўрганда оёқ панжа шишган, бармоқлар кўкарган (цианоз). Сезувчанлик йўқ, капиллярли проба манфий.

Сизнинг ташҳисингиз ва даволаш усулингиз?

77

Туман шифохонасидан клиникага иккала оёқ панжасининг совуқ уриши кичик реактив даври билан бемор ўтказилди.

Беморнинг аҳволи оғир. Иккала оёқ панжаси шишган, тери кучли кўкарган оқиш тус билан, сезувчанлик умуман йўқ. Демаркация чизиғи бўйлаб йирингли пуфакчалар бор. Болдирда тери қизарган. Тана ҳарорати 38°C .

Сизнинг ташҳисингиз ва усулингиз? Қўшимча текшириш усуллари?

78

Бемор панжаларнинг совуқ уриши. III-IV даража билан 5 суткадан сўнг кам қувватликка, тана ҳароратининг кўтарилишига 39°C , йўталга нафас

етишмаганлигига шикоят қилади. Кўрик вақтида иккала оёқ панжаси шишган, болдирлар қизарган.

Беморда касаллик қандай асоратланган? Ташҳисни аниқлаш учун қандай текшириш ўтказиш лозим? Сизнинг даволаш усулингиз?

79

Сиз травма содир этилган жойга чақирик билан келдингиз, гувоҳлар гапидан, бир неча минут аввал жабрланувчи электр травма олган. Хушини йўқотган. Талваса (судорги) кузатилган. Ўртоқлари рубильникни учирган. Бемор полда ётибди. Нафас олмайди, пульс аниқланмади, тери қатлами кўкимтир, кўз қорачиғи кенгайган, ёруғликка реакцияси йўқ.

Нима бўлган? Сизнинг ҳаракатингиз.

80

Хирургия бўлимига 2 кун олдин ўнг қўл панжасининг электр токи билан IV даражали куйиш олган бемор мурожаат қилди. Панжа, билак ва елка соҳалар кучли шишган, тахтасимон қаттиқлашган. Қўл панжасида сезувчанлик пасайган.

Сиз қандай шошилинич хирургик даво ўтказасиз?

ЎТКИР МАҲАЛЛИЙ ХИРУРГИК ИНФЕКЦИЯ.

81

Поликлиникага жарроҳ кўригига юқори лаб фурункули билан ёш йигит мурожаат қилди.

Тана ҳарорати - 39°C . Юқори лаб ва кўз атрофи кескин шишган.

Жарроҳ ҳаракати қанақа? Қандай 1-даво ўтказиш зарур?

82

Жарроҳлик бўлимига иккала курақ оралиғи карбункули билан 50 ёшли аёл ётқзилган. Кассалик 2 кун олдин бошланган.

Қон таҳлили: лейкоцитлар - $11,5 \times 10^9/\text{л}$, таёқчалар - 6%, СОЭ - 17 мм\с, қанд - 4,6 ммоль\л.

Консерватив даво ўтказилишига қарамай (антибиотиклар, сульфаниламидлар, витаминлар, антистафилококк гамма-глобулинлар, маҳаллий - трипсин, УВЧ), яллиғланиш-некротик процесс давом этмоқда, умумий заҳарланиш кучайди.

Даволаш тактикаси қандай кечади?

83 .

Жарроҳ кўригига ўнг қўлтиқ ости соҳасида оғриққа шикоят билан бемор мурожаат қилди. Оғриқ ўнг елка буғими ҳаракатланганда кучаяди. Бемор 3 кундан бери хаста.

.Кўрикда қўлтиқ ости соҳасида 3 та зичланган, чегараланган, ўлчами 0,8 дан 1,2 смгача инфилтраталар мавжуд, тери устидан кўтарилган, қизарган.

Беморга нима бўлди? Даволаш тактикаси қанақа?

84

Бемор К., 26 ёшда, ўнг қафт соҳасида 4 кун мобайнида оғриқ сезишига шикоят қилиб келди. Оғриқлар бирламчи қафт юзаси 2-3 бармоқлар асосидаги тери сидирилишларидан пайдо бўлди. Кейинчалик қафт ташқи юзасида шиш ва димланишлар кескин ривожланди. 2 ва 3 бармоқлар фалангаро буғимларда ярим букилган ҳолатда, қафт-фаланга бирикиш соҳасида очилган ва тарқалган, қафт «шоха»симон ўзгарган.

Сизнинг ташҳисингиз ва даволаш усулингиз?

85

Шифохона қабул бўлимига чап думба соҳасида оғриқ сезишига ва ваража қилиши шикоятлари билан бемор олиб келинган. Тана ҳарорати $38,9^{\circ}\text{C}$. Ўзини 2 ҳафтадан буён хаста деб ҳисоблайди, хафақонлик касаллиги сабабли «тез ёрдам» фелдшери томонидан чап думба соҳасига магний сульфат инъекция қилинганидан сўнг.

Кўрикда чап думба юқори-ташқи квадрантида тери қизариши, шиш, марказида зич ва оғриқли юмшаш белгилари билан инфилтрат аниқланаяпти.

Қон таҳлили: лейкоцитлар – $12,2 \times 10^9/\text{л}$, таёқчалар – 7%, сегмет ядроликлар – 74%, ЭЧТ – 26 мм/с.

Беморда нима тахмин қилинмоқда? Қонда диагноз тўғрилиқни исботлайди? Даволаш тактикаси қанақа?

86

Кекса ёшли эркак 3 кун олдин қайта операциядан кейинги перитонит бўйича операция ўтказган (ингичка-ингичка ичак анастомоз ипларининг етишмовчилиги).

Бемор жароҳатдаги оғриққа, оғиз қуришига, чанқашга шикоят қилади. Тана ҳарорати $37,6-38,5^{\circ}\text{C}$. Тили қуруқ, ифлос-кулранг қараш билан қопланган. Гипосаливация мавжуд. Ўнг қулоқ атрофи соҳасида оғриқ аниқланаяпти.

Қанақа асорат хақида ўйляймиз? Қандай профилактик чора тадбир ўтказишимиз керак?

87

70 ёшли эркак операциядан сўнг 3 кун кулоқ атрофи соҳасида оғриқ сезишига, оғиз очилиши қийинлиги ва оғриқлигига шикоят қила бошлади. Тана ҳарорати 38-39°C. Кулоқ атрофи соҳасида зич оғриқли инфильтрат аниқланади. Қон формуласи чапга силжиган, лейкоцитоз, кўтарилган ЭЧТ.

Беморда қандай асорат кузатилди? Сизнинг даволаш усулингиз?

88

Хирургик стационарга кечкурун ўнг кўкрак безида туғишдан сўнг 16 кун ўтгач оғриқ пайдо бўлиши ва ваража қилишига шикоятлар билан ёш аёл ётқизилди.

Бемор бир ҳафта хаста. Уйида ўзича даволаниш билан шуғулланган, наф олмаган.

Тана ҳарорати 39,9°C. Ўнг кўкрак бези катталашган. Пастки квадрантларда чуқурликда кенг зич оғриқли инфильтрат пайпасланади ўртасида юмшаш белгилари билан. Қўлтиқ ости лимфотугунлари катталашган ва оғриқли.

Сизнинг ташҳисингиз? Навбатчи жарроҳ қандай тадбир ўтказиш лозим? Чақалоқни озиклантириш қандай кечади?

89

Хирургик стационарга чап кўкрак безида 6 кундан бери оғриқ сезишига шикоятлар билан бемор ётқазилди. Кўкраги билан эмизади. Боласига туғилганидан 12 кун бўлган. Тери ранги оқимтир. Кўрикда кўкрак бези юқори-ташқи квадрантида зичланган оғриқли ўлчами 6-7 см инфильтрат аниқланади, ўртасида ноаниқ юмшаш мавжуд.

Сизнинг ташҳисингиз? Сизнинг даволаш-диагностик усулингиз?

90

Жарроҳ кўригига чап кўкрак бези сургич соҳасида оғриқ сезишига шикоят билан аёл мурожаат қилди. Анамнезидан: 2 ой олдин бемор туқган.

Ареола соҳаси димланган. Шиш, инфильтрация ва марказида флюктуация белгилари кузатилади.

Сизнинг ташҳисингиз ва даволаш усулингиз?

91

Эмизаетган аёлда йирингли мастит очилганидан 2 эй ўтгач ўнг кўкрак беши ташқи-юқори квадрантида нуқтали оқма мавжуд, доим сут томчилаши билан. Оқмани ёпиш учун ўтказилган консерватив чора-тадбирлар наф бермади.

Нима чора ўтказишингиз мумкин?

92

Жарроҳ кўригига ўнг кўкрак бешида оғриқ ва қаттиқланиш сезишига шикоятлари билан 15 ёшли йигит мурожаат қилди. Ўзини 3 хафтадан бери хаста деб билади.

Тана ҳарорати миёрида. Кўкрак безлари катталашган, кўпроқ ўнг томонида. Улар шишган, пайпаслаганда оғриқли. Қовуқ соҳасида жунлаш эркак типи бўйича. Ташқи жинсий аъзолар томонидан патология топилмади.

Беморда нима содир бўлган? Сизнинг тавсияларингиз.

93

Поликлиника жарроҳига 1,5 ойдан бери чап кўкрак беши катталашганига шикояти билан 46 ёшли эркак мурожаат қилди. Тана ҳарорати миёрида. Чап кўкрак беши 5-6 смгача катталашган, гомоген зичлигида, оғриқсиз. Сўрғичи катталашмаган. Ундан ажралма йўқ. Ташқи жинсий аъзолар ўзгаришсиз.

Сизнинг ташҳисингиз ва даволаш усулингиз?

94

Шифохона қабул бўлимига ўнг тизза соҳасида оғриқ сезишига, бош оғришига, камқувватликка, холсизлик шикояти билан 45 ёшли аёл мурожаат қилди. 2 суткадан бери хаста. Кечқурунлари тана ҳарорати 39° С гача кўтарилади.

Тиззанинг ўрта ва пастки учлиги олдинги-ташқи деворида кенг, оч-қизил рангли доғ бор, бир мунча сероз-геморрагик суюқлик билан тўлган пуфакчалар бор. Гиперемия чегараси аниқ, нотекис (география карта кўринишда). Гиперемия соҳасидаги тери ҳамирсимон, пайпаслаганда кескин оғриқли.

Қон таҳлили: лейкоцитлар – $15,1 \times 10^9$ /л, таёқчали нейтрофиллар – 7%, ЭЧТ – 34 мм/с.

Сизнинг ташҳисингиз? Беморни ётқизишда бошқа беморлардан ажратиш лозимми? Қандай даволаш ўтказасиз?

95

Дерматслог кўригига 53 ёшли аёл чап қўл 3 бармоқ терисида қичиш ва куйиш сезишига шикоятлари билан мурожаат қилди.

Анамнезидан 3 кун олдин балик тозлаш вақти суяги билан бармоққа шикаст етказганлиги аниқланди. Бир кун ўтгач бармоқда димланиш ва тери қизариши, оғриқ пайдо бўлган.

Кўриқда бармоқ ташқи ён деворида терисида қизарган кўкимтир тусда доғ бор. Қизариш чекаси фестончали. Бармоқ шишган, фаланглараро бугимларда ҳаракатлар чегараланган, оғриқли.

Қайси касаллик ҳақида ўйлаймиз? Қайси касаллик билан фарқлаш керак? Қандай беморни даволайсиз? Бемор ўз вазифасилардан озод этилиши мумкинми?

96

Бемор К., 26 ёшда, тамоқ оғриши, тана ҳарорати кўтарилиши, ваража қилиш шикоятлари билан участка врачини уйига чақирди. Бир кундан бери хаста.

Кўриқда танглай безлари кескин катталашган, танглай чегарасидан чиққан, қизарган, шпател билан эзганда йиринг улардан ажралади. Иккала ияк таги соҳасини пайпаслаганда зич юмалоқ ҳаракатчан тери билан ёпишмаган оғриқли ўлчами 2-2,5 см ҳосилалар аниқланади. Улар устидаги тери қизарган.

Беморга нима бўлган? Бемор шошилинич хирургик ёрдамга муҳтожми?

97

Шифокор кўригига икки ҳафта ҳарбий хизматга чақирилган бемор мурожаат қилди. Шикояти ўнг оёқдаги оғриққа, оғриқлар 3 кундан бери безовта қилади.

Кўриқда ўнг оёқ 2-3 бармоқ устида йиринг билан қопланган тери сидирилиш мавжуд. Оёқ устки қисми шишган, ва шу ерда йўналиши бўйича қизарган йўлчалар аниқланади, тегинганда оғриқли. Ўнг чов соҳасида оғриқли, зич-эластик консистенцияда, ўлчами ёнғоғдек тугун пайпасланади. Унинг устидаги тери қизарган.

Сизнинг ташҳисингиз ва усулингиз?

98

Бемор Н., 36 ёшда, ўткир панкреатит сабабли хирургия бўлимига ётқизилган. Ўтказилган давога қарамасдан аҳволи тобора ёмонлашаверди. Тана ҳарорати гектик.

Перитонит белгилари ривожланди. Зудлик равишда лапаротомия бажарилди ва меъда ости безининг йирингли емирилиши аниқланди. Қорин бўшлиғи тозаланганидан сўнг операция марсупализация билан (кесилган меъда-чамбар боғламининг қирралари қорин олд девори париетал пардасига тикқилди) тамомланди. Емирилган безга «сигара» - тампон олиб келтирилган, дуглас бўшлиғида дренаж най қолдирилди.

Операциядан кейинги даврда бемор аҳволи ўта оғир. Операциядан кейин 1 сутка ўтгач тампонлар тўсатдан оч қон билан кескин намланди. Пульс 14 зарба/мин. тезлашди, қон босими 90/60 мм сим. уст. тушди.

Тахминан нима беморда иккламчи қон кетишга олиб келди? Сизнинг даволаш тадбирларингиз?

99

Бемор М., 64 ёшда, дориларни вена ичига қуйишдан сўнг тирсак буғилишидаги оғриққа шикоят қилиш бошлади.

Чап билак ички юзаси юқори учлигида ва елка олдинги ички юзасида тери ости вена йўналиши бўйича тери қизариши аниқланади, вена қон томир деворининг зичланиши ва оғрликлиги аниқланади.

Ташҳис қўйиб беринг. Қанақа даво ўтказасиз?

100

Бемор М, 58 ёшда, чап болдир тери ости венналарнинг ўткир тромбофлебити сабабли еткизилган.

Ўтказилган консерватив даволашга қарамасдан 4 сутка давомида яллиғланиш процесси кучаймоқда: чап сон соҳасида оғриқ пайдо бўлди, тери қизарди, тўқималар зичланди ва катта тери ости вена йўналиши бўйича оғриқ пайдо бўлди соннинг пастки ва ўрта қисмида.

Сизнинг ташҳисингиз ва ҳаракатларингиз?

101

Бемор Е., 69 ёшда, жарроҳлик бўлимига ўнг тизза соҳасида кучли оғриқ сезишига, оёқ ва болдир шишига, тана ҳарорати 38,7°C гача кўтарилишига шикоят қилиб келди. Ҳаркатда оғриқ кучаяди.

Касаллик бошланганига 3 кун бўлган, болдир мушакларининг талвасасимон тортишишларидан бошланган, кейинчалик унда оғриқшиш, пайдо бўлган.

Ўнг болдир ва оёқда тери бироз қизарган, таранглашган. Ўнг болдир ўртаси айланаси чап болдирга нисбатан 6 см гача катта. Чап болдир оёқ буғими ҳаракати сақланган, аммо оғриқли. Белдир томирлари йўналиши бўйича пайпаслаганда оғриқ аниқланаяпти, айниқса тизза ости соҳаасида. Хомман белгиси мусбат (болдир мушакларида максимал букилганда оғриқ пайдо бўлади). Мушаклар қисилганда кучли оғриқли.

Умумий қон таҳлили: лейкоцитоз, формуланинг чапга силжиши, ЭЧТ – 29 мм/с, протромбин индекс – 1.

Сизнинг ташҳисингиз ва усулингиз?

102

Бемор М.га, 59 ёшда, гинекология бўлимида бачадон усти ампутацияси операцияси бажарилган.

Операциядан кейин 8 сутка чап оёқда катталашаётган шиш пайдо бўлди. Кўриқда унда оч-кўкимтир доғлар аниқланади, тери таранглашган. Чап сон айланаси ва болдир ўрта уч қисми айланаси ўнг сон ва болдирга нисбатдан 8 ва 6 см кенгайган. Чап оёқ бармоқлари илик, буғимлардаги актив ҳаракатлар сақланган. Томир уриш чап оёқ артерияларда суст аниқланади. Тана ҳарорати 36,7-36,9°C.

Қайси операциядан кейинги асорат кузатилди? Каерда ва қандай даво бемор олиши лозим? Профилактик чора тадбирлар нимадан иборат?

103

Жарроҳ кўригига ўнг тирсак буғимидаги оғриққа шикоятлар билан бемор мурожаат қилди, оғриқлар 8 кун олдин шикаст олганидан сўнг пайдо бўлган. Охирги 3 кун оғриқлар кучайди.

Кўриқда тирсак ўсимтаси проекциясида қобик остидаги тери сидирилиш мавжуд, босганда тагидан йиринг ажралди. Шу ерда анча кенг шиш аниқланади, тери қизарган, оғриқ ва флюктуация мавжуд. Тирсак буғими ҳаракати тўлиқ сақланган, оғриқсиз. Рентгенограммада суякда деструктив ўзгаришлар аниқланмади.

Сизнинг ташҳисингиз ва усулингиз?

104

Бемор А., 39 ёшда, ўнг тизза буғимидаги оғриққа шикоят қилади, оғриқ 2 ҳафтадан бери безовта қилади ва кундан-кунга кучаяпти. Паркетчик бўлиб ишлайди.

Ўнг тизза буғим соҳасида терини қизариши, шиш, оғриқ ва тизза усти қопқоғида флюктуация аниқланади. Ликкилаши аниқланмайди. Сон пастки учлиги олдинги девор да бўйлама чизикли тасмалар бор, тав лимфа тугунлари катталашган. Тизза буғимида ҳаракат қисман чекланган, оғриқсиз. Рентгенограммада ўнг тизза буғимда деструктив ўзгаришлар аниқланмади. Пункция қилинганда йиринг олинди.

Бемор билан нима содир бўлган? Сизнинг даволаш усулингиз?

105

Бемор Т., 28 ёшда, проктология бўлимига бавосил тугунларининг ўткир тромбофлебити диагнози билан сткизилди.

Бемор шикоятли орқа чиқарув тешик соҳасида оғриққа, оғриқ ҳаракатланганда кучайишига, кечқурунлари тана ҳарорати 40°C гача кўтарилишига. Оғриқ сабабли бемор ўтираолмайди. 4 кундан бери хаста. Малҳамли компресслар ва ректал шамчалар наф бермаяпти.

Анамнезида сурункали бавосил баъзан кўзғалишлар билан.

Ануснинг ўнг томонида терида бироз қизариш, шиш, кучли оғриқ мавжуд. Ендош тўқималар зичланган, таранглашган, флюктуация аниқланмаяпти. Бармоқли текширишда тўғри ичак ўнг деворида димланиш ва оғриқ аниқланади.

Қон таҳлили: лейкоцитлар 16,3 минг/л, таёқчали ядроли нейтрофиллар – 7%. ЭЧТ – 28 мм/с.

Бирламчи ташҳис билан розимисиз? Агар норози бўлсангиз, сизнинг ташҳисингиз? Махсуслашган шифохонада қанақа ҳажмдаги ёрдам кўрсатилиши лозим?

106

Поликлиникага жарроҳ кўригига думғаза соҳасидаги пульсацияловчи оғриққа, тана ҳарорати кечқурунлари $37,7-38,2^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилишига шикоятлари билан 20 ёшли бемор мурожаат қилди. 4 кундан бери хаста. Унгача ўзини мутлоқ соғлом деб ҳисоблаган.

Думбалараро думғоза соҳасида ўнгроқда чегараланган жойда тери қизарган, шишган, марказида флюктуация мавжуд, яллиғланган тўқималар соҳасида кучли оғриқ

бор. Бармоқ билан текширишда тўғри ичакда патология аниқланмади.

Сизнинг тахмининг ташҳисингиз? Поликлиника хирургии нима ёрдам кўрсатиши мумкин?

107

Шифохонага 64 ёшли бемор орқа чиқарув тешигининг ўткир ерилиши диагнози билан ётқизилди. Бармоқ билан текшириш поликлиникада ва қабул бўлимида ўтказилмаган.

Шикоятлари орқа чиқарув тешик соҳасида оғриқ, дефекация вақти оғриқ кучайишига, тана ҳарорати кечкурунлари $37,6-38^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилди. 5 кундан бери хаста.

Бармоқ билан текширишда анал каналининг чап деворида ампулага ўтаётган оғриқли инфильтрат аниқланади ўргасида юмшаш белгилари билан.

Қон таҳлилида: чапга бурилган ўртача лейкоцитоз, ЭСР – 19 мм/с.

Беморга қанақа ташҳис кўясиз? Оператив давога кўрсатма борми? Агар бор бўлса қанақа операция ўтказасиз?

108

Бемор Н., 65 ёшда, икки ҳафта олдин ўнг елка буғимига гидрокортизон суспензияси юборилганидан сўнг ўша ерда оғриққа, ваража қилишига, тана ҳарорати 40°C гача кўтарилишига шикоят қила бошлаган. Тиббий ёрдамга мурожаат қилмаган. Ўзича даволаниш билан шуғулланган: компресслар, иссиқ грелкалар, оғриқни қолдирувчи дорилар ичган. Аҳволи ёмонлашгани сабабли участка врачини чақиришга мажбур бўлган.

Умумий аҳволи ўртача оғирликда. Томир уриш – 96 зарба/мин. Бемор ўнг кўлини абдукция (юбориш) шаклида ушлаб турибди. Буғим шишган, тегинганда иссиқ. Ёнғир ҳаракатлар унда кучли оғриқ чақиради.

Участка врачини сифатида қандай касалликни гумон қилишингиз мумкин? Сизнинг кейинги ҳаракатларингиз. Қанақа кўшимча текширишлар ўтказиш лозим ва беморни қандай даволаш керак?

109

54 ёшли З. Беморга ўпка саратони сабабли ўнг томонлама пульмонэктомия ўтказилган.

10 кун ўтгач операциядан кейинги даврда беморнинг аҳволи оғирлаша бошлади: умумий қувватсизлик пайдо бўлди, тана ҳарорати 40°C гача кўтарилди гектик сонлар билан, кўкрак қафасида тортувчи оғриқлар пайдо бўлди. Пульс – 112-120 зарба/мин., нафас олиши юзаки, 26 марта, акроцианоз. Қонда юқори лейкоцитоз, формуласи чапга силжиши билан, патолгик доначали нейтрофиллез. Рентгенограммада кўкрак қафаси ўнг томонлама 7-қовурғагача суюқлик ўлчами аниқланади.

Беморда қанақа операциядан кейинги асорат пайдо бўлди? Даволаш тактикаси қанақа?

110

Бемор М., 59 ёшда, туман шифохонасидан клиникага ўтказилган ва у ерда 5 ҳафта давомида кўкрак қафаси ёпиқ шикастланиши, 7-8 қовурғалар синиши, посттравматик зотилжам сабабли даволанган.

Келган вақти камқувватликка, совқатишга, терлашга, кўкрак қафасида оғриқ сезишига шикоят қилган. Охириги кунлари йўтал билан кўп миқдорда 300,0 яқин сариқ-яшил ширинроқ тўам билан балғам ташлайди.

Аҳволи оғир. Тери ранги оқимтир. Тана ҳарорати $37,8-39,9^{\circ}\text{C}$. Пульси – 100-116 зарба/мин. Перкуссияда ўнг ўпка пастки қисмларида тумтоқлик аниқланаяпти, аускультацияда – сусайган нафас, майда пуфакчали шовқинлар. Қон анализи: юқори лейкоцитоз, формуланинг чапга силжиши, ЭЧТ – 58 мм/с.

Қайси асорат билан гумон қилиниб. Бемор клиникага ўтказилган? Диагнозни аниқлаш учун қанақа қўшимча текшириш ўтказиш лозим? Даволаш тактикаси қанақа?

111

7 кун олдин ўткир флегмоноз аппендицит сабабли аппендэктомия операцияси ўтказган беморда тана ҳарорати кўтарилди.

Ҳарорат характери гектик. Шикояти оғиз қуришига, сийиш охирида оғриқ сезишига, тез-тез дефекацияга чақирик бўлишига. Жароҳат безовта қилмайди. Пульс – 108 зарба/мин. Аускультацияда: иккала ўпкада везикуляр нафас. Тили қуруқроқ. Қорни тўғри шаклда, нафас олишда қатнашади, юмшоқ, пастки қисмларида оғриқли. Щеткин-Блюмберг белгиси манфий. Қон таҳлили: лейкоцитлар – 17,2 минг, нейтрофиллар таёқчали – 8%, ЭЧТ – 30 мм/с. Жароҳат томонидан яллиғланиш

белгилари йўқ. Рентгенологик текширишда ўпкалар томонидан патология аниқланмади.

Қанақа асорат ривожланишини гумон қилишимиз керак? Қандай қўшимча теширишлар ўтказишимиз зарур? Беморга қандай ёрдам беришимиз лозим?

112

Бемор К., 47 ёшда, қориндаги оғриққа, кўнгил айнишига шикоят қиляпти. Анамнезидан: кечқурун маст ҳолатда қорин билан йиқилган. Тез ёрдам чакрилганида рад этган ва 12 соат ўтгач рози бўлган.

Бемор ўнг ёнбошда ётмоқда, оёқлари қоринга тортилган. Пульс – 100 зарба/мин. АҚ/Б – 115/80 мм сим. уст. Тили қуруқ, ифлос-кулранг караш билан қопланган. Қорни нафас олишда қатнашмайди, олдинги девори тахтасимон таранглашган. Қорин деворига бармоқлар билан таққилаш кучли оғриқ чақиради. Щеткин-Блюмберг белгиси мусбат. Ичак перистальтикаси эшитилмайди («тобут тинчлиги» белгиси).

Сиз тез ёрдам врачси. Сизнинг тахминий ташҳисингиз қанақа ва даволаш усулингиз?

113

Қабул бўлимига 50 ёшли эркакни қориндаги тўсатдан пайдо бўлган ханжарсимон оғриққа шикояти билан олиб келинди. Бемор 10 соатдан буён касал. 18 йилдан буён меъда яра касаллиги билан хаста.

Тили қуруқ. Пульс – 104 зарба/мин. АҚ/Б – 120/80 мм сим. уст. Қорин нафас олишда қатнашмайди, тахтасимон таранглашган, оғриқли, кўпроқ эпигастрия соҳасида ва ўнг ёнбош канали соҳасида. Перкуссияда жигар тумтоқлиги аниқланмайди. Щеткин-Блюмберг белгиси мусбат. Перистальтика эшитилмайди.

Сизнинг ташҳисингиз? Қабул бўлимида қанақа диагностика текширишлар ўтказиш зарур беморни ётқизишдан олдин?

114

Ўткир перитонитнинг бошланишидан 18 соат ўтган беморнинг операциясида йўғон ичак ректосигмоид қисмининг перфорацияси (тешилиши) борлиги аниқланди. Қорин бўшлиғида кўп миқдорда хира ахлат хидли суюқлик аниқланди. Усма ҳаракатчан, жигарда ва ичак тутқичларида метастазлар аниқланмади. Қорин

пардаси қизарган, нуқтали қон талашлар билан. Ингичка ичак қовузлоқлари димланган, баъзи жойлари фибрин билан қопланган, бироз шишган, перистальтикаси аниқланмайди. Электрсургич ёрдамида қорин бўшлиғи суюқликдан тозаланди.

Мазкур. перитонит суъратида жарроҳ тактикасини аниқланг?

115

54 ёшли Ш. Беморга меъда ярасининг тешилиши сабабли меъда резекцияси Бильрот –2 усули Гофмейстер-Финстерер модификациясида бажарилди. Касаллик бошланганига 5 соат бўлган. Операциядан кейин 4 сутка бемор аҳволи кескин оғирлашди, уғжиш, эпигастрия соҳасида оғриқ пайдо бўлди, оғриқ қорин бўшлиғида тарқала бошлади. Пульс – 116 зарба/мин., суст тўлиқли. Нафас олиши – 23 марта/мин., юзаки, иккала ўпкада эшитилади. Тилиок қараш билан қопланган, қуруқ. Қорни бироз дамлаган, нафас олишда қатнашмайди, таранглашган, оғриқли кўпроқ эпигастрия соҳасида. Щеткин-Блюмберг белгиси мусбат. Ичак перистальтикаси эшитилмайди. Қорин пастларида тумтоқлик аниқланаяпти.

Қанақа операциядан кейинги асорат ҳақида ўйлаш керак? Унинг сабаби нима деб ўйлайсиз? Сизнинг кейинги усулингиз?

116

Бемор Л., 84 ёшда, жарроҳлик бўлимига қориндаги кенг тарқалган оғриқларга, оғриқ 3 кундан бери безовта қилишига шикоят билан ётқизилди.

Бир кун олдин бир мартоба қайт қилиш кузатилган. Эрталаб эркин нажаси бўлган.

Тили қуруқ қараш, қопланган. Қорни дамлаган, таранглашган, ҳамма соҳасида оғриқли, кўпроқ ўнг ёнбош канали соҳасида. Перкуторно қорин ҳамма соҳасида тимпанит аниқланаяпти. Жигар тумтоқлиги сақланган. Щеткин-Блюмберг белгиси мусбат. Перистальтика эшитилмайди.

Қон анализи: лейкоцитлар – 18,1 минг, таёқчаядроллар – 10%, сегментядроллар – 70%, лимфоцитлар – 18%, моноцитлар – 2%, ЭЧТ – 16 мм/с. Қорин бўшлиғи обзор рентгенограммасида эркин газ ва

«Клойбер» косачалари йўқ, ингичка ичак ковузлоклари пневматозлашган.

Сизнинг тахминий ташҳисиз ва даволаш усулингиз?

117

Жарроҳлик бўлимига 5 кунлик аниқ чегарали аппендикуляр инфилтрат билан бемор ётқизилди. Даволаш давомида бемор аҳволи яхшиланди: тана ҳарорати мўрлашди, лейкоцитлар камайди. 5 кун тўсатдан қоринда кучли оғриқ пайдо бўлди, томир уриш кучайди, тил қуруқлашди, бир мартоба қайт қилиш кузатилди.

Қорин дамлаган, ҳамма соҳасида оғриқли, қорни девори нафас олишда ҳаракати суст, Щеткин-Блюмберг белгиси мусбат. Лейкоцитлар 9,8 мингдан 16,7 мингача кўпайди.

Беморда қандай асорат ривожланди? Сизнинг усулингиз? Докали тампонларни қўллашга қанақа кўрсатма бор?

118

Сизнинг қабулингизга ўнг қўл 2 бармоқдаги тортувчи кучли оғриқ билан шикоят қилиб келди. 4 кун олдин балиқни тозалаш вақти бармоғи шикастланган. Охириги 2 оқшом оғриқ сабабли бемор ухламаган.

Бармоқнинг тирноқ фалангаси шишган, димланган, кафт юзасида кескин оғриқ аниқланади. Фаланглараро буғимларда ҳаракатлари чекланган. Қўлтиқ ости лимфа тугунлари катталашмаган.

Сизнинг ташҳисингиз? Поликлиника шароитида беморга қандай ёрдам кўрсата оласиз?

119

Бемор К., 36 ёшда, трос билан ўнг қўл 1 бармоқни чуқур жароҳатлади. Бир кун ўтгач бармоқда пульсацияловчи оғриқ ва шиш пайдо бўлди. Тиббиёт ёрдам учун мурожаат қилмади, аммо 2 уйқусиз тундан сўнг поликлиника жарроҳига мурожаат қилишига мажбур бўлди.

Тирноқ фалангаси шишиб кенгайган, пайпаслаганда дистал фаланганинг бутун юмшоқ тўқимасида оғриқ аниқланаяпти. Фаланглараро буғимларда ҳаракатланишлар чекланган.

Сизнинг ташҳисингиз ва оператив йўналишингиз?

120

Қабулга ўнг қўл 2 бармоқнинг йирингли тери ости панарицияси билан бемор мурожаат қилди. Операцияга кўрсатма мутлоқ. Бемор розилиги олинган. Аммо кесишдан олдин зарраланган ўлган ҳамма тўқималарни кесиб олиш учун қонсизлантириш зарур.

Қандай қилиб бунни амалга оширасиз?

121

Жарроҳ кўригига она 9 ёшли боласини ўнг қўл 1 бармоқдаги безовта қиладиган оғриқ билан олиб келди. 3 кундан бери хаста.

Кўрикда тирноқ фаланга кафт юзасида хира-оқиш рангдаги шишли ўзгариш аниқланаяпти, ҳажми 0,6 см, атрофи ингичка қизғимтир рангда.

Болага қандай ёрдам кўрсатасиз?

122

Бемор Д., 40 ёшда, қабул бўлимига ўнг қўл 4 бармоқ паронихия тирноқ атрофи тўқимасининг ва тагидаги клетчатканинг тотал зарраланиши билан мурожаат қилди. Ажраб чиққан тери парчасини юлиб олиш туфайли ўзини 2 ҳафтадан бери хаста деб билади. Жарроҳ кўриб тирноқ олдидаги ёнбош кесик йирингли ўчоғни очди. Жароҳатдан 2-3 томчи йиринг чиқди. Жароҳат антисептик эритмаси билан ювилиб боғлама қўйилди. Операциядан кейин ванночка қилинди, Вишневский малҳами билан компресслар, пенициллин қилинди, аммо кўзга кўринар ўзгаришлар кузатилмади. Қайта оператив даволаниш ҳақида савол туғилди.

Жарроҳ томонидан қандай ҳато кузатилди? Қанақа операция рационал қилиниш лозим эди?

123

44 ёшли О. Бемор, уй бекаси, чап қўл 1-бармоқдаги оғриқдан шикоят билан мурожаат қилди. Бир ҳафта олдин тирноқ остидан тикан олишдан кейинги вақтдан бери ўзини хаста деб билади (балиқ суяги). Олдин оғриқлар кучсиз эди. Гипертоник эритмали, калий перманганатли ванночкалар, Вишневский малҳами билан компресслардан, пиширилган пиёздан фойдаланди, аммо энгиллик бўлмади. Қабулга келишга уйқусиз оқшом ўтказганлиги мажбур этди. Кўрикда асоси билан эркин чекасига қаратилган кулранг-сарик рангли хираланиш аниқланади, чўқиси тирноқ фалангасининг марказида

учбурчак шаклида жойлашган. Тирнокни босиш оғриқли. Фаланглараро буғимларда ҳаракат чекланмаган.
Сизнинг ташҳисингиз ва даволаш усулингиз?

124

Хирургик инфекция бўлимига 34 ёшли эркак ўнг қўл 2-бармоқдаги оғриққа шикоят билан ётқизилди, 22 кундан бери хаста. Маълумки касаллик бошланганидан 8 кун у тери ости панариций сабабли операция ўтказган. Операциядан кейинги даврда 10% натрий хлорли ванночкалардан фойдаланган, стрептомицин ва Вишневский малҳамлари билан боғламлар ишлатган. УВЧ терапия ўтказилган. Икки ҳафта давомида ўзгаришлар кузатилмади.

Тирноқ фалангаси кенгайиб қалинлашган, оғриқли. Кафт-радиал юзасида ўта грануляциялашган жароҳат мавжуд, ундан кам миқдорда сероз-йирингли ажралма бор.

Қайси асоратга гумон билан бемор стационарга юборилган? Тўлиқ диагноз қўйиш учун қанақа қўшимча текшириш ўтказиш лозим?

125

Бемор Р., 23 ёшда, жарроҳлик бўлимига чап қўл 2-бармоқдаги оғриқдан шикоят билан келган. Икки ҳафта олдин бармоқ метал парчаси билан шикастланган. Бир ҳафта давомида поликлиникада даволанган: пункция, антибиотикотерапия, бармоқ иммобилизацияси қилинган. Яхши бўлиш кузатилмади, шунинг учун стационар даволанишга юборилди.

Бармоқ проксимал фаланглараро буғимда яримбукилган, нотекис шишган, димланган, териси қизарган, буғимга тегиниш нихоятда оғриқли, ҳаракат деярли кузатилмайди.

Сизнинг ташҳисингиз? Қанақа қўшимча текшириш ўтказиш лозим? Сизнинг даволаш усулингиз?

ОСТЕОМИЕЛИТ. СЕПСИС.

126

Сиз - тез тиббий ёрдам врач-педиатри. Сизни кечаси аҳволи ёмонлашган 7 ёшли болага чақиринган. 1,5 сутка аввал болага бош оғриғи шикоят билан мактабдан уйига жавоб беришган. Уйда участка педиатри томонидан

кўрилган ва «Ўткир респиратор вирусли инфекция» туфайли антибактериал ва яллиғланишга қарши дорилар тавсия қилинган.

Қўриқ вақтида боланинг умумий аҳволи оғир, карахт. Тана ҳарорати 40° С. онасини гапига кўра, тез тиббий ёрдам келгунга қадар болада шайтонлаш ҳолати кузатилган. Юзи оқарган, акроцианоз. Томир уриши 1 дақиқада 128 зарба. Нафас олиши юзаки, 1 дақиқада 28 марта.

Ўпканинг пастки соҳаларида тарқалган қуруқ ва нам хирриллашлар эшитилади. Қорни юмшоқ, оғриқсиз. Жигар, талоқ катталашмаган. Ўнг сонни пастки учлиги пайпасланганда оғриқ ва шиш аниқланади.

*Қанақа касаллик тўғрисида фикр юритиш мумкин?
Сизнинг усулингиз.*

127

Шифохона қабул бўлимига ўнг оёғидаги оғриққа шикоятлари билан 9 ёшли бола келтирилган. 2 ҳафтадан буён хаста. Уй шароитида даволанган. Аҳволи оғирлашганлига сабабли стационар даволашга юборилган.

Кечалари тана ҳарорати 40° С гача. Ўпкаларида тарқоқ, қуруқ ва нам хирриллашлар эшитилади. Жигар, талоқ катталашмаган. Ўнг сон пастки учлигида тери қизариши ва шиши, кескин оғриқ аниқланади. Тизза буғими катталашган ҳажмда, оёқ ярим букилган, ҳаракати оғриқли. Бемор 3 ҳафта бурун ўнг сонини партага уриб олганлиги қўшимча аниқланган.

Сизнинг ташҳисингиз? Қабул бўлимида қанақа текширишлар ўтказиш лозим? Сизнинг даволаш усулингиз?

128

Хирург қабулига она 13 ёшли ўғлини 1 йил мобайнида чап болдир юқори учлигида муттасил оғриқ безовта қилиши билан олиб келди. Қоидага кўра, оғриқ об-ҳаво ўзгарганда ва оқшом пайтида пайдо бўлади.

Ташқи томондан болдир ўзгаришсиз. Катта болдир суяги юқори учлиги соҳаси босилганда сезгирлиги ошган чегараланган соҳа аниқланади. Тизза буғимида ҳаракат тўлиқ ҳажмда сақланган.

Рентгенограммада катта болдир суяги метафизининг фоваксимон қисмида 1см га тенг ўлчамда юмшоқлашган бўшлиқ аниқланади.

Сизнинг ташҳисингиз ва усулингиз?

129

Хирургик инфекция бўлимига ўнг болдир соҳадаги оғриққа, тана ҳароратининг даврий равишда 38-39° С гача кўтарилишига шикоятлари билан бемор ётқизилди. Ҳаракат қилиши кўлтиқтаёқлар ёрдамида. 12 ой муқаддам очиқ синиш ўтказилган. Скелет тортиш ва гипс боғламда даволаш ўтказилган. Аммо оғриқ туфайли мустақил ҳаракатланиш йўқ.

Ўнг болдирнинг олдинги юзасида кам йиринг чиқиб турган оқма бор. Болдир шишган, оқма атрофида тери қизарган. Рентгенограммада ёлғон буғим, катта болдир суяги булаклари остеолизи, эндоостал склероз, периостнинг қалинлашуви кузатилади.

Бемор қанақа ташҳис билан келиб тушган қандай кўшимча текширишлар ўтказилиши лозим? Сизнинг даволаш усулингиз?

130

Хирургия бўлимига 63 ёшли бемор чап сонидан бир ҳафтадан буён оғриқ безовта қилаётганидан шикоят қилиб келди. 40 ёшидан буён осколкалик жароҳатланишдан сўнг чап сон сурункали остеомиелити билан хасталанган. Бемор гапига кўра, даврий равишда сонда йирингли ва «суяк» бўлакчали оқма очилиб туради.

Чап сон ўнгдагига нисбатан қалинлашган. Чап тизза буғимида ҳаракат йўқ. Соннинг ташқи юзасида очилиб турган оқмалар ва ўтказилган оператив даволар туфайли краторсимон ичга тортган ва чизикли чандиқлар бор. Уша жойда тери қизарган, шиш, оғриқ, пайпасланаётган инфилтрат марказида юмшалиш аниқланади. Тана ҳарорати – 37.8° С.

Сиз беморга қананқа диагноз қўйган бўлар эдингиз? Сизнинг диагностик ва даволаш усулингиз?

131

Хирургик инфекция бўлимига қориннинг ўнг орқаён деворида инфилтрат билан бемор келиб тушди. Ўзини 8 кундан буён хаста ҳисоблайди, кечга тана ҳарорати 38-39° С гача кўтарилган.

Уч йил бурун ёнбош суяги тароқ соҳаси олд юзасининг уқ куролли остеомиелити туфайли даволанган. Жараён консерватив муолажалар билан қайтарилиб келинган. Ушандан бери ўзини соғлом ҳисоблаб келган.

Беморда қанақа асорат туғрисида гумон қилиш мумкин?

132

Врачлар конференциясида ўнг соннинг сурункали гематоген остеомиелит билан 23 ёшли эркакнинг касаллик тарихи муҳокама қилинмоқда. Рентгенограммада сон суягининг дистал метафизидида 1.5 см диаметрли эркин ётувчи секвестрли бўшлиқ аниқланади. Беморга оператив даво кўрсатилган.

Секвестрэктомия ва секвестрли тобут санациясидан кейин бўшлиқни тўлдириш (пломбировка) учун сиз нима таклиф қила оласиз?

133

Туғруқхонадан уйига жавоб берилгандан сўнг кейинги 3 ҳафта мобайнида чақалоқнинг аҳволи прогрессив ёмонлашган. У ланж, йиғлоқи, кўкракни олмаяпти, вазнида кўпайиш йўқ. Тери юзаси оқимтир қизғиш, акроцианоз. Тез-тез қусиш ва ич кетиш кузатилмоқда. Тана ҳарорати доимо $37,6-37,9^{\circ}$ С. қорни юмшоқ, пайпаслашга жавоб бермайди.

Киндик тизимчаси тушган жойда оқиш, йиринг қопламали, хулланувчи грануляция билан қопланган жароҳатча бор.

Участка педиатри сифатида сиз чақалоқда қайси касалликни гумон қиласиз ва қанақа чора кўрасиз?

134

Бемор С., 22 ёшда, холсизликка, варажага, тана ҳарорати доим юқориликка « $39-40^{\circ}$ С», қоринни пастқи соҳаларида оғриққа, қиндан кам миқдорда қонли ажралмаларга шикоят қилади. Анамнезида аниқ бўлдики 8 кун аввла бемор криминал аборт ўтказган. 2-кундан бошлаб беморнинг аҳволи оғирлашиб борган. Тиббий ёрдамга мурожаат этмаган.

Аҳволи оғир. Тери юзаси оқимтир, юзи ерсимон тусда, склералари иктерик ўзгарган. Томир уриши 1 дақиқада 124 зарба, ритмик кучсиз тўлиқликда. Тили куруқ, бироз

караш билан қопланган. Қорни юмшоққов усти ва ёнбош соҳалар оғриқли. Қорин парда кўзғалиш белгилари гумонли.

Тез тиббий ёрдами сифатида сиз беморга қандай тэшҳис кўясиз ва нима қиласиз?

135

Бемор К., 72 ёшда, ўнг товон ва болдирнинг хўл диабетик гангрена си туфайли соннинг ўрта учлигидан ампутация қилинган. 4-кундан йиринглаш сабабли чўлтоқдан чоклар очилган, тампонлар билан дренажланган. Кейинги 10 кун мобайнида жароҳатдан ажралмалар камайган, лекин грануляция кучсиз, оқиш. Чўлтоқ шишли.

Беморнинг умумий аҳволи оғир, карахтланган. Тери юзаси кулранг (ер рангида) рангда, склералари саргайган. Тана ҳарорати доимо 39-40°C атрофида. Томир уриши I дақиқада 124-136 зарба, кучсиз тўликликда. Тахипноз. Ўнг қовурға ёйи остида +3+4 см катталашган жигар қирралари пайпасланади. Суткалик диурез 300-400 мл. беморда ўткир операциядан кейинги сепсис гумон қилинган.

Диагнозни верификация қилиш учун қанақа текширишлар ўтказишингиз лозим?

ЎТКИР МАХСУС ХИРУРГИК ИНФЕКЦИЯ.

136

44 ёшдаги эркак эҳтиётсизлик натижасида очик қанализация кудуғига тушиб кетди ва ўнг болдир суякларининг пастки учлигида очик синиш руй берди. Жарроҳлик бўлимида жароҳатга бирламчи ишлов берилиб, суякнинг скелетли тортиши бажарилди ва жароҳатга тўлиқ чок кўйилди. Жароҳатланишдан кейин 2 суткада бемор эйфория бор, жароҳат соҳада оғриқ, боғлама соҳасида босим ошишига шикоят қила бошлади. 2 сутка мобайнида тана ҳарорати субфебрил.

Беморда қайси асоратни гумон қилдингиз? Гумон қилган асоратингизга қайси маҳаллий ўзгаришлар характерлидир?

137

Туман шифохонасига йўл транспорт ҳалокатидан кейин болдир суякларининг синиши ва оёқлардаги

йиртилган жароҳатларнинг тупроқ билан ифлосланган учта бемор келтирилди.

Сизнинг муолажаларингиз?

138

Травматология бўлимида даволанаётган беморда чап катта болдир суягининг ўрта учлигида очиқ синиш туфайли суяклар репозицияси ва орқа гипсли лангета билан иммобилизация қилингандан кейин 3 кунда жароҳат соҳада оғриқ пайдо бўлди. Врач томонидан кўрилганда газли гангренининг умумий ва маҳаллий белгилари аниқланди. Комплекс даволаш муолажалари билан биргаликда газли гангренага қарши зардоб юбориш тавсия қилинди.

Ким томонидан, қачон ва қандай дозада зардоб юборилади?

139

Профилактика мақсадида беморда гангренага қарши зардоб юборилгандан кейин беморда ваража, кўкрак қисилиши, қоринда қаттиқ оғриқ, қусиш, артерия қон босимининг тушиши, цианоз, совуқ тер билан қопланиш, эс-хушининг ёмонлашуви кузатилди.

Зардоб юборилгандан кейин қандай асорат юз берди? Сизнинг ҳаракатларингиз?

140

Хирургия бўлимида даволанаётган беморда ўнг сон мушакларининг эзилиши ва ифлосланган йиртилган жароҳатланишдан кейин 2-кунда газли гангренининг умумий ва маҳаллий белгилари пайдо бўлди. Комплекс даволаш муолажаларига гангренага қарши зардоб юбориш киритилган.

Зардобга синама ўтказишни қайси усулда бажарасиз ва натижаларни қандай баҳолайсиз?

141

Оёқларда, думба ва елка соҳасининг осколкалик кўплаб жароҳатланган харбий ҳизматчида даволаниш жараёнида анаэроб кластридиял инфекция белгилари пайдо бўлди.

Гангренага қарши зардобнинг даволанувчи дозаси тавсия қилинган. Зардобга тери ичи синамаси қуйилгандан 20 дақиқадан кейин билакдаги папула 1,4 см диаметрга етди.

Навбатчилик вақтида бу ҳолатдаги ҳаракатларингиз?

142

Хирургия бўлимига соннинг пастки учлигига тарқалган ўнг болдир газли гангрена си бўлган 69 ёшли бемор келтирилди. Беморнинг умумий аҳволи оғир. Интоксикация белгилар кучайган. Ҳаётий кўрсатмалар бўйича ўнг сон юқори учлигида жгут тагида ўнг оёқ ампутацияси бажарилди. Гемостаз қилинди. Бичилган лоскутлардан чўлтоқ тикилди.

Чўлтоқ чокларининг чеккаларидан резина ўтказгич билан дренаж боғлама қўйилган.

Операция бажаришганда хирурглар қандай хатоларга йўл қўйишган?

143

Бўлимга ўнг болдирнинг газли гангрена си билан бемор келиб тушди. Шошилиш даво тадбирлари тактикаси аниқланган.

Анаэроб клостридиал инфекциянинг контакт тарқалиш юқори эканлигини ҳисобга олган ҳолда, сиз бўлим мудури сифатида бўлимда санитар-эпидемиологик тартибни ташкиллаштиришингиз ва назорат қилишингиз лозим.

Бу тадбирни мазмуни нимада?

144

Бемор Ч., 25 ёшда, ўткир гангреноз аппендицит туфайли операция ўтказган. Операциядан кейин 3 суткада серозли, сўнгра серозли йирингли ажралма кузатилган. 5 суткада жароҳат қирраларининг кескин гиперемияси, проксимал қовурға ости соҳагача, ўнг сон юқори учлигигача аниқ чегарасиз тери ва тери ости ёғ қатламида қаттиқ шиш кузатилган. Чоклар олинган, жароҳат қирралари ажралган. Жароҳатдан кўнғир рангли, бадбуй хидли суюқлик ажралапти. Жароҳат соҳасида тери ости ёғ клетчаткаси ва фасциялар кулранг ифлос рангда.

Сизнинг тахминий ташҳисинингиз? Қанақ усулда верификация қилиш мумкин?

145

Клиникага туман шифохонасидан 7 кун аввал олинган жароҳатдан кейин пайдо бўлган ўнг сон флегмона си билан 25 ёшли бемор А., кўчирилди. Келиб тушишига қадар соннинг пастки учлиги ички юзасида резинали ўтказгич қолдирилган ҳолда бир неча бор тери ва тери

ости ёғ клетчаткасида катта бўлмаган кесимлар бажарилган.

Унг сон пастки учлигида олдинги ички юзасида 15x18x9 см ўлчамли йирингли некротик жароҳат бор. Кескин қўланса ҳидли серозли йирингли экссудат билан шимилган тери ва тери ости ёғ клетчаткаси некрози кузатилади. Соннинг ўрта учлиги ва болдирнинг юқори учлигигача терининг шиши ва гиперемияси аниқланади.

Сизнинг тахминий ташҳисингиз ва даволаш усулингиз?

146

Ер участкасида ишлов бериш вақтида олинган ўнг кафт соҳасида кичик жароҳатдан кейин 5 суткада тана ҳароратининг 38⁰С гача кўтарилиш, мушакларда оғриқ пайдо бўлиши, ютинишнинг оғизнинг ёпишнинг қийинлашуви, сардоник кулгу белгилари кузатилган.

Беморда қанақа асорат пайдо бўлган ва сизнинг ҳаракатларингиз?

147

Қабул бўлимига тез ёрдам машинасида шифохонадан ташқари абортдан кейин 3 суткада ёш аёл келтирилди. Қоринни пастки соҳаларидаги оғриқдан шикоят қилади. Аҳволи оғир. Тери юзаси оқимтир. Томир уриши 1 дақиқада 112 зарба. Қорин юмшоқ, пастки соҳалар оғрикли. Цёткин-Блюмберг белгиси гумонли.

Бемор қоқшолга қарши шошилинич профилактикага мухтожми?

148

Туман шифохонаси қабул бўлимига тез ёрдам машинасида туққан аёл ва чақалоқ келтирилди. 6 соат аввал уйда туғруқ рўй берган. Она ва чақалоқ аҳволи қониқарли.

Врач акушер-гинеколог сифатида аёл ва чақалоққа қоқшолга қарши шошилинич специфик профилактика ўтказасизми?

149

Бемор Р., 30 ёшда, шошилинич кўрсатмаларга кўра аппендектомия қилинган. Макроскопик гангреноз ўзгарган чувалчангсимон ўсимта олинган. Қорин ва кичик чаноқ бўшлиғи суюқликлардан қуритилган. Суюқлик бактериал экма ва микрофлоранинг антибиотикларга сезгирлигини аниқлаш учун олинган.

Жароҳат орқали чувалчанг ўсимта ётоғига полихлорвинил микроирригатор ўтказилган. Жароҳат қаватма-қават тикилган. Беморга жароҳат соҳасига муз, оғриксизлантирувчи дорилар, мушак орасига ва қорин бўшлиғига антибиотик қилиш ва юбориш тавсия қилинган.

Бу ҳолатда врач яна нима тавсия қилиш керак?

150

Поликлиникага хирург қабулига 4 соат аввал эҳтиётсизлигидан ўзига кастрюл тўла иссиқ сув қуйилиб кетган ошхона ишчиси мурожаат этди.

Ўнг сон олд ён юзасида тананинг 4-5% тўқималар шиши, ёрқин тери гиперемияси, тегинганда оғриқ аниқланади, пуфакчалар йўқ. Беморга мушак орасига анальгин билан димедрол эритмаси юборилган, куйган юзага фурацилин эритмали боғлама қўйилган. Қоқшолга қарши зудлик профилактикаси ўтказилмаган.

Бу ҳолатда хирург ҳаракати туғрими ва нима учун?

151

Хирург қабулига ўнг товон соҳадаги санчилган жароҳатли ўсмир келди. 2 соат аввал миخلي тахтачага босиб олган. Поликлиникада ўсмир ётган тўлиқ режали эмлаш курсини олганлиги тўғрисида тасдиқловчи хужжатлар бор. Товондаги боғлама тозаланиб, асептик боғлама қўйилган.

Қоқшолга қарши специфик профилактикани қандай ўтказиш лозим?

152

Хирургия бўлимига қориндаги оғриқлар билан 76 ёшли бемор келиб тушди. 16 соат олдин касаллик ўткир бошланган.

Аҳволи оғир. Томир уриши 1 дақиқада 116 марта. Тили қуруқ, караш билан қопланган. Қорни бироз дам, нафас олишда қатнашмайди, тахтасимоң кучланган, чап ён бош соҳада кўпроқ оғриқли ков усти ва чап ён канали соҳалар оғриқли. Щёткин-Блюмберг белгиси мусбат. Обзор рентгенограммада ичак пневмотози бор, диафрагма тагида эркин газ аниқланмайди. Бармоқли текширувда тўғри ичакда касаллик йўқ.

Зудлик лапаратомияда сигмасимон ичакнинг балиқ суяги билан перфорацияси, ичак қовузлоқларининг кенгайиши, Қорин бўшлиғида фибриноз-йирингли

суюқлик аниқланади. Сунъий орқа чиқарув тешиги ўрнатилган. Қорин бўшлиғи қуритилган, дренажланган. Эмлаш тўғрисида анамнези ноаниқ, эмлашга қарши кўрсатмалар бўлмаган.

Келтирилган ҳолатда қоқшолга қарши специфик профилактика керакми? Керак бўлса, сиз уни қандай ўтказасиз?

153

Сизнинг қабулингизга бош оғриғи, холсизликка шикоятлари билан аёл келди. 2 суткадан буён хаста.

Ўнг кафтнинг орқа юзасида тўқималар шиши фонида ичига тортган корамтир марказли ва кўп микдорда сероз ажралмали некротик яра бор. Яра атрофи яллиғланган, сероз суюқликли пуфакчалар гўлчамбардек жойлашган.

Сиз куйдирги карбункулини гумон қилдингиз. Сизнинг ҳаракатларингиз қандай бўлади?

154

Дам олиш куни шифохона қабул бўлимига 19 ёшли бемор 1,5 ҳафта илгари олган жароҳатини боғлашни илтимос қилиб келди. Тиббий ёрдамга мурожаат этмаган.

Анамнезида 1 ой олдин томоқ дифтериясини ўтказган.

Ўнг биллак ўрта учлиги кафт юзасида йирингли қараш ва пинцет билан олиниши кийин бўлган кулранг-сарик рангли парда билан қопланган 5х3 см ўлчамли кесилган-йиртилган жароҳат бор. Парада олинган жойларда жароҳат кирралари инфилтратлашган. Ўнг томонда қўлтиқ ости лимфа тугунлари катталашган.

Сиз жароҳат дифтериясини гумон қилдингиз. Қандай қилиб сиз ташҳисни тасдиқлайсиз? Сизнинг даволаш усулингиз?

СУРУНКАЛИ МАХСУС ХИРУРГИК ИНФЕКЦИЯ.

155

Хирургия бўлимига 39 ёшли бемор қисилган ўнг томонлама сон чурраси шубҳаси билан келиб тушди. Бемор анамнезида ўпка сили бўлган. Кўздан кечирилганда ўнг чов бурмаси остида соннинг олдинги ички юзасида 3х6 см ўлчамда қаттиқ эластик консистенцияли, фиксацияланган оғриқсиз ўсма хосиласи аниқланди. Устидаги тери ўзгармаган. Бемор 4 суткадан бери касал.

Сизнинг тахминий ташҳисингиз? Уни аниқлаш учун қандай текширувлар ўтказасиз?

156

Касалхона қабул бўлимига енгил шикастланишдан (кароватдан йиқилган) 40 дақиқадан сўнг бемор умуртқа поғонасининг кўкрак соасида оғриққа шикоят билан ётқизилди. Анамнезида ўпка сили бўлган. Рентгенограммада VIII - IX кўкрак умуртқасининг компрессион синишига шубҳа бор.

Беморда қандай паталогик жараён юз бериши мумкин?

157

Участка врачига 80 ёшли аёл бўйнининг чап томонидаги оғриғига шикоят билан келди. 2 ҳафтадан бери касал. 30 йил олдин инсульт ўтказган. Ўнг томонда гемипарези бор. Бир йил олдин бемор ўзида чап жағ ости соҳаси кейинчалик бўйинда доимо катгалашиб турадиган қаттиқ тугунларни аниқлаган. 2 ҳафта олдин жағ ости соҳасида кам миқдорда йирингли сарғиш - кул рангли ажралмали оқма очилган. Атрофдаги тери ўзгармаган.

Сизнинг ташҳисингиз? Уни тасдиқлаш учун сиз қандай қўшимча текшириш ўтказасиз?

158

Поликлиникага, хирург қабулига бемор чаноқ сон буғимидаги оғриқ, тизза ости чуқурчасида ўсмасимон хосила борлигига шикоят қилди. Кўздан кечирилганда ўнг сон мушак атрофияси, мусбат Александров симптоми, ўнг тизза ости чуқурчасидаги ўсмасимон хосила соҳасида флюктуация белгиси аниқланади. Хирург ўсмасимон хосилани пункция қилиб, йиринг ажратиб олади.

Хирург қандай хатога йўл қўйди? Қанақа қўшимча текширишлар ўтказиш зарур эди?

159

Касалхона қабул бўлимига ўнг сон соҳасидаги оғриқ билан келган беморда пальпацияда қаттиқ оғриқ аниқланади. Анамнездан ўпка сили бўлган. Кўздан кечирилганда сон мушаклари атрофияси, мусбат Александров симптоми, ўнг сон чаноқ буғимида ҳаракат чекланганиши мавжуд. Рентгенограммада остеопороз жараёни ва сон суягининг юқори учлигида

суяк фракциясининг бўйлама бўйича 3-4 см силжишли синиши аниқланди.

Сизнинг ташҳисингиз? Беморга қанақа ёрдам кўрсатасиз?

160

Врачга ютиш пайтида оғриқ билан шикоят қилган беморни кўздан кечирганда жағ остининг чап томонида думбоқсимон, 10х15см ўлчамли инфилтрат аниқланади. Устидаги териси кўкимтир рангда. Тана температураси 36,7°C.

Сизнинг тахминий ташҳисингиз?

161

Хирургия стационарига қорин соҳасидаги оғриқ билан келтирилган бемор кўздан кечирилганда ўнг ёнбош соҳасида тахтасимон қаттиқликдаги 10х12 см ўлчамда думбоқсимон, ҳаракатсиз инфилтрат аниқланади. Перитонеал симптомлар манфий. Тана температураси 36,6°C. 14-16 кундан бери касал.

Беморда қанақа касалликни гумон қиласиз? Қандай текширишлар ўтказасиз?

162

Поликлиника хирургии қабулига 26 ёшли аёл мурожаат қилиб, тизза соҳасида асосан кечаси оғриқ бўлишига шикоят қилади. Эрга тегмаган. Тартибсиз ҳаёт кечиради. Тизза жароҳатсиз. Ўзини 2,5-3 ойдан бери касал деб ҳисоблайди. Кўздан кечирганда катта болдир суяги соҳасида оғриқли, юмшоқ, конситенцияли думбоқ аниқланади.

Сизнинг тахминий ташҳисингиз? Қандай қўшимча текширишлар белгилайсиз?

НЕКРОЗЛАР. ГАНГРЕНАЛАР. ЯРА ВА ОҚМАЛАР.

163

Бемор К., 40 ёшда, хилқилловчи аритмияси бор. Беморда бирданига чап болдир ва товон соҳасида оғриқ пайди бўлган. Товон ва болдирнинг пастки учлиги рангсиз, пайпасланганда совуқ, болдир пайпасланганда оғриқли, болдир товон бугимида актив ҳаракат йўқ. Товонда тактил сезги пасайган. Сон артериясида пульс қониқарли, қолган артерияларда аниқланмайди.

Сизнинг ташҳисингиз ва даволаш усулингиз?

164

Гинекология бўлимида ётган беморда бачадон экстрипациясидан 11 кун кейин чап оёқда кучли оғриқ бошланди.

Товон, болдир ва сонда шиш бор. Оёқ панжалари иссиқ, ҳаракат ва сезгирлик сақланган.

Беморга нима бўлган? Уни қандай йўл билан даволаш керак?

165

36 ёшли бемор А., да оқсоқлик бошланди: ҳар 400-500 м юрганда беморнинг болдир мушагида оғриқ пайдо бўлганлиги сабабли тўхтаб дам олишга мажбур. Госпитализациядан олдин бу масофа 100м га қисқарди, оёқ панжасини 1-бармоғида оғриқ ва чуқур некротик язва ҳосил бўлган. Болдир териси мармар рангда, оёқ панжасини дистал томони кўкиш рангда, пайпаслаганда совуқ. Тирноқ пластинкалари рангсиз, мурт, тизза ости артерияларида пульс сусайган, товон артериясида пульс йўқ.

Беморда қандай касаллик ва уни қандай даволайсиз?

166

Бемор Р., 60 ёш, 1,5-2 йил давомида ўзида дам олувчи оқсоқлик кузатди, 2-3 ой мобайнида болдир мушакда ҳар 50 м юрганда оғриқ бўлади. Унг оёқ совуқ, кўздан кечирганда унг оёқ ва болдирни пастки учлиги рангсиз, чап томонга қараганда совуқроқ.

Унг оёғида а. dorsalis pedis, а. tibialis posterior, а. poplitea ва а. femoralisлар пайпасланганда пульс йўқ, а. femoralisда кучсиз, фонендоскоп орқали систолик шовқин эшитилади. Умумий аҳволи қониқарли.

Сизнинг ташҳисингиз ва даволаш усулингиз?

167

Она концентрланган азот кислота ёрдамида қизининг бармоғини кафт соҳаси юзасида сугални йўқ қилмоқчи бўлди. Бундан кейин бармоқда 1см диаметр ўлчамли яра ҳосил бўлди.

Беморга қандай даво усули кўрсатилаган?

168

Беморга 2 йил аввал ошқозон резекцияси ўтказилган ва гастродуоденал анастимоз қуйилган. Беморни бир йил мобайнида эпигастрал соҳасидаги оғриқ, ачиқ кекириш,

кўнгил айтиш, қушиш безовта қилади. Ориқлаш кузатилган.

Сизнинг тахминий ташҳисингиз? Ташҳисни аниқлаш учун сиз қандай махсус текширувлар ўтказасиз?

169

Оёқ веналарини варикоз кенгайтиши безовта қилган беморда 2 йил олдин ўнг болдир пастки учлигини ички юзасида яра пайдо бўлди.

Яра кўздан кечирилганда юмалоқ шаклда, 5см диаметрга эга, қирралари тумтоқ. Яра туби грануляция ва кулранг йирингли қараш билан қопланган. Яра атрофида жигар рангдаги пигментация кузатилади.

Сизнинг даволаш усулингиз?

170

40 ёшли бемор В., чаноқ суягини синишидан 1,5 суткадан сўнг хансираш, цианоз, тахикардия, ҳушини йўқолиш кузатилган. Тана ҳарорати 40°C гача кўтарилган. Рентгеналогик текширувда ўпкада майда қоронғилашув ўчоқлари аниқланади.

Қандай асоратлар ҳақида уйлаш мумкин? Қандай даволаш муоллажасини ўтказиш зарур?

171

Стационарга 76 ёшли бемор, чап оёқ панжа соҳасида кучли оғриққа шикоят қилиб келди. 10 кундан буён касал. Тиббий ёрдам олмаган. Аҳволи оғир, карахт. Пульс 1дақиқада 116 зарба, кучсиз тўлиқликда. АҚБ 110/60 мм см уст. Олигаурия. Тана ҳарорати 39°C . Чап оёқ панжа ва болдири шишган, рангсиз, кундаланг йўналишда ингичка чизиқли гиперемия кузатилди. Бармоқлар ва оёқ панжалари дистал соҳаси кир - кулранг рангда. Оёқ панжа орқасида суюқликли фликтеналар кузатилади. Фликтена ёрилган жойда намланган юзадан бадбуй ҳид келади.

Сизнинг ташҳисингиз ва даволаш усулингиз?

172

70 ёшли беморда сигмасимон ичак ўсмаси перфорацияси натижасидаги перитонит сабабли сунъий йўғон ичак оқмаси қўйилган. Бемор 4 кундан кейин думғаза соҳасидаги оғриқдан шикоят қила бошлади. Бемор адинамик, кароватда ҳаракатсиз ётибди. Кўздан кечирганда думғаза соҳасида аниқ, чегарасиз, локал венос гиперемия кузатилди.

Қандай асорат ҳақида ўйлаш мумкин? Қанақа профилактик муолажа ўтказиш лозим?

ХИРУРГИК ОПЕРАЦИЯЛАР.

173

Хирургия бўлимига 80 ёшли беморни олиб келишди. Навбатчи хирург беморни кўздан кечириб, ўнг томонлами сон чуррасининг қисилиши ташҳисини қўйиб, беморга операция таклиф қилди. Бемор касалликнинг ўтиб кетишини рукач қилиб, операцияга рози бўлмади.

Бу ҳолатда хирург қандай чора кўриши керак?

174

Хирургия бўлимига ётқизилган 13 ёшли бола 12 соатдан буён давом этаётган қорнидаги оғриққа, оғиз кўришига, қакшашга шикоят қилади. Бола хона врачлари томонидан курилиб, ўткир аппендицит диагнози қўйилди. Таклиф қилинган операцияга бемор рози бўлди, у ҳақида ота-онага хабар берилди ва хирург операцияга тайёргарлик кўра бошлади.

Юридик томондан хирургнинг ҳатти-ҳаракати тўғрими?

175

Нейрохирургия бўлимига ҳушсиз аҳволда оғир ёпиқ бош мия жароҳати, ўнг энса суягининг синиши, бош мия гематомаси, мия эзилиши диагнози билан бемор ётқизилди. Навбатчи хирург кўриб, зудлик билан беморни операцияга тайёрлаш зарурлигини ўқтирди.

Хирург беморнинг операцияга розилигини қандай қилиб олиш зарур?

176

52 ёшли аёл хирургия бўлимига 12 соатдан буён давом этаётган ўнг ёнбош соҳадаги оғриқлар билан ётқизилди. Навбатчи хирург кўригидан сўнг ўткир аппендицит диагнози қўйилди. Беморга операция таклиф этилди ва бемор операция маҳаллий оғриқсизлантириш йўли билан қилингандагина рози эканлигини айтди.

Бу ҳолатда хирург қандай йўл тутиши керак?

177

49 ёшли, А. исмли бемор Сурункали калькулез холециститнинг тез-тез хуружи ва эпигастрал соҳадаги

оғриқлар билан операцияга тайёрланди. Аммо операция кунни эрталаб бемор уни палата врачлари операция қилишини эшитиб, операцияни ундан ташқари бошқа хирург қилишини талаб қилади. Бунинг сабабини кўрилган ёмон туш билан боғлайди.

Сиз бўлим бошлиғи вазифасини бажарувчи лавозимида ишлаб келаятсиз. Бу ҳолат нима қилиш керак?

178

Хирург, 36 ёшли тўғирланадиган орттирилган киндик чурраси билан оғриган беморни операция қила туриб, бемордан розилик олмасдан киндигини олиб ташлади.

Хирургнинг хатти-ҳаракати тўғрими?

179

Бўлимга 76 ёшли бемор қориндаги хуржсимон оғриқлар, 2 кундан буён ахлат бўлмаслиги ва бод чиқмаслиги шикоятлари билан ётиқизилди. Ўткир ичак тутилиши диагнози қўйилди.

Операция давомида ичак тутилишининг сабаби тўғри ичак юқори ампула қисмидан ўсиб чиқиб, тос клетчаткасига ўсувчи ўсма аниқланди. Сунъий орқа чиқарув тешиги (anus praether naturalis) қўйилди. Аммо операциянинг бундай тури ва мумкинлиги ҳақида беморга айтилмаган эди.

Хирургининг хатти-ҳаракатлари тўғрими?

180

49 ёшда, В. исмли бемор клиникага эпигастрал соҳадаги доимий оғриқларга, иштаҳа йўқлигига, гўштли овқатлардан жирканишга, камқувватликка шикоят қилиб келди. Эндоскопик текширув натижасида меъданинг кичик эгрилиги бўйлаб унинг юқориги учлигида 2 см диаметри каллез яра аниқланди. Яра туби некрозга учраб, ундан олинган биопсияда рак хужайралари топилган. Қўшимча текширишларда метастазлар топилмаган.

Сизнинг даволаш усулингиз? Беморга унинг ҳақиқий диагнози айтиш керакми?

181

Қабул бўлимига 52 ёшли бемор умумий ҳолсизликка, эпигастрал соҳадаги оғриқларга шикоят қилиб келди. Охириги 3 кундан буён ахлати қора рангда бўлган. 10

йилдан буён ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги билан оғрийди.

Беморга нима қилган? Беморга қанақа санитар ишлов бериш зарур, уни қандай транспортировка қилиш ва диагностик муоллажаларни олиб бориш керак?

182

Н. исмли, 26 ёшли бемор хирургия бўлимига Ўткир аппендицит диагнози билан ётқизилди. 1,5 соат олдин овқат еган. 1 кун олдин ахлат бўлган. Аппендицит шубҳасиз. Шошилинич операция кўрсатилган.

Сиз операцияга меъда-ичак трактини қандай тайёрлайсиз?

183

Клиникага 86 ёшли бемор қориндаги кучли оғриқлар билан ётқизилган. Ориқлар 1 кун олдин бехосдан, “ханжарсимон” бошланган. 20 йилдан буён гастрит ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги билан оғрийди.

Кўрик вақтида қорин тахтасимон қаттиклашган, нафас олишда иштирок этмайди, барча соҳалари оғриқли. Щеткин-Блюмберг синамаси мусбат. Перистальтика эшитилмайди.

Обзор рентгенограммада эркин газ диафрагма тагида аниқланмайди.

Беморга нима бўлган? Сизнинг тахминингизни рентгено-грамма хал қила оладими? Ташҳисингизни қандай қилиб асослаш мумкин?

184

Қабул бўлимига тез ёрдам машинасида чап қовурға ёйи остидан тешиб кировчи жароҳат билан 18 ёшли бемор олиб келинди. Кўрик пайтида тери ранги оқ, қорачиқ кенгайган, пульс - 116 марта 1 дақиқада, АКБ - - 80/60 мм.сим.уст. тенг. Жароҳатдан қон сизиб турибди. Қориннинг айрим соҳаларида перкутор товуш тумтоқланган.

Сизнинг ташҳисингиз ва хатти-ҳаракатингиз?

185

75 ёшли, М. исмли бемор ўткир аппендицит билан наркоз остида олиб борилган операциядан 15 дақиқадан кейин кўкара бошлади. Нафас олиши камайди.

Операциядан кейинги даврда беморда қандай асорат кузатилди? Сизнинг хатти-ҳаракатингиз?

186

45 ёшли, У. исмли бемор кўкрак қафасини тешиб ўтиб, ўнг ўпкани жароҳатланиши туфайли операцияни бошидан кечирди ва 1 кун охирига келиб нафас етишмовчилиги белгилари пайдо бўла бошлади. Ўтирган ҳолатда кўкрак қафасини пастки соҳаларида перкутор товуш тумтоқ, нафас бу соҳаларда эшитилмайди.

*Бу асоратга Сизда қандай гумон туғилди?
Сизнинг хатти-ҳаракатингиз?*

187

58 ёшли, Л. исмли беморга яра касаллиги билан меъданинг 2/3 қисми Гофмейстер-Финстерер бўйича резекция қилинди. Операциядан 18 соатдан кейин беморнинг аҳволи ёмонлашди, эпигастрал соҳадаги оғриқлар кучайди, қорни дамлаб, ҳиқичок пайдо бўлди, нафас олиши оғирлашди. Аускультатив перистальтик шовқин кам миқдорда эшитилади.

Беморда қандай асорат ривожланди. Сизнинг хатти-ҳаракатингиз?

188

70 ёшли С. исмли бемор ўнг томонлама қисилган чов чурра диагнози билан операцияни бошидан кечирди. Операциядан 20 соат вақт ўтди. Бемор ўзи сия олмаяпти.

Беморда қандай асорат кузатилди. Сиз қандай ёрдам бера оласиз?

189

Н. исмли, 59 ёшли беморда бачадон экстирпациясидан 7 кун кейин беҳосдан нафас қисиши, юз ва елка камарининг кўкариши, тўш ортида оғриқлар пайдо бўлди. Бемор хушидан кетди. Нафас олиши тезлашган ва юзаки.

Беморда қандай асорат кузатилди. Сизнинг хулосангиз?

190

Кўрик вақтида, 5 кун олдин беморга йирингли эндометрит диагнози билан (криминал абортдан сўнгги) бачадоннинг қин усти ампутацияси операция бажарилган. Сиз боғламанинг охирги 6 соат ичида нам бўлганлигини кузатдингиз. Беморнинг умумий аҳволи оғир, қорни бир оз дам, операцион жароҳат соҳаси

оғриқли. Жароҳат бўйлаб чоклар орасидан геморрагик ажралма мавжуд.

Операциядан кейинги қанақа асорат тўғрисида фикр юритиш мумкин? Сизнинг хатти-ҳаракатингиз?

191

Ш. исмли, 63 ёшли беморга йўғон ичакнинг саратони сабабли йўғон ичак ректосигмоидал қисмининг резекцияси операцияси бажарилган. Учма-уч анастомози қўйилган. Операциядан 10 кун кейин 25 см узунликда ингичка ичакнинг жароҳат орқали эвентерацияси рўй берди.

Сизнинг усулингиз?

ПЛАСТИК ХИРУРГИЯ ВА ТРАНСПЛАНТОЛОГИЯ.

192

Воқеа содир бўлган жойга етиб келиб, сиз жабрланувчининг қўли станокда қолиб, билакнинг ўрта учлигидан травматик ампутация бўлганини кўрдингиз. У иккинчи қўли билан шикастланган қўлнинг чўлтоғини ушлаб турибди. Жароҳатдан қон кетмоқда.

Сизнинг хатти-ҳаракатингиз?

193

Хирургия бўлимига бемор автохалокатдан кейин олиб келинган.

Ўнг сони юқори учлигидан ёзилган. Товон, болдир соҳалари оқарган, пайпаслаганда совуқ. Бемор операцияга олинди ва сон артериясининг 12 см узунликда эзилганлиги аниқланди.

Қон айланишини тиклаш учун Сиз қандай ҳаракат қиласиз?

194

Шикастланган беморнинг ўнг панжа 2-5 бармоқлари 4 даражали совуқ урганлиги сабабли ампутация бажарилган. У сизга заралланган қўлининг функциясини тиклаш мақсадида нималар қилиш мумкинлигини сўраб муурожаат қилди.

Беморга Сиз қандай ёрдам беришингиз мумкин?

195

Жабрланган кишининг панжаси иссиқ пресс тагида қолиб, чуқур кўйиш натижасида пайлар ва суяк очилиб қолди.

Панжа функциясини сақлаб қолиш мақсадида Сиз қандай пластикадан фойдаланасиз?

196

Беморда сон артериясининг ўрта сегментида атеросклеротик окклюзия мавжуд. Ташҳис контраст ангиография ёрдамида аниқланган.

Даволаш учун қайси оператив усулни тавсия этасиз?

197

Чуқур массив куйган беморнинг умумий аҳволи беҳосдан оғирлашди. Куйиш натижасида бемор жуда ориқлаб кетди. Беморга интенсив инфузион терапия, парентерал даволаш олиб борилаяпти, аммо беморнинг аҳволи аутодермопластикани кўтара олмайди.

Бу ҳолатда Сиз нима қиласиз?

198

Апластик камқонлик билан хасталанган беморга суяк илигини трансплантация қилиш операцияси бажарилган.

Трансплантантнинг кўчмаслиги учун Сиз қандай чора-тадбирлар қўллайсиз?

199

Қалқонсимон без экстирпацияси бажарилган беморда операциядан кейинги даврда оёқ-қўлларида қалтирашлар, юз мушакларининг тортилиши кузатилди.

Сизнинг даволаш усулингиз?

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛАЛАР ЖАВОБЛАРИ

ХИРУРГИЯ ТАРИХИ. АНТИСЕПТИКА. АССЕПТИКА. ДЕСМУРГИЯ.

1

Жароҳат атрофидаги сочни кенгроқ қилиб олиш керак, йод суртилиб, антисептик билан ювилади ва стерил салфетка қўйилиб, Гиппократ қалпоғи боғламаси қўйилади. Қоқшолга қарши зардоб юборилади.

2

Қулоққа қўйиладиган иситувчи компресс қўйидагича қўйилади: марли 6-8 қават тахланади, ўртаси қулоққа лойиқ кесиб олинади ва сувли спиртга (1:1) ҳўлланиб, қулоққа қўйилади. Устидан плёнка, пахта қўйиб боғланади.

3

Кўзга 5% новокаин томизилади, анальгин таблеткаси истеъмол қилинади, ва чап кўз салфетка билан беркитилиб, монокуляр боғлама қўйилади.

4

Болага боғлама қаттиқ қисиб қўйилган. Боғлама бўшатилиб, қайтадан қўйилиши лозим.

5

Боғлама қўйилган жойдан узокроқ ёки қарама-қарши томондан кесиб олинади. Кўрилиб, ёпишиб, қолган боғлама водород пероксиди эритмаси билан намлангандан кейин осон олинади.

6

Боғлама мустаҳкамлаб боғланганда, тугун жароҳат устига тушмаслиги керак.

7

Кўрсатилган ҳолатда болдирнинг пастки қисмига, айланма боғлама қўйилади.

8

Боғлашни қўйилиш бошида материални ушлаб туриш учун силжувчи боғлама, кейин спиралсимон боғлама бинт буклаш билан қўйилади.

9

Боғлов материални энса соҳасида мустаҳкамлаш учун крестсимон боғлама қўйилиб, бўйин қисилмаслиги учун олд қисмига пахта қўйилади.

10

Нафас чиқазилган пайтда, шошилинич окклюзион боғлама қўйилади. Бунинг учун жароҳат атрофига йод суртилиб, жароҳат стерил солфетка билан беркитилиб, лейкопластир ёпиштирилади. Беморга оғриқ қолдирувчи дори қилинади ва хирургик стационарига юборилади.

11

Тирсак буғимига қўл ярим букланган ҳолатда тошбақасимон боғлама қўйилади, ёки эластик биинт билан мустаҳкамланади.

12

Чакка соҳасидаги қон оқиб турган жароҳатга тугунли боғлама қўйилади. Елка буғими соҳасидаги боғлаш материални ушлаш учун бошоқсимон боғлама қўйилади.

13

Куйган кафтга фурацилин билан намланган салфетка қўйилиб қайталанувчи боғлама билан мустаҳкамланади.

ҚОН ОҚИШ.

14

Қон оқишни вақтинча тўхтатиш учун, ўнг болдирга босиб турувчи айланма ёки спирал боғлама қўйилади.

15

Тезда елка ёки қўлтиқ ости артерияси босилиб, кейин Эсмарх жгути ёки қўл ости импровизацияли жгут қўйилади. Жароҳат стерил салфетка билан боғланади.

16

Оптималь тактика бўлиб, бу ҳолатда кесилган қон томирни шунглаш керак. Тез тайёра орқали мутахасес ангиохирургик чақирилади.

17

Беморда шок, талоқ ёрилиши ва ички қон кетиш гумон қилинади. Қорин бўшлиғида ҳаво борлигини аниқлаш учун беморга ярим ўтирган ҳолатда қорин бўшлиғи рентгенографияси қилинади. Тезда хирургия бўлимига шошилинич операция учун олиб келинади.

18

Беморда VIII-X қобирғаларнинг ўнг томонида синиши бор, гемоторакс билан асоратланган. Қон кетиш манбаи бўлиб, қовирғалараро қон томир ёки ўпка жароҳатланган ҳисобланади. Бемор тезда хирургия бўлимига олиб келиниб,

диагностик плеврал пункция қилинади. Гемостатик терапия белгиланиб, динамикада кузатилади.

19

Беморб меъдадан ўткир қон кетиш бўлиши мумкин. Тезда стационарга олиб келиниб, периферик қон таҳлили қилинади.

20

Беморда эрта операциядан кейинги даврда иккиламчи қон кетиш кузатилган. Бемор операция хонасига олиниб, жароҳат тафтиш қилиниб, қон кетиш тўхтатилади.

21

Шикастланган беморда ўнг болдирда тери ости гемотомаси бор. Босувчи боғлама қўйилади, ва иммобилизация бажарилади.

22

Беморда чап тизза бугими гемартрози бор. Пункция қилиниб, босувчи боғлама қўйилади ва иммобилизация бажарилади.

23

Батамом қон тўхтатиш учун жигар жароҳати П-симон чок билан чарви тортилиб тикилади. Қорин бўшлиғидаги қон саккиз қаваг докадан филтрация қилиниб, консервант қўшилиб беморга қайтадан қўйилади.

ҚОН ҚУЙИШ.

24

Донор ва реципиент қони антиген номослик натижасида юзага келиш мумкин бўлган пострасфузион асоратлар олдини олиш мақсадида гемотрасфузияда қуйидагиларни бажариш зарур:

А) Донор ва реципиент қони гуруҳини аниқлаш.

Б) Донор ва реципиент қони резусини аниқлаш.

В) Донор ва реципиент қони гуруҳ мослигига (АВО системаси) синама ўтказиш.

Г) Донор ва реципиент қони резус мослигига синама ўтказиш.

Д) Биологик синама ўтказиш.

25

Қон гуруҳини аниқлашдан олдин варақага шахснинг фамилияси ва исми шарифи ёки донор қони бўлса, флакон номери ёзиб қўйилади.

26

Беморда цитрат натрий билан консервацияланган қонни кун ва тез қуйиш натижасида юзага келадиган цитрат интоксикация хақида гумон қилиш мумкин. Секин қуйилган пайтда бу ҳолат кузатилмайди. Цитрат интоксикациясининг профилактикаси қонни томчилаб қуйишдир. Шунингдек 500 мл цитрат қон ҳисобида 5мл 10% ли кальций хлор вена ичига юборилади. Даволаш симптоматик.

27

Биологик синама «Қон ва унинг кимпонентларини қуйиш инструкцияси» бўйича ўтказилган. Бемор ҳолатидаги ўзгаришлар текширилаётган ва реципиент қони ўртасидаги индивидуал биологик номослик борлигини кўрстади.

Қон қуйиш тезликда системани қисиш йўли билан тўхтатиб, игнадан ажратилиб бошқа система тузли эритма уланади, кальций хлор, адриналин, юрак препаратлари юборилади.

28

Хирургик операция пайтида бемор наркоз остида бўлганда биологик синама ўтказилса пульс ва қон босими ўзгариши нафақат қон қуйиш, балки оператив муолажа, қон йўқотиш, дори-дармон ва наркозга ҳам боғлиқ бўлади. Шу сабабли 100 мл қон қуйилгандан кейин қуруқ тоза бир неча томчи гепаринли пробиркага 5 мл венадан қон олиниб центрифугага қуйилади. Агар плазмаси қизғиш рангда бўлса (шунингдек пульс тезлашиб қон босим тушса) гемолиз белгисидир ва номос қон қуйилганлигини кўрсатади.

29

Йиғилган қонни реинфузия қилиш керак. Қуйишдан олдин қоннинг массив микробли ифлосланганлиги ва гемолиз йўқлигини аниқлаш керак. Кўринмас гемолизни Гемпел синамаси (Қон порциясини центрифугаланганда плазмаси қизғиш рангга кирмаслиги керак) билан аниқланади.

Жароҳат ва сероз бўшлиқларига оққан ва 12 соатдан ошмаган қонни реинфузия қилиш мумкин. Йиғилган қонни саккиз қават дока орқали филтрланади. Стобилизатор сифатида стандарт гемоконсервант ёки гепарин ишлатилади. Йиғилган қонни трансфузиядан олдин натрий хлорнинг изотоник эритмаси билан 1:1 нисбатда суюлтирилади ва 1000 ЕД гепарин 1000 мл ҳисобида қонга қуйилади.

30

Ҳар бир гемотрансфузия тиббий ёзилади. Бошида гемотрансфузияга кўрсатма, сана, бошлаш вақти, кейин куйиш усули, сўнгида флакон этикеткасида кўрсатилган маълумотлар: гуруҳ, серия номери, тайёрланган вақти, донор Ф.И.Ш. ёзилади. Шундан кейин донор ва реципиент қон гуруҳини аниқлаш, гуруҳли, резус – мослик ва биологик синама натижалари ёзилади. Охирида беморнинг қон куйиш ва куйишдан кейинги пайтдаги аҳволи кўрсатилади. Бундан ташқари 3 мартаба ҳар соат тана ҳарорати, пульс ва қон босими ўлчаб турилади. Бир суткадан кейин қон умумий анализи ва сийдикни оқсилга текшириш керак. Сийдикда оқсил пайдо бўлиши номос қон куйилганидан дарак беради.

31

Беморда гемотрансфузион шокнинг II даражаси.

Шошинч равишда:

1. Юрак томир, спазмолитик ва антигистамин препаратлари, кортикостероидлар юбориш, намланган кислород ингаляциясини йўлга қўйиш.

2. Реополиглюкин, гемодез, 5% ли натрий гидрокарбонат, 10-20%ли альбумин эритмаси, натрий хлорнинг изотоник эритмасини қўйиш.

3. Фуросемид юбориш, 10-20% маннитол эритмасини қўйиш.

4. Икки томонлама паранефрал блокада Вишневский бўйича қилиш.

Кейинчалик қон алмаштириш керак бўлиши мумкин.

32

Қарши кўрсатма (хафоқонлик касаллиги III даражали) борлигига қарамай айни ҳолатда ҳаётини кўрсатма бўйича гемотрансфузия ўтказиш керак.

33

Беморда бошқа қон гуруҳи қуйилиши сабабли ўткир буйрак етишмовчилиги синдроми юзага келди. Унга суюқлик меъёрини камайтириш, тузсиз оқсилли кам овқат буюриш, вена ичига 10% ли глюкоза эритмаси (400 – 600 мл) иенсулин билан бирга, натрий бикорбонат эритмаси, анаболик гормонлар, витаминлар, кальций хлорид юбориш керак.

ЮШМОҚ, ТЎҚИМАЛАР ШИКАСТИ.
БОШ, КЎКРАК, ҚОРИН ЁПИҚ ШИКАСТЛАРИ.

34

Бармоқда синиш ёки чиқиш йўқлигига ишонч хосил қилгандан кейин, бармоқни хлор+этил эритмаси билан, бўлмаса совуқ сув ёки муз билан қарахт қилинади. Оғрик пасайиб бармоқда ҳаракат тиклангандан кейин, боғлама қўйиш ҳақида фикр юритилади. Жароҳат ёки шилиниш бўлмаса, боғлама қўйилмайди. Кейинчалик бемор хирург томонидан кўрилиши керак.

35

Беморда ёпиқ бошмия шикастланиши, бошмия чайқалиши. Болага тинч ҳолат ташкил қилиниб, бошига совуқ салфетка ёки пакет қўйиш керак ва замбилда шифохонага олиб бориш керак.

36

Беморда оғир бошмия шикасти, бошмия босилиши, бемор нотранспортабел. Шифохонага шошилинич операция бригадасини чақиртириш керак. Бунгача эса дегидрацион терапия (40% глюкоза эритмаси, лазикс) ўтказиш керак. Бошига совуқ қўйиб, ўпканинг суний вентилляцияси аппаратини тайёрлаб қўйиш керак.

37

Беморда бош асоси синиши ҳақида ўйлаш керак. Тезликда хирург чақиртириш керак. У келгунича қон умумий анализи, сийдик катетер билан олиниши, бошни Рентгенография қилдириш керак. Эшитиш йўлини тампонада қилиш мумкин эмас, бу бош ичи босимини ошириш мумкин. Фақат антисептикли турунда билан дренажлаш мумкин.

38

Беморда, спонтан пневмоторак ҳақида ўйлаш мумкин. Беморга оғриқсизлантирувчи ва укол қилиб, кислород бериб, носилкада бош юқори кўтарилиб шифохонага транспортировка қилиш керак.

39

Жабрланганни секин замбилга ётқизиб шифохонага транспортировка қилиш, ва рация орқали навбатчи хирург ва реаниматологни огоҳлантириш керак. Пичоқни жароҳатдан чиқармаслик керак, сабаб қон кетиш кучайиш мумкин.

Транспортировка пайтида, жабрланганга қон томирга қон ўрнини босувчи ва оғриқсизлантириш дори-дармонлар юбориш лозим.

40

Жабрланувчида қориннинг тешиб ўтувчи санчилган жароҳати. Уни ётқизиб оғриқсизлантирувчи юбориш керак. Бу ерда диагноз аниқ бўлмаганлиги учун, жароҳатдан чиққан чарвини ичкарига киритиш мумкин эмас, бу қорин бўшлиғини ифлосланишини оширади. Жароҳат атрофини йод билан артилиб, асептик боғлама қўйилади ва тезликда туман шифохонасига жабрланувчини транспортировка қилиш керак.

41

Жабрланувчида ўткир перитонитнинг клиник белгилари. Сабаби ковак аъзонинг ёрилиши натижасида. Текширишда жигар тумтоқлиги йўқолмаган бўлса ҳам, рентгенологик текширишда қорин бўшлиғида эркин газ топилмаган бўлса ҳам, ковак аъзонинг шикастланишини инкор қилиб бўлмайди. Шу сабабли беморни, туман шифохонасига тезликда транспортировка қилиш керак.

42

Беморда сийдик пуфагининг интраперитонеал ёрилиши сабабли, ўткир тарқалган сийдикли перитони ҳақида ўйлаш мумкин. Диагнозни верификация қилишда энг осон усул – ретроград цистографиядир. Бунда контраст модданинг қорин бўшлиғига оқиш аниқланади. Сийдик пуфагини катетеризация қилиш ҳам катта диагностик аҳамиятга эга, бундан сийдик пуфагидан жуда кам миқдорда сийдик чиқади.

43

Жабрланувчида ўнг буйракнинг ёрилишини, XII кўкрак умуртқасининг компрессион синиши, ўрта даражали шок ҳақида ўйлаш мумкин. Беморга икки проекцияда бел кўкрак умуртқаси соҳасини рентгенография қилиш, экскреторурография ва ультратовуш текшириш қилиш керак.

Шуни эста тутиш керак-ки, гематурия буйрак оёқчаси узилганда ёки сийдик йўли қон лахтаси билан ёпилганда кузатилмайди.

ЖАРОҲАТЛАР.

44

Тишланган жароҳатлар тикилмайдилар. Жароҳат туалетини ўтказиш лозим, жароҳат атрофидаги терига йодли антисептиклар билан ишлов берилиб асептик боғлам қўйилади. Бундан ташқари, беморга олдини олувчи (профилактик) қутуришга қарши (антирабик) ва қоқшолга қарши эмлаш ўтказиш керак.

45

Беморда операциядан кейинги жароҳатни йиринглаши гумон қилинмоқда. Лоқал қизариш, шиш, димланиш, инфилтрат ёки юмшаш белгилари мавжуд бўлган ҳолда чоклар орасидан жароҳатни зондлаш ўтказиш керак. Йиринг борлиги аниқланса чоклар шу захотида ечилиниши лозим, жароҳат деворлари ажратилади. Бундан сўнг жароҳат синчикланиб тозаланади ва гипертоник эритмага шимилган турундалар ёки сувда эрувчи малҳамли турундалар билан дренажланади.

46

Оғриқсизлантириш дорилар берилганидан сўнг жароҳатдан кўринган ёд жисмлар олинади. Атрофидаги терини 3% спиртли эритмаси билан тозалаш лозим ва болдирга стерил бинтли боғлам қўйиш керак. Кейин беморни малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун шифохонага олиб бориш керак.

Боғлам қўйишдан олдин жароҳатни ювиш ёки артиш зарур эмас.

47

Беморда янги кесилган текис ва некроздан холис деворли жароҳат, бу жароҳатнинг бирламчи битишига омилдир. Икламчи инфекцияни олдини олиш мақсадида жароҳат атрофидаги терини антисептик эритмаси билан ишлов бериш, қонаётган томирларни боғлаш, тозалаб бирламчи чоклар қўйиш керак.

Зудлик билан қоқшалга қарши эмлашни унутманг.

48

Бу вазиятда жароҳатда инфекция белгиси бўлмаган ҳолатда жароҳатнинг бирламчи ишлов бермасдан бирламчи битиши амри маҳолдир.

Операция хонасида жароҳатни кенг очиб некрозлашган ва ўлган тўқималарни кесиб олиб бирламчи чоклар қўйиш керак. Чоклар орасида резина найлар қолдириш лозим.

Қоқшол профилактикаси ўтказилади.

49

Беморда ўнг. қўл ифлосланган жароҳати ва 2-5 бармоқлар букувчи юзаки ва чуқур пайлар кесилиши.

Жароҳат атрофидаги тери йодли антисептик билан ишланиш лозим, қон кетиш баттамом тўхтатилади, жароҳат антисептик эритмалар билан ювилиб ўнга чоклар қўйилади.

Пайларга бирламчи чоклар қўйиш, шу билан шикастланган нерв толаларига ҳам, тавсия этилмайди. Уларни бироз яқинлаштириш мумкин.

50

Хато жароҳат зич тампонлашгандан иборат, бу эса ундан ажралма ажралишига тўсиқ бўлади.

51

Олдин жароҳат атрофидаги сочлардан кесиб тозалаш лозим. Жароҳатни ифлосликлардан тозалаш керак, кўп миқдорда антисептик эритмалар билан ювиб скальпер ёрдамида тери ости ёғ клетчаткасини кесиб олиш, эзилган, кўкимтирлашган ва қон талашган тўқималардан тозалаш лозим. Кейин шахмат тарзида скальпланган тери парчасида перфоратив тешиклар қилинади. У эса жароҳатга ўрнатилиб чеккалари тикилади.

52

Бармоқ чўлтоғлари антисептиклар билан ишланиш лозим, қисувчи боғлам қўйилади. Беморга оғриқсизлантирувчи модда, қоқшолга қарши препаратлар қилинади ва беморни стерил материалга ўралган пластик халтачада ампутациялашган бармоқлар билан микрохирургия бўлимига тезда олиб бориш керак. Узоқ масофа бўлган тарзда ампутацияга учраган бармоқларни ифлосликлардан тозалаб, антисептиклар билан ювиб, стерил материалга ўрайди ва целлофан халтачага солишади, халтачани эса муз билан тўлдирилган иккинчи халтача соладилар.

53

Шикастланган беморга чақилган жароҳат юқорисидан тезда жгут ўрнатиш керак веноз димланиш мақсадида (артериялар қисилиши мумкин эмас). Чақилган жойга ва мушак ора куракларо соҳага 10 мл поливалент антитоксик

илонга қарши зардоб юборилади. Жароҳатдаги захрини сўрувчи банка ёки оғиз ёрдамида сўриб олиш мумкин, баъзан чақилган жойни кесиб олишади. Шикастланган оёққа тинчлик 3-4 кунга яратиш керак. Чақилган жойга 0,5% новокаин эритмаси 0,1-0,2 мл 0,1% адреналин эритмаси билан қилинади, вена ичига 5 мл 10% кальций хлор эритмаси юборилади.

Ундан ташқари симптоматик дорилар юборилади: гидрокортизон, оғриқ қолдирувчи, аналептиклар, антибиотиклар.

54

«Чернил қалам» билан ифлосланган жароҳатлар жуда секин битади. Шунинг учун жароҳатланган жойни кесиб олиш ва қалам учини олиб ташлаш керак, жароҳатга провизор-сийрак чоклар қўйилади.

СУЯК СИНИШИ. ЧИҚИШЛАР.

55

Беморда чаноқ суяқларини синиши, сийдикда қон ёки сийдик йўллари шикастланишини аниқ белгилари бўлиб камқонлик ва шок бор.

Чаноқ суяқлари синганда қорин парда орқасига кўп қон (1-2л ва кўпроқ) тўпланади. Ундан ташқари нерв чигаллари ва тугунлари, охирларини таъсирланиши оғриқни кучайтириб, шокка олиб келади. Беморга оғриқсизлантирувчи дорилар (омнопон, морфин, ёки промедол) қилиниб, замбарга «қурбақа» ҳолатида ётқизилади. Тизза остига ёстиқ қўйилади. Бу ҳолат мушаклар таранглигини пасайтиради, оғриқ секинлашади, ва суяқлар силжишига йўл қўймайди. Тез ёрдам машинасида, шокка қарши вена ичига полиглюкин ва бошқа эритмалар қўйилади.

56

Беморнинг шикояти, анамнези ва кўздан кечириб, 1-бел умуртқасини компрессион синишига гумон қилинди. Бирламчи тиббий ёрдам вақтида оғриқсизлантирувчи дорилар юборилиб, беморни замбилга орқаси билан оёғини узатган ҳолда ётқизиблиб, махсус тиббий бўлимга (нейрохирургияга) олиб борилади.

57

Беморнинг ўнг елкаси бирламчи чиққан. Зудлик билан чиқиш тўғирланади. 3 ҳафта муддат билан иммобилизацияли боғлама қўйилди.

58

Жароҳатланган беморда ўнг қўл билан суягининг пастки учлигидан синиши мавжудлигини эҳтимол қилиш керак. Бирламчи тиббий ёрдам бериш режасида ўнг қўлни иммобилизация қилиш зарур, масалан: Крамер шинаси билан панжа бармоқлари учларидан елка соҳаси ўрта учлигигача қўл тирсак буғимидан тўғри бурчак остида букилган ҳолда. Травматологик пунктда ўнг қўл билан соҳа пастки учлиги рентген суратлари олинади (албатта 2та проекцияда)

Билан суяги силжиши билан синганда синган суяк қисмларини репозиция қилиб, елка соҳа ўртасидан панжа бармоқ фалангаларигача орқа гипсли лонгета қўйиш зарур, бунда қўл тирсак буғимида тўғри бурчак остида букилган ва пронация билан супинация ҳолати ўрталигида бўлиши керак. Биринчи икки сутка давомида қўлдаги шишнинг ошиши ва қўлни қон билан таъминланиши бузилишини назарда тутган ҳолда болани кузатиш керак, шунинг учун ким ўз вақтида лонгетани фиксация қилиб турган бинт боғламани узунасига кесиб, қайта фиксация қилиш керак.

59

Шикастланганда елка суяги травматик чиқишининг «аниқ» клиник симптомлари борлигига қарамасдан, елка буғимининг рентгенографиясини қилиш зарур, мақсад елка суяги чиқиши билан бир вақтда, елка суягининг бир-бирига кириб синиши (вколоченный перелом) борлигини инкор қилиш учун.

60

Врач ҳаракатлари нотўғри. Ҳамма травматик чиқишлар ҳолатида чиққан суякни ўз жойига солишдан олдин шикастланган соҳани рентген суратларини олиш зарур, мақсад чиқиши билан бир вақтда суяк синиши борлигини инкор қилиш учун.

61

Бу ҳолатларда бемор шифохонага тушганидан суяк синган соҳаларга 20-25мл 2%ли новокаин эритмаси киритиб, склетли (склетное вытяжение) қўйиш зарур. Бунга

сабаб болдир суяги винтсимон синишида гипсли боғлама синган суяк қисмларини иккиламчи силжиб кетишининг олдини ололмайди.

62

Беморда ўнг сон суяги диафиз қисмининг ёпиқ синиши, синган суяк қисмлари бўйлама силжиши билан.

Оғриқсизлантириш ва шок профилактикаси мақсадида тери остига 1-2 мл 1% ли морфин эритмаси, 2мл 20% ли камфора эритмаси киритиш керак. Сон суягини шиналаганда учта катта буғим: чаноқ-сон, тизза ва аниқ болдир буғимлари иммобилизация қилиниш зарур. Крамер шиналари билан иммобилизация қилинганда 2 та Крамер шинаси бир бирига боғлаб ўраниши керак, чунки узунлиги қўлтиқ ости чуқурчасидан товонгача етиши керак. Сўнгра тайёрланган шиналардан узунини оёқни ташқи юзаси томонидан қўйилади. Шиналар оёққа кийим устидан зич қилиб бинтланади. Беморни замбилда даволаш муассасасига етказиш зарур.

63

Клиник маълумотлардан келиб чиққан ҳолда, ўғил болада чап умров суягининг травматик ёпиқ синиши. Биринчи тиббий ёрдам бериш мақсадида оғриқсизлантирувчи воситалар киритиш ва чап қўлни шундай фиксация қилиш керак-ки, бунда чап елка буғими шунингдек чап умров суяги синиқлари ҳам ҳаракатсиз бўлиши керак. Бунга иммобилизацияловчи бинтли боғламалар қўйиш (Дезо, Вельпо боғламалари ва бошқалар) йўли билан ёки қўлни косынка билан осиб қўйиш билан зришиш мумкин.

Умров суягининг силжимаган синишларида ёки бироз силжиши билан боғлама ёки Дельбе ҳалқлари қўйиши билан чекланиш мумкин.

64

Беморда пастки жағ суягининг икки томонлама чиқиш клиникаси бор. Чиққан жағ суягини жойига солиш керак. Бунинг учун чакка-пастки жағ буғимлари соҳасига 1% ли новокаин эритмаси киритилди.

Беморни стоматологик креслога ўтказган афзалроқ, бемор бошини боштакликқа фиксация қилинади. Қўл бош бармоқларини сачоққа ўраб, врач улар билан бемор пастки курак тишларига босади, ҳамда қолган бармоқлар билан пастки жағ суягини пастидан ушлаб олинади, шу ҳолда

пастки жағ суяги бошчаларини чуқурчаларга йўналтириб, жағ суягини орқага ва юқорига силжитилади. Бунда характерли қирсиллаш эшитилади. Жағ суяги ўрнига солингандан сўнг жағни ҳарактини чеклаш учун 1,5 – 2 ҳафтага палағменсимон боғлама қўйилади.

КУЙИШ. СОВУҚ УРИШ.

65

Диагнозни қуйидагича қўйиш керак: куйиш касаллиги, шок даври, қўллар, тана олдинги юзаси ва ўнг сонининг олов таъсирида термик куйиш.

Куйиш формуласи:
$$S = \frac{45\% (27\%)}{I - II - III A - III B - IV}$$

66

Шикастланган бемор қўлларини, оқар сув остида зудлик билан ювишни бошлаш керак. Шундан сўнг куйган соҳага сода эритмаси билан боғлама қўйиб, беморни стационарга юбориш керак.

67

Шокка қарши терапиянинг биринчи суткаларида беморга 4 литрдан коллоид ва кристалоид эритмалар қўйиш керак. Қўйиладиган коллоид ва кристалоид эритмалар миқдори алоҳида – алоҳида қуйидаги формула орқали ҳисобланади: 1мл эритма x тана вазни (килограммда) x куйиш майдони % (фоизларда). Биринчи 6 соат давомида суткалик дозанинг 50% киритилади (4л) ва қолган вақт давомида қолган миқдор (4л) қўйилади.

68

Ёш болада – куйиш касаллиги, куйиш шоки даври.

Бемор ёш болага оғриқсизлантирувчи воситалар қилиш, илиқ ичимлик бериш, куйган жароҳатларга асептик боғламалар қўйиш новокаин эритмаси билан намланган, ва беморни туман шифохонаси хирургия бўлимига ёки маҳсуслаштирилган куйиш бўлимига ётқизиш зарур. Агар имконият бўлса тез ёрдам машинасида инфузион терапияни бошлаш керак.

69

Шикастланган кишида ўнг оёқ панжаси чуқур куйишидир. Унга некротик пустлоқ (струп) қолдиқларини кесиб олиш, механик некрэктомия ва аутодермопластика тавсия қилинади. Шунинг учун поликлиникада оёқ

сабаб болдир суяги винтсимон синишида гипсли боғлама синган суяк қисмларини иккиламчи силжиб кетишининг олдини ололмайди.

62

Беморда ўнг сон суяги диафиз қисмининг ёпиқ синиши, синган суяк қисмлари бўйлама силжиши билан.

Оғриқсизлантириш ва шок профилактикаси мақсадида тери остига 1-2 мл 1% ли морфин эритмаси, 2мл 20% ли камфора эритмаси киритиш керак. Сон суягини шиналаганда учта катта буғим: чаноқ-сон, тизза ва аниқ болдир буғимлари иммобилизация қилиниш зарур. Крамер шиналари билан иммобилизация қилинганда 2 та Крамер шинаси бир бирига боғлаб ўраниши керак, чунки узунлиги қўлтиқ ости чуқурчасидан товонгача етиши керак. Сўнгра тайёрланган шиналардан узунини оёқни ташқи юзаси томонидан қўйилади. Шиналар оёққа кийим устидан зич қилиб бинтланади. Беморни замбилда даволаш муассасасига етказиш зарур.

63

Клиник маълумотлардан келиб чиққан ҳолда, ўғил болада чап умров суягининг травматик ёпиқ синиши. Биринчи тиббий ёрдам бериш мақсадида оғриқсизлантирувчи воситалар киритиш ва чап қўлни шундай фиксация қилиш керак-ки, бунда чап елка буғими шунингдек чап умров суяги синиқлари ҳам ҳаракатсиз бўлиши керак. Бунга иммобилизацияловчи бинтли боғламалар қўйиш (Дезо, Вельпо боғламалари ва бошқалар) йўли билан ёки қўлни косынка билан осиб қўйиш билан эришиш мумкин.

Умров суягининг силжимаган синишларида ёки бироз силжиши билан боғлама ёки Дельбе ҳалқлари қўйиши билан чекланиш мумкин.

64

Беморда пастки жағ суягининг икки томонлама чиқиш клиникаси бор. Чиққан жағ суягини жойига солиш керак. Бунинг учун чакка-пастки жағ буғимлари соҳасига 1% ли новокаин эритмаси киритилди.

Беморни стоматологик креслога ўтказган афзалроқ, бемор бошини боштакликқа фиксация қилинади. Қўл бош бармоқларини сачоққа ўраб, врач улар билан бемор пастки курак тишларига босади, ҳамда қолган бармоқлар билан пастки жағ суягини пастидан ушлаб олинади, шу ҳолда

пастки жағ суяги бошчаларини чуқурчаларга йўналтириб, жағ суягини орқага ва юқорига силжитилади. Бунда характерли қирсиллаш эшитилади. Жағ суяги ўрнига солингандан сўнг жағни ҳарактини чеклаш учун 1,5 – 2 ҳафтага палағменсимон боғлама қўйилади.

КУЙИШ. СОВУҚ УРИШ.

65

Диагнозни қуйидагича қўйиш керак: куйиш касаллиги, шок даври, қўллар, тана олдинги юзаси ва ўнг сонининг олов таъсирида термик куйиш.

Куйиш формуласи:
$$S = \frac{45\% (27\%)}{I - II - III A - III B - IV}$$

66

Шикастланган бемор қўлларини, оқар сув остида зудлик билан ювишни бошлаш керак. Шундан сўнг куйган соҳага сода эритмаси билан боғлама қўйиб, беморни стационарга юбориш керак.

67

Шокка қарши терапиянинг биринчи суткаларида беморга 4 литрдан коллоид ва кристалоид эритмалар қўйиш керак. Қўйиладиган коллоид ва кристалоид эритмалар миқдори алоҳида – алоҳида қуйидаги формула орқали ҳисобланади: 1мл эритма x тана вазни (килограммда) x куйиш майдони % (фоизларда). Биринчи 6 соат давомида сугкалик дозанинг 50% киритилади (4л) ва қолган вақт давомида қолган миқдор (4л) қўйилади.

68

Ёш болада – куйиш касаллиги, куйиш шоки даври.

Бемор ёш болага оғриқсизлантирувчи воситалар қилиш, илиқ ичимлик бериш, куйган жароҳатларга асептик боғламалар қўйиш новокаин эритмаси билан намланган, ва беморни туман шифохонаси хирургия бўлимига ёки маҳсуслаштирилган куйиш бўлимига ётқизиш зарур. Агар имконият бўлса тез ёрдам машинасида инфузион терапияни бошлаш керак.

69

Шикастланган кишида ўнг оёқ панжаси чуқур куйишидир. Унга некротик пустлоқ (струп) қолдиқларини кесиб олиш, механик некрэктомия ва аутодермопластика тавсия қилинади. Шунинг учун поликлиникада оёқ

Вазиятли масалалар жавоблари

панжасига антисептик эритмаси билан боғлама қўйиб беморни хирургик стационарга юбориш керак.

70

Шикастланган кишида қўл мушакларининг чуқур некрози сабаби юрак тўхташи хавфи бор. Шунинг учун травматологик пунктда қўлларга асептик боғлама қўйиб беморни албатта текшириш ва динамик кузатиш учун стационарга госпитализация қилиш керак. Текшириш режасига электрокардиографияни киритиш керак.

71

Тез ёрдам врачлари нотўғри ташхис қўйган. Бу электр қўйиш эмас; балки электр ёйи учқуни таъсиридаги термик қўйишдир. Диагнозни қўйидагича қўйиш керак: юз ва қўлларнинг электр ёйи учқуни таъсирида I-II даражали термик қўйиш, электроофтальмия. Шикастланган врач окулист маслаҳатига муҳтож.

72

Қўйган кишига оғриқсизлантиувчи воситалардан киритиб, новокаин эритмаси билан асептик боғламалар қўйиб ва стационарга транспортировкани ташкил қилиш керак.

Диагноз қўйидагича қўйилади:

Қўйиш касаллиги, шок, тана олдинги юзаси, иккала қўл билан ва панжа соҳаси термик қўйиши.

Қўйиш формуласи:

$$S = \frac{(27\%)}{I - II - III A}$$

73

Беморда юз ва қўл панжаларининг термик қўйиши, ингаляцион травма (нафас йўллари қўйиши ва токсик буғ билан ингаляция). Бемордан қон ва сийдик умумий таҳлил олиниб, ЭКГ ўпкалар рентгенологик текшириши ва терапевт кўригидан сўнг шошилинич кўрсатмага асосан беморни реанимация ва интенсив терапия бўлимига госпитализация қилиниш керак.

74

Қўйган юзани «Оксициклозол» билан ишлаш керак эмас, чунки оғриқларни кучайтириб, шикастланган кишининг аҳволини оғирлаштиради.

Болага бирламчи ёрдам кўрсатишда қўйган жароҳатни совитиб, оғриқсизлантирувчи воситалар киритиш керак, жароҳатта новокаин эритмаси билан асептик боғлама қўйиш керак, бу ёрдамни тез тиббий ёрдам врачлари қилмаган.

75

Шикастланган кишида умумий совуқ уриши, қўл панжаларининг оғир совуқ уриши, реактив олди даври. Бемор қўл панжаларига иссиқлик изоляцияловчи боғламалар куйиб, стационарга ётқизиш керак.

76

Шикастланган кишида оёқ панжа бармоқларининг III-IV даражали совуқ уриши. Унга зудлик билан оёқ панжасига иссиқлик изоляцияловчи боғламалар куйиб, комплекс даво муолажалари: артерия ичига қон томирларни кенгайтирувчи, антикоагулянтлар, дезагрегантлар, реологияни яхшиловчи воситалар, тромболитик терапия муолажаларини бошлаш керак, зарарланган сегментларда қон айланишни тиклаш учун.

77

Беморда оёқ панжаларининг IV даражали совуқ уриши, хўл гангрена, юқорига кўтарилувчи яллиғланишни ва ифодаланган интоксикация белгилари. Инфекция генерализацияси эҳтимоли.

Қонни стерилликка текшириш, пуфаклардан олинган йирингни бактериологик экиш ва ажратилган микрофлорани, антибиотикларга сезгирликни аниқлаш керак. Беморга инфузион дезинтоксикацион терапия, комплекс антибактериал терапия буюрилади. Бундан ташқари оёқ панжаларда некрэктомия қилиш керак.

78

Совуқ уришнинг реактив даврида беморда зотилжам ёки сепсис ривожланиши мумкин.

Ташҳисни аниқлаш учун ўпкаларни рентгенологик текшириш ва венадан олинган қонни стерилликка текшириш керак.

Бундан ташқари оёқ панжаларида некрэктомия қилиш керак ва дезинтоксикацион ва антибактериал терапияни давом эттириш керак.

79

Шикастланган кишида оғир электротравмадан сўнг юрак ва нафас тўхташи рўй берган. Беморни клиник ўлимдан чиқариш учун зудлик билан ўпкаларни сунъий вентилляцияси ва юракни ёпиқ массажини бошлаш керак.

80

Келтирилган ҳолатда беморга кечиктирилмасдан, елка ва биллак мушакларининг иккиламчи мионекрозининг олдини олиш учун, бўйлама лампас кесмалар билан декомпрессив фасциотомия ўтказиши зарур.

ЎТКИР МАҲАЛЛИЙ ХИРУРГИК ИНФЕКЦИЯ.

81

Фурункулнинг юз оғиз бурчакларида жойлашган ҳолда юз веналарининг каттараётган тромбофлебити кузатилиши мумкин, у эса кўз бурчакларидан кўз вена системаларига ўтади ва кейинчалик калла суяк кавяна синусига тарқалади. Каверна синус йирингли тромбози ҳар дойим йирингли базал менингит ва оптохизматик арахноидитга олиб келади, бу эса жуда оғир хасталик ва ўлимга олиб келади. Шунинг учун бемор шифохонага ётқизилиши зарур.

Тўшак режими белгиланади, интенсикв антибиотикотерапия ўтказилади, антикоагулянтлар кўрсатилган, антистафилококк гамма-глобулин, плазма буюрилади. Фурункул соҳаси терисини 70% эти ёки 2% салицил спирт билан тозаланади. Антибиотикли малҳамларни қўйиш мумкин. Фурункул ўзи ерилганидан сўнг марказий некрозланган стержень пинцет билан олинади (қўпол манипуляциялар ёки сиқиб олиш сепсис ривожланиш билан хавфли).

82

Консерватив даво наф бермаганлиги, маҳаллий яллиғланиш-некротик процесс тобора ривожланиши, заҳарланиш кучайиши оператив даволанишга кўрсатма ҳисобланади.

Карбункулни крестсимон кесик билан ёки Н-симон кесик билан очилади ва йирингли-некротик тўқималар кесиб олинади. Ҳосил бўлган бўшлиқ водород пероксид, фурациллин эритмаси билан ювиб гиперитоник эритмасига синдирилган турунда ёрдамида дренажланади.

Косметик фикрласак катта тери дефектларни грануляция билан тўлдирилгандан сўнг эркин тери парчаси билан Тирш бўйича ёки деоматом ёрдамида ёпиш керак.

83

Беморда хуппоз белгисиз ўнг томонлама қўлтиқ ости гидраденити.

Даволашни бу соҳадаги тери туалетидан бошлаш керак: сочларни кесиш ёки қириш, терини спирт билан артиш, йодонат билан ишлов бериш. Кейин қуруқ ёки синтомицин эмульсия билан боғлам қўйилади. Боғлам терига зич тутилиши учун қўлтиқ ости соҳасига ва елка устига бошоқсимон боғлов қўйиш керак. Бошланиш даврда новокаинли блокада антибиотик билан ва УВЧ-терапия яхши ёрдам беради.

Гидраденитнинг хуппозлашган ҳолатда йирингли учоқ очилади.

84

Беморда ўнг қўл 2 бармоқлараро соҳасининг флегмонаси. Унга кафт иммобилизацияси билан оператив даво ўтказиш зарур. Ишловдан сўнг маҳаллий ёки умумий оғриқсизлантирилиб максимал оғриқли зонасида кафт юзасида тана йўл кесик билан йирингли ўчоқ очилади бармоқлараро соҳасида ташқи соҳасига контрапертура чиқариб ёки у сиз. Жароҳат яхши ювилиб дренажланади. Асептик боғлам қўйилади. Кафт гипсли лонгета ёрдамида иммобилизациялашади.

85

Беморда чап думба соҳаси постинъекцион хуппоз гумон қилиш мумкин. Диагнозни тасдиқлаш учун юмшаган жойида йўғон игна билан пункция қилиш керак. Йиринг олинган ҳолда (бакэкин!) игна йўналишидан кесилиб борилади ва бармоқ билан йирингли бўшлиқ тафтиш қилиниб тўсиқлар ажратилади. Йиринг олинганидан ва антисептиклар (водород пероксид эритмаси, фурациллин, хлоргексидин ва х.) билан яхши ювилганидан сўнг хуппоз бўшлиғи гиперитоник эритма билан намланган тампон билан дренажланади. Клейли боғлам ўрнатилиб антибиотиклар буюрилади.

86

Беморда операциядан кейинги тепки ривожланиши эҳтимоли бор.

Бу асоратнинг олдини олиш мақсадида қуйидаги тадбирлар ўтказиш зарур: 1). Оғиз бўшлиғини операциягача санация қилиш керак (парадонтоз даволаши, кариес, сурункали тонзилит даволаниши ва х.); 2). Оғиз бўшлиғини антисептиклар билан ишлаш эрта операциядан кейинги даврда, кеинчалик тиш доим тозаланиш лозим; 3). Лимон,

апельсин, олма бўлаklarини суриш, ачиган морс сулак ажралишини кўпайтириш учун ичиш.

87

Беморда операциядан кейинги тепки ривожланиши. Даволаш қуйидагини ўзига жалб этди: 1). Кенг спектрили антибиотиклар қўллаш; 2). Фурациллин эритмаси билан тез-тез оғизни чайқаб туриш; 3). Қулоқ атрофи, сулак безини чиқарувчи тешик орқали секинлик билан ювиш (бу процедурани стоматолог бажариши лозим); 4). Антибиотиклар ионогальванизацияси ва протеолитик ферментларни инфилтрат соҳасига ишлатиш; 5). Яримспиртли ёки 10-20% димексид эритмаси билан компресслар инфилтрат соҳасига; 6). Контрикал(трасилт, гордокс) вена ичига юбориш.

3-4 кун давомида консерватив даво наф бермаса флюктуация пайдо бўлишигача оператив даво қўллаш лозим.

88

Беморда туғишдан кейинги интраммар йирингли мастит лимфаденит асорат билан. Диагнозни тасдиқлаш учун йирингли бўшлиқни йўғон (!) игна билан пункция қилишимиз лозим. Олинган йирингли микрофлорага текширамиз ва антибиотикларга сезувчанлигини аниқлаймиз.

Зудлик билан вена ичи наркоз билан йирингли бўшлиқ очилиши лозим.

Сут соғилниши керак (яхшишси сўрилиш) иккала сут безидан. Болага сутни олдин қайнатиб ёки пастеризациялаб бериш керак. Операциядан кейинги давр антибиотиклар остида кечади.

89

Беморда ўткир туғишдан кейин йирингли мастит. Диагнозини тасдиқлаш учун йирингли бўшлиқни йўғон (!) игна билан пункция қилишимиз лозим. Йиринг олинган ҳолда (бакэкин!) сут беги хуппоз вена ичи оғриқсизлантириш остида очилади. Хуппоз бўшлиғи тафтиш қилиниши лозим. Бўшлиқ антисептиклар билан ювилиб, гипертоник эритмалга намланган тампон қолдирилади. Аёлга сут соғиш тавсия этилади. Лактацияни тўхтатиш учун камфора инъекцияси, эркак ва аёл жинсий гормонларни комбинацияси тавсия қилинади.

90

Беморда ўткир туғишдан сўнг субальвеоляр йирингли мастит. Оператив даво кўрсатилган. Косметик жихатдан бу ҳолатда ареола чегарасида айлана кесик қилиш тавсия этилади. Сут йўлчалари бу ерда кичик ўлчамда ва хуппоз остида. чуқур жойлашган, бу эса шикаст. ҳавфини камайтиради.

91

Оқмани ёпиш учун фаол ҳаракатларни ўтказиш тавсия этилмайди. Ҳосил бўлган сутли оқма ўзи битиб кетади. Бу учун оқмага асептик боғламлар қўйиб туриш тавсия этилади.

92

Беморда пуберант кўкрак безлар гипертрофияси. Бу организмнинг меёр физиологик реакцияси.

Йигитга даволаш машқлар билан, сузиш, совуқ сув билан артиниш тавсия этилади. Оғриқ кучли бўлган ҳолда маҳаллий муз қўлланилади. Хирургик даво кўрсатилмаган.

93

Беморда гинекомастия (чап кўкрак безининг гипертрофияси), бу эса кўп ҳолатларда буйрак усти ва тухумдонлар ўсмалар билан ифодаланилади. Ўсмалар аниқланганда уларни олиб ташлаш керак. Операциядан кейинги даврда, одатдагидек, кескин гипертрофиялашган безларнинг орқага ўсиши кузатилади.

94

Беморда ўнг болдир сарамаси, бульлөз формаси. Аёлни хирургик инфекция бўлимига ётқизиш лозим, аммо уни бошқа беморлардан ажратиш керак.

Даволашда тушак режими, антибиотиклар, сульфаниламидлар қўлланилади. Маҳаллий қуруқ асептик боғлам, субэритем дозали ультра бинафша нурлар билан нурлаш.

95

Беморда чап қўл 3-бармоқ эризипелоиди тери тури деб, ўйлаш керак.

Касаллик грамм мусбат чучқа сарамаси таёқчалари билан чақирилади. Кўпроқ қассоблар, балиқчилар, ошпазлар, уй бекалари, ветеринарлар хасталанади.

Эризипелоидни англашда уни тери, тери ости, экссудатив эритма буғим панарияцияси, трофоневротик артритлар ва ревматоид инфекциялардан фарқлаш керак.

Вазиятли масалалар жавоблари

Даволашда антибиотиклар, сульфаниламидлар, ультрабинафша нурлардан бармоққа фойдаланилади. Бармоқ иложи борича иммобилизациянилади. Маҳаллий малҳамли боғламлар эффе́кт бермайди.

96

Беморда ўткир фолликуляр ангина ва иккламчи серозли икки томонлама лимфаденит. Беморни имконияти бўлса терапевтик ёки ЛОР бўлимига ётқизиш ва асосий касалликни даволаш лозим. Иккламчи лимфаденит асосий касаллик даволанганидан сўнг ўзи қолиб кетади.

Бемор шошилинич хирургик даволашга мухтож эмас.

97

Беморда ўнг оёқ 2-3 бармоқнинг инфосланган сидиришлар ва уларнинг оёқ пастки қисми серозли лимфангит ва чов серозли лимфаденити билан асоратлангани.

Харбийни ётқизиш лозим, сидирилган жойларни тозалаш керак ва антисептиклар билан боғлам қўйиш лозим. Биринчи кунлари тўшак режими, ўнг оёқ кўтарилган ҳолатда бўлади.

Ётқизилганда антибиотиклар, сульфаниламидлар қилинади.

98

Йирингли панкреатит фонида йирингли артериит ривожлангани беморда эҳтимоли кўпроқ, аникрофи, меъда ости безини озиклантирувчи томирлар периартерити. Йирингли артерит жараёнида томирлар деворининг аррозияси келиб чиққан, ёрилиши эса қон кетишига олиб келади.

Агар қон кетиш консерватив даво ўтказишига қарамасдан тўхтамас, қайта шошилинич операция қон кетишини тўхтатиш мақсадида ўтказиш лозим.

99

Беморда узоқ вақт вена ичига инфузиялар ўтказиш натижасида чап қўл тери ости веналар ўткир тромбофлебит ривожланиши кузатилган.

Инфузияларни тўхтатиш лозим, чап қўлни иммобилизация қилиш ва ярим спиртли компресслар қўйиш керак, антибиотиклар билан биргаликда нитрофуран ёки сульфаниламидлар буюрилади.

100

Беморда чап оёқ юзаки веналарининг ҳаракатланаётган тромбофлебити.

Шуни ёдда тутиш керакки, спонтан ёки ҳаракатланувчи (миграцияловчи) тромбофлебит кўп ҳолларда Бюргер касаллигида, ички аъзоларнинг саратовида, полиартритда учрайди

Ундан ташқари кутмасдан бемордаги яллиғланиш процессининг кескин давом этишини тўхтайтиш мақсадида чап оёқ тери ости катта венасини сон венасига туташган жойида боғлаш ёки флебэктомия операциясини ўтказиш тавсия этилади.

101

Беморда ўнг болдир чуқур веналарнинг ўткир тромбофлебити. Унга тўшак режими белгиланади.

Ўнг оёққа кўтарилган ҳолат берилади, бунинг учун Белершинасидан фойданилади. Бирданига антикоагулянтлар буюрилади. Қон ивишини динамик назорат қилиш доим олиб борилади. Протромбин индексининг 0,4 дан пастка тушиши мумкин эмас. Касалликнинг бошланиш жараёнида фибринолизин қўллаш мақсадга мувофиқ.

Ундан ташқари антибиотиклар, ностероид яллиғланишга қарши дорилар (аспирин..), сийдик ҳайдовчи дорилар қўлланилади. Болдрига малҳамли-бальзамли компресслар қўйилади.

102

Беморда операциядан кейинги давр ўткир ёнбош-сон флеботромбоз билан асорталанди.

Бемор махсус қон томир хирургия бўлимига ўтказилиши зарур, у ерда антикоагулянтлар таъсири остида тромбэктомия ва қон айланишини тиклаш операцияси қилинади.

103

Беморда ўнг тирсак бугимини синовиал халтасининг ўткир йирингли бурсити.

Халтадан диагностик пункция вақти йиринг олингани сабабли бемор операция қилиниши лозим: кенг кесик билан халта очилади, антисептиклар эритмаси билан ювилади ва резина туталиш билан дренажланади.

104

Беморда ўнг тизза бугимининг ўткир йирингли препателляр бурсити, иккламчи ўнг сон лимфангити ва чов

лимфаденити. Ундан ташқари клиник белгиларига кўра, пербурсит белгилари мавжуд. Бу эса оператив давога кўрсатмадир.

Бу холтада сумка ён қирраларидан иккита параллель кесик билан йирингли ўчоғни очиш, уни антисептиклар билан ювиш ва сквозной иккита кесикни дренажлаш тавсия этилади.

Баъзан бундан сўнг оқмалар қолади ёки қайталаниш кузатилади. Шунинг учун мутлоқ соғайтириш учун беморга режали операция синовиал қатламларни кесиб олиш мақсадида тавсия этилади.

107

Бирламчи диагноз билан рози бўлмаслик мумкин эмас. Беморда ўткир ўнг томонлама ишиоректал йирингли парароктитнинг ҳамма белгилар. Диагнозни тасдиқлаш мақсадида йўғон игна билан пункция қилиш керак.

Бемор шошилинич операцияга-йирингли бўшлиқни очиш-операцияга мухтож. Қоқшол турини аниқлаш, оғриқни қолдириш дорилар, антибиотиклар ва сульфаниламидлар қилиш лозим.

108

Беморда ўткир йирингли эпителиал-думғоза йўли яллиғланиши (думғоза дермоид кистаси). Бу туғма патология бўлиб, хуппозлашган ҳолатда ўзини билдиради.

109

Маҳаллий оғриқсизлантирилиб, кесик билан йирингли ўчоғ очилади ва йирингдан тозаланади (бакэкин!), антисептиклар эритмаси билан ювилиб, турунда билан дренажланади. Йирингдан тозаланганидан сўнг жароҳат иккламчи битади.

Кейинчалик кўп ҳолатда қайталаниш кузатилиши мумкин. Шунинг учун беморда режали равишда радикал операцияни тавсия қилиш лозим.

110

Беморда ўнг елка буғимнинг ўткир йирингли артритини гумон қилиш мумкин. Беморни зудлик билан жарроҳлик шифохонага ётқизиш керак. Қўшимча текшириш усулларида умумий қон ва сийдик таҳлили, иккала елка буғимларнинг остеоартритини инкор қилиш учун рентгенография қилиш керак (биринчи 10 кун рентгенда деструктив ўзгаришлар аниқланмайди). Ундан ташқари елка буғимини даволаш-диагностик пункция қилиш керак.

Йиринг олинган ҳолда у эвакуация қилинади (бакэкин!) Буғим антисептиклар, антибиотиклар эритмаси билан ювилади. Шу билан бирга, умумий антибиотикотерапия ўтказилади. Унг қўлни гипсли боғлам билан иммобилизация қилиш шартли, буғим соҳасида дераза қолдирилади.

Консерватив даво наф бермаса артротомия ва буғимни дренажлаш, доимий лаваж ўтказиш бажарилади. Яллиғланиш процесси давом этса ва остеоартроз ривожланган ҳолда буғим резекцияси бажарилади.

111

Беморда операциядан кейинги давр ўнг томонлама йирингли плеврит билан асоратланди.

Плевра бўшлиғининг эмпиемасида, агар ҳолат бронхиал окма билан асорланмаган бўлса, касаллик пункция йўли билан даволанади. Пункциялар ҳар куни йирингли ажратмаларни олиш билан бажарилади ва охирида плевра бўшлиғига антибиотиклар ва протеолитик ферментлар юборилади.

Шу билан биргаликда дезинтоксикацион терапия, анемия билан курашиш, диспротеиния ва электролитли баланс бузилиши билан курашиш амалга оширилади. Агар вазият секинлашиб ечилаётган бўлса, плевра бўшлиғига дренаж най ўрнатилиб ёки троакар пункция йўли билан доимий сўргич ёрдамида йирингни сўрдириб олиш бажарилади.

112

Беморда ўнг ўпка пастки бўлагининг хуппозити гумон қилинган. Йирингли жараён кўпроқ бронх томонидан келиб чиққан бўлса керак.

Агар туфланган балғамни идишга олиб тиндирсак, идиш тубида қуюқ йиринг кўриш мумкин, ўрта қисми сувли суюқликдан иборат, устида – йирингли-шилиқли кўпик.

Диагнозни тасдиқлаш учун ўпкаларни рентгеноскопияси ва рентегографиясини бажариш керак (бемор вертикал ҳолатда, туриб ёки ўтириб), лозим топилса – компьютер томография ва бронхоскопия ўтказиш.

Бемор соғлом ёнбошга ётқизилади. Антибиотиклар, сульфаниламидлар буюрилади. Бронхоскоп ёрдамида хуппоздан йиринг аспирацияси ва антибиотиклар, протеолитик ферментлар юбориш доимий ўтказилади.

Консерватив даво 6-7 ҳафта давомида наф бермаган ҳолда оператив равишда пневмотомия ёки лоб-пневмонэктомия кўрсатилган

113

Беморда операциядан кейинги даврда тўғри ичак-пуфак чуқурлигининг хуппозни гумон қилинмоқда. Тўғри ичакнинг бармоқли текширишини ва имконияти борича тоз соҳаси компьютер томографиясида ўтказиш лозим. Агар бармоқли текширишда тўғри ичакнинг олдинги деворининг осилиши ва пайпаслаганда кескин оғриқлиги, инфильтрация жараёнида марказида юмшаш белгилари аниқланса, диагноз шубҳа туғдирмайди. Хўппозни бармоқ ёки ректал ойналар назорати остида тўғри ичак олдинги девор орқали пункция қилинади. Йиринг олиниб, игна йўналиши бўйича йирингли ўчоқ очилади ва резина бармоқ билан дренажланади. Беморнинг тушакдаги ҳолати – бош томони кўтарилган ҳолда.

114

Беморда қорин бўшлиғи аъзосининг ёрилиши натижасида келиб чиққан перитонитни гумон қилиш керак. Бу ҳолатда операция масаласини ечиш учун беморга наркотиклар қилиш, қоринга муз ёки иситгич қўйиш мумкин эмас, чунки улар касалликнинг клиник кечишини ўзгартириш мумкин ва бу ҳолат хатога олиб келиши мумкин.

Беморни шошилиш равишда замбилда даволаш муассасига олиб бориш керак.

115

Беморда меъда ярасининг тешилиши ва ўткир перитонит билан асоратланиши. Бўлимга ётқизишдан олдин беморга қон ва сийдик умумий таҳлили, тўғри ичак бармоқли текшириш ва қорин бўшлиғида эркин газ борлигини аниқлаш учун обзор рентген қилиш зарур. Рентгенография бемор ўтирган ёки турган ҳолатда бажарилади.

116

Қорин бўшлиғини йирингли ажратмалардан тозалаганидан сўнг ўсма билан биргаликда ректосигмоид сегмент билан кесиб олиш мақсадга мувофиқдир, суний ичак стомаси ҳосил қилинади.

Перионитнинг ўчоғини йўқотганидан сўнг қорин бўшлиғини 5-6 литр антисептиклар эритмаси билан ювилади.

Ингичка ичак декомпрессиясини назоинтестинога-страл зонд ўрнатиши билан бажариш мумкин.

Операция қорин бўшлиғи дренажлаш ва микроирригаторлар ўрнатиш билан тугатилади.

117

Беморда операциядан кейинги тарқалган перитонит, сабаби бўлиб меъда ичак анстомози ёки 12 бармоқли ичак чўлтоғи етишмовчилиги бўлиши мумкин. Беморга зудлик релапаротомия кўрсатилган. Анастомоз деффементи аниқланганда ёки чўлтоғ етишмовчилиги топилганда деффементи тикиб бекитишга уриниш керак. Агар бунга имконият бўлмаса, анстомоз ёки чўлтоғ соҳасига тампон ва дренаж най олиб келиниб қолдирилади. Қорин бўшлиғини қуритиб, иккала қовурға таги ва ёнбош соҳаларини контрапертура орқали дренажлаш лозим. Меъда ичак тизимини декомпрессияси назогастрал ва назогастроинтенстинал зондлар орқали бажарилади. Бундан ташқари беморга адекват инфузион терапия, антибиотиклар, ичак стимуляцияси буюрилади.

118

Беморда ўткир перитонит манзараси, балки аппендикуляр этиологияли. Қисқа операциядан олдинги тайёргарликдан сўнг интубацион наркоз билан зудлик операция кўрсатилган. Операция мақсади – перитонит сабабини йўқотиш, қорин бўшлиғи санацияси ва дренажлаш, ичак декомпрессияси.

119

Беморда хуппозлашган аппендикуляр инфилтратнинг қорин бўшлиғига ёрилиши ва тарқалган перитонит ривожланиши. Бемор зудлик хирургик давога муҳтож.

Докали тампонларга кўрсатма:

1). Перитонит сабабини ишонимсиз йўқотганда ўчоғни эркин қорин бўшлиғидан чегаралаш мақсадида.

2). Маҳаллий чегараланган йирингли перитонитда найли дренаж билан обдовланади.

3). Каппиляр қон кетишда гемостатик губка билан комбинацияда.

120

Беморда ўнг қўл 2-бармоқ тери ости панарицияси йирингли яллиғланиш фазасида. Оғриқсизлантириш учун бармоқ асосидан ўтказувчи анестезия Оберст-Лукашевич бўйича қўллаш мумкин. Йирингли ўчоғ очилиши лозим.

121

Беморда ўнг қўл 1-бармоқ тирноқ фалангасининг тери ости панарицияси. Инфекция тери ости клетчаткада бутун юмшоқ тўқимасида тарқалгани сабабли йирингли ўчоғни очиш учун икки томонлама ёнбош кесик қилиш зарур. Боғлам қўйилганидан сўнг бармоқ иммобилизация қилиниш керак.

122

Куруқ операцион майдонга оператив муолажаларда бармоқ асосига резинна жгут қўйиш билан эришилади. Қисилишдан оғриқли ҳисларни камайтириш учун жгутни олдиндан оғриқсизлантирилган жараёнга қўядилар.

123

Тери панарициясида жараён тарқалиш хусусиятига эга, шунинг учун зудлик билан йирингли ўчоғ очилиш лозим, бунинг учун купер ёки маникюр ўткир қайчилардан фойдаланилади. Аста-секинлик билан пинцет ёрдамида жароҳат очилиб тагидаги ажралган эпидермисни кесиб олиш керак, чўнтоклар қолдирилмайди, чунки улардан жараён яна кенг тарқалиши мумкин. Очилган юза қуритилиб қўрилади оқма йўналишларини топиш мақсадида. Жароҳат юзаси антисептик боғлам билан ёпилади.

124

Жарроҳ хатоси шундан иборатки, у тирноқ атрофидаги ўчоғни ноадекват очди ва йирингни эркин ажралиб чиқишига шароит яратиб бермади. Тирноқ атрофи ва унинг тери ости клетчатка жараёнининг тотал яллиғланишида Кеневел операцияси кўрсатилган. Бир томонлама паронихия бўлганда тери тозаланиб оғриқсизланади ва йирингли-яллиғланиш ўчоқ томонида кесик бажарилади 1-1,5 см ўлчамида. Бу кесикда тирноқ ўрни бурчагини очилиши муҳим, чунки у ерда йиринг йиғилиши мумкин. Тери кесилганидан сўнг тирноқ пластинкаси ажратилади ва силжитилади. Қайчининг ўткир учлари тирноқ чети остига киритилиб тирноқ кесилади. Тирноқ ўрнини шикастланишидан эҳтиёт бўлиши керак, чунки у ҳолатда янги ўсиб чиққан тирноқ нотекис бўлади. Санациядан сўнг силжитилган тери қисми жойига ўрнатилиб боғлам ёрдамида қотирилади.

125

Беморда чап қўл 1 бармоқ тирноқ ости панарицияси. Оператив даволаниш кўрсатилган. Унинг мазмуни тирноқ

пластинкасининг учбурчакли резекцияси ва ёд жисм ва йирингни олишдан, некротик тўқималарни кесиш ва йирингни эркин ажратилишидан иборат.

ОСТЕОМИЕЛИТ. СЕПСИС.

126

Беморда ўнг сон ўткир гематоген остеомиелитини гумон қилиш лозим. Бу ҳолатда остеомиелитнинг диагностикаси касалликни кеч аниқланишига нисбатан ҳам ҳавфлидир. Беморга литик аралашма юбориб, ўнг оёғини иммобилизация қилиш ва зудликда шифохонага юбориш керак.

127

Клиник белгиларига кўра, болада мушаклараро флегмона ёки суяк парда ости абсцесси билан асоратланган ўнг сонининг ўткир гематоген остеомиелитини гумон қилиш керак.

Шифохона қабул бўлимига қонни ва пешобни умумий таҳлилларини, кўкрак қафаси рентгеноскопияси ва ўнг сон рентгенографиясини ўтказиш керак.

Бемор хирургия бўлимига ётқизилиши ва у ерда шошилиш операция: мушаклараро флегмонани суяк парда ости абсцессини очиш ёки йирингини чиқариш мақсадида суякни трепонациясига кўрсатма бор.

Умумий даво ўткир йирингли септик касалликларини даволаш принципига асосан олиб боришади.

128

Болада гематоген остеомиелитнинг бирламчи хроник шакли: Броди суяк ичи абсцеси.

Беморни оператив даволаш учун хирургия бўлимига юбориш лозим. Қоидага кўра, бу ҳолда суяк трепонацияси, абсцессни ички деворларини кириб, тозалаш ва қолдиқ бўшлиқни мушак парчаси ёрдамида пластика қилиш ва жароҳатни тикиб ечиш керак.

129

Бемор ўнг катта болдир суягининг сурункали посттравматик остеомиелити билан оғриган (оқмали шакли)

Йирингли чунтакларни аниқлаш учун кўшимча текширишлардан фастулограмма қилиш керак. Беморда оператив даво учун кўрсатма бор. Оқмани ва некрозга учраган тўқималарни кесиш олиш бажарилади.

130

Бемор тери ости флегмонаси билан асоратланган. Чап сонини сурункали ўқ қуроли остеомиелитининг кўзғалиши. Беморда қон ва пешобни умумий таҳлили ва чап сонини рентген расмини олиш керак. Беморни оператив даволашда флегмонани очиш учун хирургик бўлимига ётқизиш керак.

131

Беморда ўнг ёнбош суяги тарогининг олд юзаси сурункали ўқ қуроли остеомиелити кўзғалиши ва бу ҳолда қорин парда орқаси флегмонаси ривожланиши хавфи бор. Шунини ёдда тутиш лозимки, қорин парда орқаси флегмонаси XII қовурға остеомиелити ва бел умуртқаси кўндаланг ўсмалари остеомиелити билан асоратланиши мумкин.

132

Суяк деффектини (тўлдириш) эффе́ктив пластик тўлдириш учун уни қон қуйқаси, аутоген суяк ёки тоғай бўлақларини қаттиқ шаклдаги антибиотиклар билан биргаликда тўлдириш, шу билан бирга озиклантирувчи оёқчали мушакли чўлтоқ билан тўлдириш мумкин. Суяк парда, тери, консервацияланган суякларни пломба ҳолатларда қўллаш мумкин.

133

Чақалоқда киндик сепсисини гумон қилиш ва шошилини равишда интенсиф терапия бўлимига ётқизиш керак.

Даволаш жараёнида хирург кўригини таъминлаш муҳимдир. Негаки, киндик сепсиси перитонит билан биргаликда кечади.

134

Беморда эндометрит, абортдан кейинги сепсисни гумон қилиш мумкин. Уни тезда гинекология бўлимига олиб ўтиш керак.

135

Сепсисни ташхисида муҳим аҳамиятга эга бирламчи ўчоғни (кириш дарвозасининг) борлиги, клиник белгиларининг ва қон экмасининг мусбатлиги. Қон экма учун кўп марта ҳар хил вақта, имконият бориша совқатиш ва қалтирашдан олдин ёки температура кўтариланганда олинади. Паралел равишда бирламчи ўчоғдан олинган бактериологик текширишни кузатиб бориш керак. Қон бактериологик экмасининг манфийлиги сепсис йўқлигини кўрсатмайди. Қон бактериологик экмасининг мусбатлиги

халосгина ташхисини тасдиқламасдан антибиотикни тўғри танлашга ҳам ёрдам беради.

ЎТКИР МАХСУС ХИРУРГИК ИНФЕКЦИЯ.

136

Беморда жароҳат кластридиал инфекцияси (газли гангрена) ривожланган бўлиши эҳтимоли бор. Жароҳатланган икки оёқни тезда кўздан кечириш лозим. Кластридиал инфекция учун жароҳат соҳадаги шиш характерлидир. Жароҳатда тарқалиш тезлиги ва чуқурлигини назорат қилиш учун объектив кўрсаткичлардан бири жароҳат тепаси ва пасти соҳага циркуляр лигатура чок қўйиш керак. (лигатура белгиси)

Жароҳат соҳада газ тўқимасининг ва пайпаслаганда ўша соҳа гижирлаган, (крепитация) доимий бўлмаса ҳам, муҳим белгилардан биттасидир. Ниҳоят, жароҳатлардан чоклар олинганда жароҳат туби ва деворлари ифлос кулранг қопламали мушаклар хиралиги, кузатилади. Босиб кўрилганда жароҳатдан газ ажралади.

137

Беморларда қисман санитар ишлов берилгандан сўнг тезкор чора топилган ва газли гангренага қарши носпецифик ва специфик профилактика ўтказиш тавсия этилади.

Анаэроб инфекциясининг носпецифик профилактикасига шок билан курашиш, жароҳатланган қўл-оёқларни иммобилизация қилиш, жароҳатга эрта хирургик ишлов бериш. Антибиотиклар қўллаш киради. Газли гангренаинг специфик профилактикасида тери остига ёки мушак орасига гангренага қарши поливалент зардоб 30000 МЕ юборилади. Зардобни юборишдан олдин обдон олинган зардобга сезгирликни аниқлаш учун 1:100 нисбатда эритилган зардобни тери ичига юбориш керак.

Қоқшолга қарши тезкор специфик профилактикаси учун қоқшолга қарши анатоксин, зардоб ёки қоқшолга қарши одамдан тайёрланган иммуноглобулин «қоқшолга қарши тозаланган суюқ адсорбцияланган анатоксинни қўллашга кўрсатмалар» га асосланиб қўлланилади.

138

Гангренага қарши зардобнинг даволаш дозаси 150000 МЕ (50 000 МЕ дан *CL pertringens*, *oedematiens*, *septicum* ларга қарши) ташкил қилади. Поливалент зардобини ёки

моновалент зардоблар аралашмасини кўзгатувчиларнинг бактериялик идентификациягача қўллаш тавсия этилади, идентификациядан кейин аниқланган кўзгатувчига мос зардоб қўлланилади.

Даволаш мақсадида 100 мл зардоб 400 мл изотоник эритмада эритилиб, 36⁰-37⁰С гача иситилиб, 1 дақиқада 1мл тезликда вена ичига юборилади. Кўрстма бўлса зардобни юборишни такрорлаш мумкин. Юбориладиган зардоб миқдори беморнинг клиник аҳволига боғлиқдир. Зардоб албатта врач томонидан ёки назорати остида юбориши лозим.

139

Беморда юборилган гангренага қарши зардобга жавобан анафилактик шок клиникаси ривожланган.

Тезкор равишда вена ичига полиглокин, димедрол, супрастин, дипрозин, преднизолон, дексаметозин, гидрокортизон, адреналин, юбориш зарур. Кейинчалик, артериал қон босими кўтарилганда ОЦК инфузион терапия ўтказиш керак.

140

Отдан олинган оқсилга сезгирликни аниқлаш мақсадида тери ичи синонимини ўтказиш учун 0,1 мл дан тақсимланган шприц ва ингичка игна керак. Инекция билакни букилувчи юзасига қилинади. 0,1 мл эритилган зардоб тери ичига юборилади ва 20 мин. мобайнида кузатилади. Синама манфий-қўлда думбоқча (папула) диаметри 0,9 см дан ошмайди, атрофидаги қизариш чегараланган бўлади. Агар думбоқча диаметри 1см дан ошган ва тарқалган қизариш кузатилса синама мусбат ҳисобланади.

Манфий тери ичи синамасида тери орасига эритилмаган 0,1 гангренага қарши зардоб юборилади. Агарда бемор томонидан юборилган зардобда реакция кузатилмаса, 30 дақиқадан кейин зардобни керакли дозасининг ҳаммаси юборилади.

141

Жабрланувчида газли гангренанинг аниқ белгилари. Бу отдан олинган оқсилга сезгирлик учун ўтказилган тери ичи синамаси мусбат бўлганлигига қарамай, гангренага қарши зардобни юборишга шартсиз кўрсатма ҳисобланади. Бу ҳолда врач назорати остида 1:100 нисбатда эритилган отдан олинган зардоб тери остига ҳар 20 дақиқада 0,5 мл, 2 мл, 5

мл юборилади. Реакция кузатилмаган ҳолда зардобни эритилмаган 0,1 мл тери остига 20 дақиқадан кейин қилинади. Реакция юз бермаса, зардобни қолган миқдори юборилади.

Мусбат реакция бўлган ҳолда зардоб юборилмайди, ёки юборилса ҳам наркоз.остида анафилактик шокка ҳамма дори ва тадбирларни тайёрлаб юборилади.

142

Операция пайти хирурглар томонидан хатоликка йўл қўйилган, негаки, газли гангрена билан зарарланган оёқ-қўлларни ампутация қилишнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Биринчидан қон тўхтатувчи тасма бу ҳолда қўлланилмайди. Иккинчидан, ампутация сатҳи тўғри белгиланганда (соғлом тўқималар чегараси кўз билан белгилангандан юқорироқда) ампутицион чўлтоққа яқин 1-2 кун чок қўйилмайди. Шиш ёки газ тўпланиши ампутация жойидан юқорида бўлганда узунлигига инцизия қилиш фасция чунтакларни олиш билан ампутацияни гилотина усулида ўтказиш лозим.

Могистрал томирларни боғлаш жойи ва усули ампутация сатҳига боғлиқ.

143

Қабул бўлимида аноэроб кластридиал жароҳат инфекцияли пациент тўлиқ ёки қисман санитар ишловидан ўтиш лозим.

Беморнинг касаллиги контакт йўли билан тарқалишини олдини олиш учун алоҳида хонага жойлаштириш керак. Ётишдан олдин (чиқиб кетганидан кейин) беморни кровати, шкаф-тумбаси, таҳорат жиҳози 6% водород перексид ва 0,5% ювиш воситасида қўлланган латта билан артилади. Тўшак жиҳозлари (матрац, ёстиқ, одеяло) 2 атмосфера 132°C да 20 дақиқа автоклавланади.

Хонани камида кунига 2 марта 6% водород пероксид ва 0,5% ювиш воситаси эритмаларида ишланади. Тиббий ходимлар хонага киришидан олдин алоҳида ҳалат ва бахилалар ишлатишади. Боғлов материаллари фақат бир маротаба ишлатилади. Боғлов ёки операция вақтида ишлатилган материаллар алоҳида биксда автоклавланади ва йўқотилади. Тана ва тўшак чойшаблари палиэтилен қопчада 1-2% натрий гидрокарбонат ёки ювиш воситасида ивителиб, 1,5 соат мобайнида қайнатилади.

Ишлатилган асбоблар 6% водород пероксид билан 0,5% ювиш воситасида 1 соат ботириб қўйилади ва 1 соат қайнатилади. Сўнгра оқар сувда ювилади.

144

Беморда олдинги қорин девори ва ўнг сон юқори учлигининг тарқалган ноклостридиал анаэроб флегмонаси деб тахмин қилиш мумкин. Бактериологик таҳлиллар кўрсаткичлари таъхисини тасдиқлайди. Лекин бактериологик текширув вақтида ноклотридиал микрофлораларни ажратиш, идентификация қилиш учун махсус ускуналар бўлиши ва узоқ муддат керак(3-5 кун) амалиётда эса грамм бўйича буялган суртмалар бўйича аниқланади. Гап шундаки анаэроб микроблар метоболизм даврида учувчи ёғ кислоталари чиқаради: пропион, валериан. Эзовалериан ва бошқалар, гап шундаки анаэроб микроблар бу кислоталарни ҳосил қилмайди. Кўрсатилган метаболит кислоталар суюқ хроматография билан аниқлаш мумкин.

145

Беморда ўнг соннинг ноклостридиал анаэроб флегмонасини гумон қилиш мумкин. Шошилиш операция қилиниб, тери узун кенг қирқилиши керак, ўлган тўқималар олиб ташланиши керак. Жароҳат қирғоқлари марля қўйилиб, кенг очилади. Бу аэрацияни яхшилайдди. Даволашга шунингдек антибиотиклар қўллаш киради.

146

Беморда қоқшол. Тезда жароҳатни бирламчи хирургик ишлов бериш керак. Қўзғатувчи микробни олиб ташлаш ва ноқулай шароит яратиш учун шундан кейин бемор реанимация бўлимига ўтказилади ва қоқшолни умумий даволаш ўтказилади. Наркоз остида қоқшолга қарши зардоб вена томирига 200 000 МЕ 250 мл физиологик эритмага қўшиб юборилади. Ўткир даврида уч марта қоқшол анатоксини 1мл дан юборилади. Мушаклар тиришишини олдини олиш учун аминазин ва релаксанлар юборилади.

147

Қоқшолга қарши тозаланган суюқ адсорбцияланган анатоксинни қўллаш инструкцияси (АС - анатоксин) 14.07.89 йилдан кўра. Шифохона абортини ўтказган беморга тезкор равишда қоқшолга қарши специфик профилактика ўтказиш лозим.

148

Албатта шифохонадан бўлак жойда туғруқ ўтказган туғувчи ва чақалоққа қоқшолга қарши махсус ҳамда тезкор профилактика олиши зарур.

149

Келтирилган ҳолатда (беморда гангреноз аппендицит) тўқималар гангренаси ёки некрознинг бошқа турларидагидек операция қилувчи жарроҳ, қоқшолга қарши тезкор махсус профилактика ўтказиш керак.

150

Келтирилган ҳолатда жарроҳнинг қоқшолга қарши тезкор махсус профилактикасига қаратилган тадбирлари тўғридир. Терининг юзаки I-даража куйишида, I-даража совуқ уришдагидек, қоқшолга қарши тезкор махсус профилактикага кўрсатма йўқ, негаки, микробларнинг кириши учун тери (бутунлиги) бузилмаган.

151

Келтирилган ҳолатда ўсмирга режали равишда, ёшига кўра ўтказилган эмлашларнинг ҳужжатли тасдиқланиши мавжудлигида, қоқшолга қарши тезкор профилактика ўтказилмайди. Агар охириги ревакцинациядан сўнг 5 йил ўтгач, ифлосланган жароҳат бўлса, 0,5 мл қоқшолга қарши анатоксин курак ости соҳасига, тери остига юборилади.

152

Келтирилган ҳолатда ичак очилиши бўлган ҳолатлардагидек, қоқшолга қарши тезкор профилактика ўтказиш муҳимдир. Тери ичи синамасидан кейин ҳар хил шприцларда тери остига 1мл қоқшол анатоксин ва 3000 МЕ қоқшолга қарши зардоб (ёки 250 МЕ қоқшолга қарши одам иммуноглобулини) юборилади. 30- 40 кун ва 6-12 ой ўтгач қайта 0,5 мл қоқшол анатоксини юборилади.

153

Беморга кафт бармоқларига асептик боғлама кўйилиб, инфекция бўлимига ётқизилиш керак. Бундан ташқари телефон орқали ва ёзма равишда касаллик аниқлангани ҳақида санэпидстанцияга юбориш зарур.

154

Диагноз тасдиқланган ҳолатда, жароҳатдан микроскопик текшириш учун, Грамм, Нейсер, Лефлер бўйича суртма (мазок) олиш керак. Антисептик эритмаси билан жароҳатга боғлама кўйилганидан сўнг махсус транспорт билан беморни юкумли касалликлар шифохонасига юборилади.

Вазиятли масалалар жавоблари

Бемор тўлиқ изоляция қилиниши лозим. Даволаш тери ости ва мушак ичига диферима қарши зардоб 2000- 4000 АЕ юборилиши билан дисенсибилизациядан сўнг тери остига олдин 0,1 мл, 30 мин дан сўнг 0,2 мл ва 1- 2 соатдан сўнг қолган дозани юбориши билан амалга оширилади. Жароҳатга махсус зардоб ва антисептика эритмалари билан маҳаллий боғламалар қўлланилади.

СУРУНКАЛИ МАҲСУС ХИРУРГИК ИНФЕКЦИЯ.

155

Бундай клиник кўринишда беморда умуртқа поғонасининг бел, кўкрак қисми сил спондилити, ўнг сонда оқмали абцесс билан асоратланган деб таҳлил қилиш мумкин. Ташҳисни аниқлаштириш учун авваламбор умуртқа поғонасини бел кўкрак қисмини рентгенография қилиш керак.

156

Касаллик анамнезини, жароҳат характерини ҳисобга олган ҳолда, аввал силли сиондилит, сўнг кўкрак умуртқаларининг паталогик компрессион синиш ҳақида ўйлаш мумкин.

157

Беморда бўйин лимфа тугунларининг сили ва уларнинг тарқалишини тахмин қилиш лозим. Ташҳисни тасдиқлаш учун, флорага экиш, кўкрак қафасини рентгеноскопия қилиш, лор консультациясини тавсия қилиш.

158

Хирург аниқланмаган ташҳисда пункция қилишга қарор қилди. Албатта бу касалликни енгиллашишига олиб келмайди. Олдин ўнг чаноқ сон буғинини рентгенография, ўпкани рентгеноскопия қилиши зарур эди. Ташҳис аниқ бўлгандан кейин беморни шифохонага жўнатиши керак. (Чунки беморда ўнг чаноқ сон буғимининг сили совуқ абсцесс билан асоратланган бўлиши мумкин)

159

Беморда ўпка сили, ўнг сон суягининг юқори учлигидаги аралаш суяк парчаланган, паталогик узун синиши бунга тезда керакли оғриқ қолдирувчи киритиш, боғламли иммобилизация қилиш ва травматология бўлимига ётқизиш.

160

Беморда чап пастки жағ актиномикоз шубҳаси бор. Буни даволаш учун стоматология бўлимига юбориш керак.

161

Беморда кўр ичак актиномикози шубҳаси бор. Лекин бу касалликни аппендикуляр инфилтрат, кўр ичак сили, уни ўсмаси бачадон ўнг ортиғидаги жараёнларидан дифференциялаш лозим. Бунинг учун умумий қон таҳлили, гинекологияга мурожаат қилиш, фиброскопия, ирригоскопия, актинолизат билан реакция ва серологик реакциялар ўтказиш лозим.

162

Беморда захми катта болдир суягини, периостиди билан тахмин қилиш мумкин. Ташҳисни аниқлаш учун серологик метод текширув (ва серион реакцияси, қон, Закс-Витебскийларни чўкма реакцияси) натижаларидан фойдаланиш мумкин. Бемор венерологик стационарга, специфик даволаш учун юбориш керак.

НЕКРОЗЛАР. ГАНГРЕНАЛАР. ЯРА ВА ОҚМАЛАР.

163

Беморда сон артерияси тромбозмболияси, унга зудлик билан 5000 ЕД гепарин вена ичига, 2% - 2мл папверин гидрохлорид, 2% - 1,0 промезол ва бошқа оғриқсизлантувчилар юбориш керак. Бемор шошилинич кўрсатмаларга биноан қон томир ёки умумий хирургияга юборилиб, тромбозмболэктомиа қилиш керак.

164

Беморда ёнбош венани тромбозининг клиникаси, у зудлик билан қон-томир хирургия ёки умумий хирургия бўлимига ўтказилиб, тромбозмболэктамиа қилиниб, қон айланишини тиклаш керак.

165

Беморда облитирацияловчи эндоартерит. Касаллик зурайганлиги сабабли беморга зудлик билан 2 томонлама бел симпатозэктомиа ва 1 бармоқ некрэктомиа ўтказилиши зарур. Бу билан биргаликда консерватив даво (витамин С ва В₁, В₆, томир кенгайтирувчи воситалар) физиотерапия ва гипербарик оксигенация ўтказилиш лозим.

166

Беморда облитерирующий атеросклероз. Ўнг томондаги аорта сон сегментини зарарлантириш билан, диагнозни аниқлаш учун ангиография ўтказиш лозим. Аорта – ёнбош сегмент зарарланган бўлса, - эндоартерэктомия лозим. Сон артерияси зарарланган бўлса, аутовеноз трансплантант ёрдамида шунтланиш ўтказилади. Бунинг учун бемор қон томир хирургия бўлимига юборилиши керак.

167

Консерватив даво курсидан сўнг, Яра юзаси тоза бўлгандан кейин, болага тери пластик операцияси қилиниши керак.

168

Беморда анастомознинг пентик ярасини тахмин қилиш мумкин. Ташҳисни аниқлаштириш учун рентгеноскопия, фибро эзофагоскопия ва ошқозон ширасини текшириш лозим.

169

Беморда оёқ тери ости веналари варикоз кенгайиши ва қон айланишини бузилиши. Бу ўнг болдир трофик яраси ҳосил бўлишига хизмат қилади. Қон айланишни яхшилаш учун беморни ўнг оёғини юқорига кўтариб ётиш ёки оёқга эластик бинт ёрдамида боғлам тавсия этиш керак. Беморга протеолитик ферментлар, гипертоник эритмалар, антисептиклар, малҳам боғламалар, физиотерапевтик муолажа ёрдамида ярани тозалаш, грануляцион тўқима ҳосил бўлиш учун шароит яратиш ва оператив даволашни (варикоз кенгайган веналарни олиш ва ярали дефектни тери пластикаси) тавсия қилиш керак.

170

Беморда бош мия ва ўпка капиллярларининг ёғ эмболиясини таҳлил қилиш мумкин. Даволаш ўз ичига ўпкани сунъий вентиляцияси билан биргаликда трахея интубацияси, парентерал ва зондли озиклантириш, инфузион терапия, циркуляциядаги плазма ҳажмини тўлдириш, қонни реологик хусусияти ва микроциркуляцияни тиклаш лозим.

Ёғли эмболия профилактикаси тўғри транспорт иммобилизацияси ва шокка қарши муолажаларни ўз ичига олади.

Ёғ эмболияни оғир кечишида, гипербарик оксигенация, тўқима алмашувини яхшиловчи препаратлар, вена ичига 3

сутка давомида 40-60 мл липоспадил ва 5000 ЕД гепарин юбориш керак.

171

Беморда ўнг оёқ панжа хўл гангренази. Беморни интоксикация оқибатидаги аҳволини ҳисобга олиб, парентерал йўл билан (гемодез, глюкоза, электролит) суюқликлар, юрак гликозидлари, витаминлар, диуретиклар, антибиотиклар, қон қуйиш, гипериммун плазма, стафилакокк анатоксинини юбориш зарур. Маҳаллий тарзда некрэктомия, паст т°ли ҳаво ванналари ўлган тўқималар танин ёки йодни спиртли эритмаси ёрдамида ишлов берилади, ультра бинафша нурланиш ўтказилади. Агар аҳволи яхшиланмаса соғлом тўқимагача оёқ ампутация қилинади.

172

Беморда ётоқ яра ҳосил бўлиши ҳақида ўйлаш мумкин. Умумий даволаниш билан биргаликда, бемор остидаги простианалар букланиб қолмаслиги ва тоза бўлиши керак. Хизмат қилувчи одамлар беморни 1 суткада 8-10 марта айлантриш керак. Думғоза остида резина ёстикча (сувли ёстик.) Терини тозалигига аҳамият бериш керак. Ультра бинафша нурланиш, УВИ терапия ўтказиш лозим.

ХИРУРГИК ОПЕРАЦИЯЛАР.

173

Бемор розилигисиз хирург операция қила олмайди. Аммо кўрсатилган ҳолатда зудлик операциясини амалга ошириш зарур. Шу сабабли хирург беморни операцияга кўндириши лозим. Беморга кечиктирилган операция натижасида юзага келадиган асоратлар тўғрисида айтилиши керак. Бундай ҳолат ҳақида бўлим бошлиғи ва ҳатто маъмуриятга ҳам билдирилиши лозим.

174

Юридик жиҳатдан хирург ноҳақ. 14 ёшгача бўлган беморга оператив муолажалар фақатгина ота-онасининг рухсати билангина амалга оширилиши лозим.

175

Келтирилган ҳолатда зудлик операцияси бажарилиши лозим. Беморнинг ҳуши ўзида бўлмаганлиги, зудлик операциясини бажармаслик беморнинг ўлимига олиб

келиши ҳисобга олган ҳолда беморнинг ва қариндошларнинг операцияга розилигини олиш шарт эмас.

176

Биринчи навбатда, навбатчи хирург бемор наркозсиз операция қилдирмоқчи бўлаётганлигини сабабини билиш зарур, бунда албатта наркознинг афзаллигини ўқтирган ҳолда. Агар бемор шунда ҳам ўз фикридан қолмаса, бундай ҳолат маҳаллий оғриқсизлантириш остида операцияни бажариш лозим.

177

Бўлим бошлиғи бемор билан суҳбат ўтказиши ва бемор таклифига кўра операторни алмаштириши ёки ўзи операция қилиши лозим.

178

Хирург операциядан олдин беморга киндикнинг олиб ташланиши мумкинлигини айтиш лозим эди, акс ҳолда киндикни олиб ташлаш қонуний жихатдан нотўғри. Бу пайтда «суюний киндию»ни терини апоневрозга тикиш билан пайдо қилса бўлади.

179

Бу турдаги паллиатив операция бемор аҳволини фақатгина енгиллаштиради, аммо тўлиқ даволамайди. Беморнинг оғир аҳволи, радикал операцияни кўтара олмаслиги хирург томонидан тўғри баҳоланган. Аммо тажрибали хирург муожарали ҳолатни олдини олиш мақсадида операция олдида беморни воқиф қилиши ва психологик тайёргарлик кўрсатиш лозим эди.

180

Бемор шошилишч операция – бачадон экстирпацияси кўрсатилган. Беморга оператив даво таклиф этиб, деонтологик жихатдан ташҳисни унга айтмаслик лозим. Хирург давонинг зарурлиги ҳақида беморга тўлақонли тушунтириши керак, бемор бундан бошқа даволаш чораси йўқлигига ишонч ҳосил қилсин. Ҳақиқий ташҳисни беморнинг энг яқин қишиларига айтиш лозим.

181

Беморда ўн икки бармоқли ичак яра касаллигининг қон кетиш асорати. Беморга қисман санитар ишлов берилади. Зудлик билан қон ва сийдикнинг умумий таҳлили, қон ва резус омил, фиброзофагогастроуденоскопия бажарилади ва бемор каталкада хирургия бўлимига юборилади.

182

Беморга зудлик операция тавсия этилган, аммо у овқатланган. Шу сабабли бемор ошқозонига йўғон зонд юборилиб овқат сурилиб олиниши зарур. Ичакни тайёрлаш бу ҳолатда зарур эмас.

183

Беморда ўн икки бармоқли ичак яра перфорацияси клиникаси. Беморни ўтирган ҳолатда диафрагма ости соҳада рентгенологик газнинг топилмаганлиги яра тешилиши ташхисини инкор қилиб бўлмайди. Ташхисни зонд орқали меъда ва ўн икки бармоқли ичакка ҳаво юборилиб қайта рентгенологик текширишдан сўнг тасдиқлаш мумкин.

184

Беморда қоринни тешиб ўтувчи жароҳат, ривожланиб бораётган гемоперитонеум, II-даражали шок. Беморни зудлик билан палатага олиб бориб, шокка қарши чоратадбирлар билан бир қаторда тезкор лапаротомия бажарилиши ва қон кетишни кечиктириш беморни ўлимига олиб келиши мумкин.

185

Операциядан кейин беморда кусиқ моддаларнинг нафас йўлларига аспирацияси ёки тилнинг орқага тушиши натижасида орофарингеал обструкция механик асфиксия олиб келаган.

186

Беморда ўнг томонлама гемотраксни гумон қилиш мумкин. Зудлик билан беморни ўтирган ҳолатида кўкрак қафаси рентгенографиясини бажариш. Ташхис тасдиқланган тақдирда кўкрак қафасини рентгенологик кўрик остида эртаси куни пукция қилиш лозим.

187

Беморда меъда резекциясидан кейин ичаклар парези кузатилди. Назогастрал зонд орқали меъда ичидаги суюқликни сўриб олиш зарур. Зонтни парез ҳолати ўтганга қадар ошқозонда қолдирган маъқул. Шу билан бирга беморга паранефрал блокада, перидурал анестезия кўрсатилган. Медикаментоз стимуляция анастомоз тури ва қўйилган вақти, операциядан кейинги ўтган вақтга қараб қилинади. Барча муолажалар организмнинг сув – электролит ва оқсил балансига боғлиқ ҳолда олиб борилади.

188

Беморда операциядан кейинги даврда ўткир сийдик тутилиш кузатилди. Сийдик пуфагини резинали ёки металл катетер ёрдамида катетеризация қилиш лозим. Сийдик ҳайдовчи дориларни қилиш мумкин эмас

189

Операциядан кейинги даврда беморда ўпка артериясининг тромбозмболияси кузатилди. Зудлик билан реанимацион чора тадбирларни кўриш лозим: интубация, ўпкалар суний нафаси, юракни ёпиқ массаж қилиш.

190

Беморда эрта операциядан кейинги даврда тери остига ичак эвентерациясини инкор қилиб бўлмайди. Бу ҳолатда қонаётган жароҳатга чок қўйиш ярамайди, сабаби ичакларни шикастлаш мумкин. Чокларни бир қисмини олиб, ревизия қилиш лозим.

191

Беморни зудлик билан операция қилиш зарур. Тушган ичакни антисептик суюқликлар билан ювиб, қорин бўшлиғига юбориш ва жароҳатни тикиш зарур.

ПЛАСТИК ХИРУРГИЯ ВА ТРАНСПЛАНТОЛОГИЯ.

192

Зудлик билан елка соҳасига вақтинчалик қон тўхтатиш мақсадида жгут қўйиш, асептик боғлам боғлаб оғриқсизлантириш зарур. Ампутацияга учраган қўлни стерил салфеткага ўраб, целлофан халтага солиб ичига муз қўйиб касал билан биргаликда микрохирургия бўлимига келтирилиши лозим.

193

Оёқларда қон айланишини тиклаш мақсадида аутовеноз томир пластикасини катта тери ости венаси ёрдамида амалга ошириш зарур. Агар сиз бу операция техникасини билмаснгиз вақтинчалик томирга жгут қўйиб қон томир хирургини чақирингиз лозим.

194

Панжа функциясини тиклаш мақсадида товондаги бармоқдан аутотрансплантант сифатида фойдаланиш мумкинлигини беморга тушунтириб, шу операцияни тавсия этиш зарур.

195

Бу ҳолатда оптимал бўлиб италиянча пластика «қориндан панжага» ҳисобланади.

196

Бу ҳолатда беморга томирни тефлонли протез ёрдамида ёки катта тери ости венаси сегментидан фойдаланиб айланиб ўтувчи шунтлаш операциясини таклиф қилиш зарур.

197

Бундай пайтда кўйган соҳани вақтинчалик ёпиш мақсадида мурданинг аллотрансплантатидан, брeфотеридан, чўчқа териси ксенотрансплантатидан фойдаланиш мумкин.

198

Трансплантатнинг кучишини олдини олиш мақсадида операциядан олдин донор ва реципиент терисини антиген структура бўйича типлаш ва гистологик мослигини аниқлаш зарур. Операциядан кейинги даврда иммунодепрессив терапия олиб борилиши зарур.

199

Бемор қалқонсимон безолди безларини олиб ташлаш натижасида гипопаратиреоз ривожланган. Бу ҳолат агар қонда кальций миқдорининг $1,25-1,75$ ммоль/л 10% - $10-15$ мл кальций хлор эритмасини (1 кунда 3-4 мартагача) юбориш зарур. Дигидротахистерол таблеткасини ҳам ҳар 6 соатда 2 мг дан ичиш яхши фойда беради. Агар консерватив муолажалар эффект бермаса қалқонсимон без олди комплексини кўчириб ўтказиш операциясини беморга тавсия этиш зарур.

АДАБИЁТЛАР

1. **Аҳмеджанов И.А.:** Болалар хирургиясида парвариш ва умумий хирургиядан тест ва вазият масалалар тўплами. Тошкент 1998 й.
2. **Гостищев В.К.:** Общая хирургия. Москва 1993 г.
3. **Собиров Б.У., Одиллов О.Х., Элмуратов А.Н.:** Жароҳлик беморларининг умумий парвариши Тошкент 1997 й.
4. **Собиров Б.У.:** Асептика. Тошкент 1998 й.
5. **Собиров Б.У.:** Қон Қуйиш асослари. Тошкент 1999 й.
6. **Собиров Б.У., Соатов Х.И.:** Антисептика. Кровотечения. Раны. Переломы костей. Дисмургия. Методические разработки. Тошкент 1999 й.
7. **Рычагов Г.П., Кремень В.Е.:** Ситуационные задачи и тестовые вопросы по общей хирургии. Минск 1998 г.
8. **Орипов У.А., Каримов Ш.Н.:** Умумий хирургия. Тошкент 1994 й.
9. **Янгиев А.Х.:** Умумий хирургия фанидан имтиҳон учун тест-топшириқлар. Тошкент 1998 й.
10. **Янгиев А.Х., Юнусов М.Ю.:** Умумий хирургиядан. Методик қўлланмалар 1990 й.
11. **Янгиев А.Х., Абидов М.С.:** Кафт ва бармоқларнинг йирингли касалликлари. (амалий машғулот учун услубий қўлланма) 1997 й.
12. **Турсунов Б.С.:** Хирургик беморлар парвариши. Тошкент. 2002.
13. **Турсунов Б.С.:** Хирургик касалликларда вазият масалалари. Тошкент. 1995.

МУНДАРИЖА

I – БОБ:	Хирургия тарихи. Антисептика	- 4
II – БОБ:	Асептика	- 24
III – БОБ:	Қон оқиш	- 42
IV – БОБ:	Қон қуйиш	- 59
V – БОБ:	Оғриқсизлантириш. Реанимация	- 84
VI – БОБ:	Жароҳий беморларни текшириш усуллари. Десмургия	- 102
VII – БОБ:	ШИКАСТЛАНИШЛАР. Шок. Коллапс. Обморок. Юмшоқ тўқималар шикасти. Травматик токсикоз	- 117
VIII – БОБ:	Бош, кўкрак, қорин ёпиқ шикастлари. Жароҳати	- 131
IX – БОБ:	Суяк синишлари. Чиқишлар	- 151
X – БОБ:	Куйишлар. Совуқ уриши	- 165
XI – БОБ:	Ўткир маҳаллий йирингли касалликлар	- 192
XII – БОБ:	Остеомиелит. Сепсис.	- 216
XIII – БОБ:	Ўткир маҳсус хирургик инфекция	- 224
XIV – БОБ:	Сурункали маҳсус хирургик инфекция	- 236
XV – БОБ:	Некрозлар. Гангреналар. Яра ва оқмалар	- 247
XVI – БОБ:	Хирургик операциялар	- 252
XVII – БОБ:	Пластик хирургия ва трансплантология	- 261
XVIII – БОБ:	Вазиятли масалалар	- 266
XIX – БОБ:	Вазиятли масалалар жавоблари	- 317

*Уқув адабиёти. «Умумий хирургиядан тест саволлари
ва вазиятли масалалар» 360 бет
Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти 2004 й*

*Собиров Баҳодир Урдушевич тиббиёт фанлари
доктори, профессор., Соатов Ҳаким Ибрагимович
тиббиёт фанлари номзоди, доцент., Салоҳиддинов
Бахтиёр Муҳаммадиевич Каттакўрғон тиббиёт коллежи
директори, доцент., Аҳмеджанов Исмоил Аҳмеджанович
1-сон болалар хирургияси кафедраси мудири, профессор.,
Муртозаев Зафар Исрафилович., Камолов Тоҳир
Камолович., Мамараджабов Собиржон Эргашевич.,
Шербек Улугбек Аҳрорович., Солиев Акбар
Мусаевич., Арзиев Исмоил Алиевич. умумий хирургия
кафедраси ассистентлари, тиббиёт фанлари номзодлари.*

Умумий хирургиядан тест саволлари ва вазиятли масалалар

Мухаррир: Башорат Агзамова.

Бадий муҳаррир: Қаҳрамон Бердиев.

Мусахҳих: Ҳаким Соатов.

Техник муҳаррир: Жасурбек Маҳмадиев.

*Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти. 2004 й.
700129. Тошкент. Навоий кўчаси, 30.*

Н/К

Босмахованага 24.03.2004 й берилди. Босишга 6.04.2004 й рухсат
этилди. Бичими 30x42 1/16 б.т. Офсет қоғози. Шартли босма табоқ
22,5 . Нашр босма табоқ 22,8 . 32 - рақамли буюртма.
Жами 1000 нусха. Нархи шартнома асосида.

СамТИ босмаховасида "Rizo" русмли офсет машинасида чоп этилди.
703000 Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси №18 уй



